

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

“ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2017**

Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
**201** йил \_\_\_\_\_ “\_\_\_” – сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва  
дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:**

***P.I.Нуримбетов, иқтисод фанлари доктори, профессор***

**Ўқув -услубий мажмua Бош илмий-методик марказ Илмий-методик  
кенгашининг 201 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли қарори билан  
тасдиққа тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	4
II.	МАЪРУЗА МАТНЛАРИ .....	19
III.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР .....	73
IV.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	91
V.	БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР .....	92
VI.	ГЛОССАРИЙ .....	95
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	98

## I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

---

### Кириш

Охирги йилларда олий таълим ижтимоий ривожланишнинг глобал омилларидан бирига айланган тарзда миллий ва умумжаҳон устуворликларида жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида фаолият юритувчи ижтимоий институтлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимида ҳам сифат ўзгаришларини амалга оширишга замин яратди. Мустақилликка эришгунимизга қадар республикамизда таълим соҳаси ўта марказлаштирилган, республиканинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва халқ менталитети эътиборга олинмаган, мафкуралашган, зарур касбий йўналтиришга эътибор берилмайдиган ҳолатда амалда эди. Истиқлоннинг дастлабки йилларида мавжуд таълим соҳасидаги ижобий натижаларни сақлаб қолиш ва ўтмишдан қолган мероснинг салбий жиҳатларини ҳамда ўтиш даври билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш учун жиддий чоралар кўриш талаб этиларди.

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган.

Унинг ташаббуси билан МДХ давлатларида орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида қатъий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг амалга киритилиши янги босқични бошлаб

берди. Натижада таълим тизими ва мазмун-моҳияти бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Зеро, Собиқ Иттифоқ даврида “таълим – бир умрга” тамойили “бешикдан қабргача илм изла” мақолидан келиб чиқкан ҳолда “бир умр таълим” тамойилига алмаштирилди ҳамда узлуксиз таълим концепцияси ва қасб-хунар таълимининг ислоҳоти самараси ўлароқ меҳнат бозорини муайян қасбий қўникмаларга эга шахслар билан таъминлаш имконини берди.

Бундан ташқари, таълим соҳаси ҳам бозор муносабатларига мослаштирила бошланди. Маълумки, бозор шароитида таълим соҳасини 100 фоиз давлат бюджетидан амалга оширилган ажратмалар эвазига ташкил этиш бозор қонунияти талабларига зид эди. Мактабгача таълимда хусусий муассасаларнинг фаолият юритиши, кўп бўлмаса-да айрим хусусий ўрта таълим мактабларининг очилиши, олий ўқув юртларида контракт тўловлари асосида таълимининг жорий этилиши, қасбий ва малака ошириш таълимининг ҳақ эвазига амалга оширилиши соҳада ўзини-ўзи молиялаш тизимини вужудга келтириш учун асос бўлди. Зеро, таълим соҳасида кўрсатиладиган пулли хизматлар таълим берувчиларнинг молиявий қўллаб-қувватланишига, муассасанинг моддий-техника базасининг ривожланишига ва соҳада рақобат мухитини вужудга келишида муҳим омил бўлди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳар йили таълим тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантиришга ажаратилган маблағлар ЯИМнинг 10-12 фоизини ташкил этган ҳолда бу давлат бюджетининг 35 фоиздан ортигини ташкил этмоқда. Бугунги кунда республикамизда таълим тизими сифатини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган хужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олиниши учун ҳар томонлама шароит яратиш - давлат бошқаруви идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ишчи дастурда олий таълим сифати менежментини ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг

асослари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруқлари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Олий таълим сифати менежменти” **модулининг мақсади:** олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини олий таълим сифати менежментининг илмий-услубий асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, олий таълим сифатини ошириш борасидаги меъёрий ҳужжатлардаги айрим муаммоларни аниqlаш, таҳлил этиш ва баҳолаш борасида кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Олий таълим сифати менежменти” **модулининг вазифалари:**

- олий таълим муассасаларида ўкув-услубий, илмий ва тарбия жараёнлари сифатини бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асоси сифатида қонун ҳужжатларини таҳлил этиш;
- тингловчиларнинг олий таълим сифатини ошириш борасидаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- тингловчиларни олий таълим сифати менежментига тегишли бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Олий таълим сифати менежменти” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- сифат менежменти тушунчаси, сифатни ошириш борасидаги ёндашувлар;

- олий таълимда кадрлар сифати тайёргарлигига таъсир этувчи омиллар;

- олий таълим муассасаларининг аттестацияси ва аккредитацияси;

- таълимнинг умум сифат менежменти тизимини жорий этиш;

- олий таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш ҳақида

### **билимларга эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- ўз касбий фаолият соҳаларида олий таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таълим хизматларини кўрсатиш;

- олий таълим сифатини бошқаришнинг асосий ютуқларини тарғиб қилиш;

- таълим сифатини бошқариш ва уни ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш;

- олий таълим сифати менежментига доир кейслар тузиш;

- таълимда сифатни бошқаришнинг назарий асосларини амалиётда самарали қўллаш **кўникмаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллардан амалиётда тўғри фойдалана олиш;

- олий таълим сифатини оширишга доир муаммоларни аниқлаш;

- олий таълим сифатини ошириш борасидаги муаммоларни таҳлил этиш;

- таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- таълим сифатини бошқаришни баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- олий таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш бўйича меъёрий-хукуқий хужжатларини қўллашда ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш;

- олий таълим сифати менежментининг назарий-услубий асослари асосида

ўкув жараёнини ташкил этиш;

- таълим сифати менежменти концепцияси асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- олий таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш борасида хулосалар бериш;
- олий таълим сифати менежменти асосида қарорлар қабул қилиш;
- тизимли - фаолият тавсифидаги **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Олий таълим сифати менежменти” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Олий таълим сифати менежменти” модули мазмуни ўқув режадаги “Таълимда инновацион менежмент”, “Кадрлар менежменти” ва “Таълим менежменти бўйича илғор хорижий тажрибалар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг олий таълим сифатини бошқариш бўйича касбий ва бошқарув маҳорати даражасини ортиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим сифати менежменти асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустакил таълим	
			Жами	жумладан	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Олий таълимда сифат менежментининг назарий-услубий асослари.	4	2	2			2
2.	Олий таълимда сифат менежментини жорий этиш ва уни баҳолашнинг ташкилий-хукуқий асослари.	4	2	2			2
3.	Олий таълим муассасаларида сифат сиёсати. Олий таълимда кадрлар тайёрлаш сифатини бошқаришни ривожлантириш стратегияси.	4	2	2			2
4.	Олий таълим муассасаларида сифат менежментини ташкил этишнинг илмий-услубий асослари	2	2			2	
5.	Олий таълимда сифат менежменти самарадорлигини баҳолаш усуллари	4	2			2	2
6.	Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини бошқаришни ривожлантириш истиқболлари	4	2			2	2
		22	12	6	6		10

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Олий таълимда сифат менежментининг назарий-услубий асослари**

**Режа:**

- Сифат менежменти тушунчаси, сифатни бошқариш босқичлари, тамойиллари ва функциялари.**
- Олий таълим сифатини аниқлашга бўлган ёндашувлар**
- Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Қонуннинг мақсади ва вазифалари. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари. Таълим муассасаларининг хуқуқий мақоми. Таълим тизими ва таълимнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим тизими соҳасидаги ваколатлари. Махсус ваколатли давлат органларининг ваколатлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўкув юритдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ти Қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”ти 304 - сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги” 393 сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 515-сон қарори.

## **2-Мавзу: Олий таълимда сифат менежментини жорий этиш ва уни баҳолашнинг ташкилий-хуқуқий асослари**

**Режа:**

- 1. Таълимнинг умум сифат менежменти (Total Quality Education Management - TQEM) концепцияси.**
- 2. Олий таълим муассасаси сифатини аниқловчи кўрсаткичлар.**
- 3. Олий таълимда сифатни баҳолашнинг ташкилий хуқуқий асоси ва тартиби.**
- 4. Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари моделлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ти 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869-сонли Фармони, “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ти ПФ-4958-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”ти 304 - сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 515-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-4732-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ти ПФ-4958-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ти ПҚ-2909-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3151-сон қарори.

### **3-Мавзу: Олий таълим муассасаларида сифат сиёсати. Олий таълимда кадрлар тайёрлаш сифатини бошқаришни ривожлантириш стратегияси**

#### **Режа:**

1. Таълим менежментининг анъанавий ва инновацион модели.
2. Олий таълим муассасалари аккредитацияси ва рейтингини аниqlаш.
3. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифатини ошириш.
4. Олий таълимда сифат менежментини ривожлантириш стратегияси.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар, фан дастурлари, “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг

рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи), “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли буйруғи), Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи), “Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 1998 йил 10 августдаги 185-сонли буйруғи), “Магистратура тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2012 йил 28 декабрдаги 418-сонли буйруғи), “Олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши тўғрисида”ги Намунавий Низом (ОЎМТВнинг 2011 йил 3 декабрдаги 487-сонли буйруғи), Олий таълим муассасаларида бакалавр талабаларнинг битирув малакавий ишини бажариш ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар (ОЎМТВнинг 2010 йил 9 июндаги 225-сонли буйруғи), “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2004 йил 26 марта даги 79-сонли буйруғи), ОЎМТВнинг “Вақт меъёrlари тўғрисида”ги 2004 йил 19 апрелдаги 105-сонли буйруғи, “Олий таълим муасасалари факультетлари тўғрисида”ги Низом, “Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2011 йил 3 декабрдаги 487-сонли буйруғи), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2013 йил 2 августдаги 278-сонли буйруғи билан тасдиқланган Олий ва ўрта маҳсус, қасб таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2006 йил 13 апрель № 76-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳақида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Таълим муассасаларини Намунавий ички тартиб-қоидалари ҳамда Уставини тасдиқлаш ҳақида”ги 2010 йил 1 июндаги 257-сонли буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни

ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори.

## **АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Олий таълим муассасаларида сифат менежментини ташкил этишнинг илмий-услубий асослари (2 соат)**

#### **Режа:**

1. Таълим сифати менежментини ташкил қилиш. Олий таълим сифатини юксалтириш воситалари.
2. Олий таълимда мутахассислар тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омилларнинг туркумланиши.
3. Олий таълим сифати менежментининг илғор хорижий тажрибалари ва улардан республикамиз ОТМларида фойдаланиш истиқболлари.

### **2-Мавзу: Олий таълимда сифат менежменти самарадорлигини баҳолаш усувлари (2 соат)**

#### **Режа:**

1. Таълимнинг умум сифат менежменти (Total Quality Education Management - TQEM) концепциясининг моҳияти ва уни маҳаллий ОТМларида жорий этиш масалалари.
2. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифатини аниқловчи кўрсаткичлар.
3. Таълим сифати кўрсаткичлари ва уни баҳолаш тартиби. Олий таълим муассасалари аттестацияси ва аккредитацияси ва ОТМ рейтингини аниқлаш йўллари.

### **3-Мавзу: Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини бошқаришни ривожлантириш истиқболлари (2 соат)**

#### **Режа:**

1. Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш

2. Республика олий таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациялаш. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш усуллари.
3. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Битирувчи кадрлар ва таълим маркетинги хизматлари сифатини ошириш йўллари
4. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида сифат менежментини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий-хукуқий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
  - тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
  - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
  - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлик бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Тингловчилар учун мустақил таълим бўйича тавсия этиладиган мавзулар рўйхати**

1. Таълимнинг умум сифат менежменти концепцияси ва уни амалиётга жорий этиш масалалари.
2. Таълимни модернизация жараёнини амалга ошириш учун лозим бўлган вазифалар.
3. Олий таълимда модернизация жараёнини амалга ошириш учун лозим бўлган вазифалар.
4. Модулли ёндашув тамойиллари.
5. Таълимда сифат менежментининг мақсад ва вазифалари.
6. Таълим сифатини бошқариш методлари.
7. Олий таълим тизимида умум сифат менежментининг ўрни.
8. Таълимнинг умум сифат менежментида баҳолаш муаммолари.

9. Таълимнинг умум сифат менежментида стандартлаштириш муаммоси.
10. Таълимнинг умум сифат менежментида аккредитация муаммоси.
11. Таълимнинг умум сифат менежментида рейтинглаш масалалари.
12. Олий таълим тизимида сифат менежменти методологияси.
13. Давлат таълим стандарти ва кадрлар тайёрлаш сифати.
14. Олий таълимда сифатни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари.
15. Олий таълимда сифатни бошқаришни ривожланиши ва бошқарув моделлари.
16. Таълим сифати менежменти субъекти ва унинг фаолиятини ташкил этиш.
17. Таълим тизимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий хуқуқий асослари.
18. Олий таълим муассасаларини аттестациялаш ва аккредитациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва тартиби.
19. Олий таълим сифатини бошқаришга қўйиладиган замонавий талаблар.
20. Олий таълим муассасаси имиджи ва унга таъсир этувчи омиллар.
21. Таълим сифатини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларининг роли.
22. Сифатни таъминлаш жараёнларининг олий таълим муассасаларини бошқариш ва ташкил этишга таъсири.
23. Ўзбекистонда олий таълим сифатини таъминлаш тизимини Болонья тамоийиллари билан таққослаш.
24. Хорижда таълим сифатини баҳолашга бўлган ёндашувлар таҳлили.
25. Таълим сифатини оширишга инновацион ёндашув.
26. Таълим сифати индикаторлари ва кўрсаткичлари тизими.
27. ОТМ сифатини аниқлаш методикалари.
28. Таълим сифатини баҳолаш усуллари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.
29. Таълим хизматлари сифатини таъминлаш.
30. Таълим муассасалари ўқув жараёнларини ташкил этиш ва натижасини баҳолашда инновацион ёндашувлар.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.

14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 14 февраль.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.
18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.
20. Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. - Т.: “Ўзбекистон”, 2014, 27 б.
21. Каримов И.А. “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” -Т.: Ўзбекистон, 2016.
22. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган  
Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутк  
/Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Узбекистан» НМИУ, 2016. -  
56 б.
23. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари

ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш хисобидан олдинга юришдир” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 16 январь.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маърузаси. //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

## **II. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28

декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2016.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштироқини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари”ги 304 - сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 515-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги 344-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)” Тартиби.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиши учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2001., № 7, 43-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 марта даги 100-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 107-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 190-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори// Ўзбекистон

Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 10-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 33 (689)-сон, 442-модда.

### **III. Махсус адабиётлар.**

1. Олий таълим. Меъёрий-хуқуқий ва услубий хужжатлар тўплами. – Т., Истиқлол, 2004.

2. Олий таълимнинг меъёрий-хуқуқий хужжатлари тўплами. –Т., 2013.

3. Алексеева, Л. Н. Инновационные технологии как ресурс эксперимента/ Л. Н. Алексеева// Учитель. - 2004. - № 3. - с. 28-30.

4. Злобин Э.В., Мищенко С.В., Герасимов Б.И. Управление качеством в образовательной организации. Тамбов: Изд-во Тамб. Гос.техн. ун-та, 2004.-88 с.

5. Корзникова Г.Г. Менежмент в образовании. Практический курс.-М. «Академия», 2008-288 стр.

6. Коротков, Э.М. Управление качеством образования: учебное пособие для вузов /Э.М. Коротков. — 2-е изд. — М. : Академический Проект, 2007. — 320 с.

7. Краснова Г.А. Открытое образование: цивилизационные подходы и перспективы. –М.: РУДН. 2002.

8. Мазур И.И., В.Д. Шапиро. Управление качеством: уч. пособ. для студентов вузов – М.: Изд-во Омега - Л, 2006.

9. Меликян А.В. Обеспечение качества высшего образования в странах ОЭРС// Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика, 2008. № 7/8

10. Национальные системы обеспечения качест

11. Огвоздин В.Ю. Управление качеством. Основы теории и практики. – М.: «Дело и Сервис», 2009.

12. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.

13. Регион: Управление образованием по результатам Теория и практика / Под редакцией П.И.Третьякова. –М.: Новая школа. 2001.

14. Семеусов В. Предпринимательская деятельность в вузе. // Российская юстиция. –М.: 2000.

15. Управление качеством образования: Практикоориентированная монография и методическое пособие / под ред. М.М. Поташника - М.: Педагогическое общество России, 2000 - 448 с.

### **Интернет сайтлари:**

[www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz). -Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг веб сайти.

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ТДПУ сайти

[www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). - Таълимнинг янги уфқлари.

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

[www.biim.uz](http://www.biim.uz)

## II. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

---

### **1-Мавзу: ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ (2 СОАТ)**

#### **Режа:**

1. Сифат менежменти тушунчаси, тавсифлари, сифатни бошқариш босқичлари, тамойиллари ва функциялари.

2. Олий таълим сифатини аниқлашга бўлган ёндашувлар

3. Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар.

**Таянч иборалар:** менежмент, сифатни бошқаришнинг ривожланиш босқичлари, сифат менежменти, замонавий сифат менежменти, таълим, таълим тизими, олий таълимда сифат менежменти, касбий тайёргарлик, сифатга таъсир этувчи омиллар.

#### **1. Сифат менежменти тушунчаси, тавсифлари, сифатни бошқариш босқичлари, тамойиллари ва функциялари**

Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи бир-бирини бозорда топишади. Улар фаолияти мотивацияси молиявий ютуқقا ва истеъмол самарасини кўпайтиришга асосланади. Бунда истеъмолчи турли ишлаб чиқарувчилар орасидаги энг яхши товарларни танлаш имкониятига эга бўлади. Истеъмолчи асосий фигура ҳисобланган тарзда ўз хоҳиш-истакларига мос келувчи товар ва хизматларни харид қилиб ишлаб чиқариш ривожланиш йўналишини аниқлайди.

Сифат муаммоси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, ушбу тушунча орқасида ҳамиша истеъмолчи туради. Айнан у бир мунча мақбул(устувор) бўлганини танлайди.

Сифатнинг мазмун-моҳиятини аниқлаш борасида турли тушунмовчиликларнинг кучайишига сабаб, уни ҳам мутлақ ҳам нисбий даражада тушунишнинг мавжудлигидир. Кундалик турмушда сифат мутлақ тушунча сифатида кўлланилади. Кишилар уни, масалан, қиммат ресторанлар(хизмат сифати)ни ва қимматбаҳо автомобиллар(маҳсулот сифати)ни таърифлашда ишлатишади.

Сифатли маҳсулотга чекловсиз харажатлар ҳисобига бажарилган мукаммал маҳсулотлар тааллуқли бўлиб, **камёблик ва қимматлилик** ушбу тушунчанинг иккита фарқ қилувчи қирралари ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан сифат мақом ва устунликни акс эттириш учун кўлланилади.

Сифатни нисбий тушунча сифатида ҳам қўллаш мумкин. Ушбу ҳолатда сифат маҳсулот ёки хизматнинг белгиси(ўзига хос хусусияти, атрибути) ҳисобланмайди. Сифат тўғрисида маҳсулот ёки хизматнинг мавжуд

стандартлар ёки унга қўйилган талабларга жавоб берганида гапириш мумкин. Сифат ўз-ўзидан якуний натижа бўла олмайди. У фақатгина унинг ёрдамида якуний маҳсулотнинг стандартга мослигини аниқлаш воситасидир. Сифатни нисбий тушунишда сифатли маҳсулот ёки хизмат қиммат ёки мушкул, чиройли ёки мужмал бўлиши шарт эмас. Шунингдек, у ўзига хос, оддий, сийқаси чиққан ва одатий бўлмаслиги мумкин.

**“Сифат менежменти (quality management)** – бу сифатга йўналтирилган раҳбарлик ва бошқаришнинг мувофиқлаштирилган фаолиятидир. У сифат менежменти тамойиллари ва дастакларидан фойдаланишга асосланган, менежментнинг барча функцияларини назарда тутган ҳолда ташкилотга таъсир этувчи узлуксиз жараён ҳисобланади.

### **Сифат менежменти:**

- барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганликни;
- қарор қабул қилишнинг воситалари ва усулларини;
- фаолиятнинг самаралилигини кафолатловчи усулларини;
- меҳнат жараёни иштирокчилари саъи ҳаракатларини қўйилган мақсадлар сари мобилизация қилишни таъминлайди.

Саноат ривожланиши ва илмий-техник тараққиёт натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифатига бўлган талаблар ҳам ортиб бориши бу – табиий ҳолат. Шундай экан, сифат менежменти ҳам ўзининг ривожланиш босқичларига эга бўлиб, унинг ривожланиш тенденциялари ҳамда босқичларини шартли равишда қўйидагида келтириш мумкин:

- механик назорат(1900 йилгача);
- уста назорати(1900-1920 йиллар);
- инспекцион назорат(1920-1940 йиллар);
- статистик назорат(1940-1960 йиллар);
- сифатни таъминлаш(1960-1980 йиллар);
- умум сифат менежменти(1990 йилдан ҳозирги вақтгача).

Саноат ва умуман ишлаб чиқариш тараққиёти сифатни бошқаришга ва уни аниқлашга бўлган ёндашувларни ўзгартириб борган ва ушбу тенденция келажакда ҳам давом этиши кутилмоқда(1-жадвал).

### **1-жадвал.**


#### **Сифатни аниқлаш бўйича ёндашувларнинг эволюцион босқичлари**

<b>Давр</b>	<b>Босқич номи</b>	<b>Босқич мазмуни</b>
—	Инспекция ва синаш	Сифатни текшириш ва синаш

		(сортировкалаш, нұқсон(брак)ларни ажратиши үшін қайта ишиш)
—	Сифат назорати	Сифат назорати (операциялар бүйічі назорат)
XX асрнинг 60-йиллари	Сифатни таъминлаш (QA)	Нұқсонларнинг олдини олиш (ички ва ташқи аспект)
XX асрнинг 70-80-йиллари	Сифатни бошқариш	Сифатни бошқариш усуллари ва дастаклари (ISO 9000), кузатиши
XX асрнинг 90-йилларидан ҳозирги вақтгача	Умум сифат бошқариш (TQM)	Сифатни такомиллаштириш (ISO 9000 сериясы)
Келажак	Инсонлар сифати	Сифатни, корхона сифат маданиятини, сифатда инсон омилиниң көнг англаш


Сифатни бошқариш назариясининг ривожлантиришга америкалик олимлар [Шухарт, Уолтер](#) (Walter Andrew Shewhart 1891-1967 ва Деминг, Уильям Эвардс (William Edwards Deming, 1900 — 1993) ўзларининг катта ҳиссаларини құшишган бўлиб, улар ўзларининг машхур узлуксиз жараёнларни яхшилаш “Шухарт-Деминг Цикли” (PDCA цикли)га асос солишган(1-расм.).

**PDCA** - режалаш (Plan), амалга ошириш (Do), текшириш (Check), таъсир қилиш (Act), уни турли соҳаларда тизимли асосда қўллашда ушбу соҳа бўйича тизимли фаолиятни самарадорлигини оширишга имкон беради(2-расм).



1-расм. Шухарт-Деминг цикли(PDCA)

Тизимни  
доимий  
тарзда  
яхшилаш




## 2-расм. Доимий яхшилаш

У.Шухарт биринчи бўлиб PDCA концепциясини яратди. (1939 й. “Сифатни бошқаришнинг статистик усуллари” асарида. Э. Деминг Шухарт циклини фаол тарғибот қилди ва кейинчалик PDCAni - цикл PDSA (“study” - ўрганиш) модификация қилди.

1950 йилларда Э.Деминг Японияда уни қўллашни таклиф қилиб Кайдзен тизимини яратишга олиб келди(3-расм).

**Кайдзен**, кайдзэн ([яп.](#) 改善 ;*кайдзэн*; *Kaizen*; бу – ишлаб чиқариш жараёнларини, ишланмаларни, ёрдамчи бизнес-жараёнларни ва бошқарувни, шунингдек, ҳаётнинг барча жабҳаларини тўхтовсиз такомиллаштириб боришга йўналтирилган япон фалсафаси ёки амалиётидир.

**Кайдзен бизнесда** – ишлаб чиқаришдан бошлаб юқори раҳбариятгача давом этадиган, яъни директордан то оддий ишчигача(ОТМларда эса, ректордан то ассистентгача) стандартлашган хатти-ҳаракатлар ва жараёнларни яхшилаган тарзда доимий такомиллашиб боришидир.



**З-расм. Деминг цикли асосидаги Кайдзен**

**Кайдзеннинг мақсади** – йўқотишиз ишлаб чиқариш. Шундай қилиб, сифат менежменти қуидагиларни ўзида намоён этади:

- барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганликни;
- қарор қабул қилишнинг воситалари ва усулларини;
- фаолиятнинг самаралилигини кафолатловчи усулларини;
- меҳнат жараёни иштирокчилари саъй-харакатларини қўйилган мақсадлар сари сафарбар қилишни таъминлайди:

**“Мени эшигинглар яна беши йилдан кейин сизлар Farb билан рақобатлашасизлар. Farbликлар сиздан ҳимоя сўрашмаганларигача эшитишини давом эттиринглар”.**

Ушбу сўзлар умум сифат менежментининг отаси ҳисобланмиш Э.Демингнинг 1950 йилда Токио шаҳрида Япониянинг 45 йирик компаниялари раҳбарлари олдида сўзлаган нуқтида баён этилган.

**Деминг ёндашувиининг моҳияти** қуидагича: паст самарадорлик ва ёмон сифатнинг сабаби аксарият ҳолларда, ходимларда эмас, балки тизимда. Шундай экан, ишлаб чиқариш натижаларини яхшилаш учун раҳбарларнинг тизимнинг ўзига ўзгартиришлар киритишлари керак. Деминг ўзининг асосий эътиборини қуидагиларга қаратган:

- стандартлардан чекинишлар ҳақида статистик ахборотларни йиғишининг зарурлигига;
- жараёнлар ва компания маҳсулотларидағи четга чиқишлиарнинг камайишига;
- четга чиқишлиарнинг сабабларини излаш, таҳлил этиш ва бартараф этишга.


Бугунги кундаям Эдвард Демингнинг 14 тамойиллари бутун дунё бўйича сифатни бошқаришнинг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланди.

Деминг, Джуран ва Иsicава ғояларини босқичма-босқич дастлаб Японияда

кейинчалик бошқа Ғарб мамлакатларда кенг қўлланила бошланди.

Бу даврда америкалик олим А.Фейгенбаум томонидан умум сифат назорати(TQC) концепцияси яратилган. TQC концепциясини Японияда қўллаш оммавийлашиб кетган. Бу даврга келиб, ҳужжатлаштирилган сифат тизими пайдо бўлган ва унда нафақат сифат хизмати мутахассисларининг, балки сифат соҳаси учун бутун раҳбариётнинг масъуллиги ҳамда ваколати ўрнатилган.

Умум сифат назоратини Фейгенбаум истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва дистрибутерлар фойдасига боғлиқ бўлган ҳолда маҳсулот сифати ва унинг нархидаги муаммони ҳал этишга қодир бўлган тизим сифатида тушунди. Фейгенбаум сифатни буюмни ишлаб чиқаришнинг якуний натижаси сифатида эмас, балки уни яратишнинг ҳар бир босқичида кўриб чиқиши таклиф этди. Мазкур концепцияга мувофиқ сифатнинг умумназорат концепцияси қўйидаги тарзда намоён бўлади(4-расм):



#### 4-расм. Сифатнинг умумназорат концепцияси

TQC концепциясининг қўллаш ва ривожлантириш АҚШ ва Европада ҳам амалга оширила бошлаган. Шундан сўнг, Британия стандарти BS 7750 пайдо бўлиб, у асосида сифат тизимини сертификатлаш масаласи қўйилган. Бу маҳсулотни сертификациялаш, унинг сифатини ошишига ҳамда маҳсулотга бўлган ишончни оширган.

Сифат менежменти аниқ тамойил ва концепцияларга, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий моделларига таянади. Энг кўп тарқалган сифати менежменти модели 9000 сериясидаги ИСО халқаро стандартлар модели ҳисобланади. Унинг таркибида таълим муасасаларининг сифат тизими Намунавий модели ишлаб чиқилган.

Халқаро Стандартлаштириш Ташкилоти (**ISO- International Organization for Standardization**) – бутун дунё бўйича Халқаро стандартларни ишлаб

чиқувчи ва қайта ишловчи ташкилотдир. Стандартлаштириш соҳасидаги ишлар халқаро марказ кераклигини тақозо қилди. Шу мақсадда 1926 йили стандартлаштириш миллий ташкилотларининг Халқаро Ассоциацияси (ИСА) пайдо бўлиб унинг таркибига 20 мамлакат вакиллари кирган. Лекин ИСА нинг фаолияти 1939 йили иккинчи жаҳон уруши таъсирида тўхтатилган.

1946-47 йиллари Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ташкил топди ва у қисқача ИСО деб юритила бошланди. Бугунги кунда ушбу ташкилот Бирлашган Миллатлар Бөш Ассамблеяси таркибида фаолият кўрсатмоқда.

Бу ташкилот бошқарув органи Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, ўз фаолиятини 1948 йилда бошлаган. Ҳозирги кунда 170га яқин давлат миллий стандартлаштириш институтларини ўзида бирлаштирган. У халқаро стандартларни, шу жумладан, 9000 туркумидаги стандартларни ҳам ишлаб чиқиши билан шуғулланади.

Тўққиз минг – ушбу стандартга берилган тартиб рақамидир. Стандартлар туркуми деб аталишига сабаб, ISO 9000 стандартидан ташқари, ISO 9000 “Сифат менежменти” оиласига киравчи яна ISO 9001, ISO 9004, ISO 9000:2000; ISO 9000:2008; ISO 9000:2015 стандартлари ҳам мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дастлаб сифатни бошқариш усууларини қўллаш саноатда кенг тарқалди. Лекин ҳозирги вақтда ISO 9000 халқаро стандартлар сериясига мувофиқ, сифатни бошқариш фалсафаси ва уни таъминлаш меъёрлари хизматлар кўрсатиш соҳасида – соғлиқни сақлаш, туризм, таълим ва ҳоказоларда қўлланилмоқда.

**ИСО(ISO) нинг тузилишидан асосий мақсад** – халқаро миқёсдаги мол алмашинуvida ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё қўламида стандартлаштириши ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришdir.

ИСО 9000 сериясининг биринчи стандартлари 1987 йилда нашр эттирилиб, шундан буён бир неча маротаба қайта кўриб чиқилди. Даставвал улар ишлаб чиқаришда(ўз-ўзини баҳолаш ёки биринчи томондан) биринчи навбатда “ички қўллашда” раҳбарлик сифатида сифат тизимини яратиш ва мустаҳкамлаш учун киритилди. Шунингдек, уларнинг шартнома ҳужжатлари сифатида қўлланилиши, яъни буюртмачи маҳсулот ёки хизматнинг сифати борасида бир мунча ишончга эга бўлиши эътиборга олинди(иккинчи томонини баҳолаш).

ИСО 9000 - сифатни таъминлаш бўйича сифат ва стандартларга умумий раҳбарлик-бошқа стандартларни танлаш ва қўллаш бўйича асосий қоидаларни ва раҳбарлик кўрсатмаларини берувчи кириш курси, яъни асосий тушунча ва қоидалар;

ИСО 9001 – лойиҳалаштириш ва ёки яратишда, ишлаб чиқишида, монтаж

қилиш ва хизмат кўрсатишида сифатни таъминлаш модели, яъни қўйиладиган талаблар;

ИСО 9002 – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги сифатни таъминлаш модели;

ИСО 9003 – якуний назорат ва синовдан ўтказишдаги сифатни таъминлаш модели;

ИСО 9004 – ишлаб чиқариш жараёнининг вариантига боғлиқ бўлган ҳолда қўллаш учун тавсия этилган барча элементлар изохлари келтирилган сифат ва сифат тизими элементларига умумий раҳбарлик қилиш.

ISO 9001 – Халқаро стандартида сифат менежменти тизимиға бўлган талаблар баён этилган бўлиб, улар умумий тавсифга эга бўлган тарзда турли фаолият соҳасидаги ташкилотлар учун мақбул ҳисобланади ва ушбу стандарт асосида сифат менежментининг саккизта асосий тамойиллари ётади(5-расм).

Шуни таъкидлаш лозимки, аввало, сифатни бошқариш усуллари саноатда қўлланилган. Лекин ҳозирги вақтда ISO 9000 халқаро стандартлар сериясига мувофиқ сифатни бошқариш фалсафаси ва уни таъминлаш меъёрлари хизматларни кўрсатиш соҳасида – соғлиқни сақлаш, туризм, таълим ва ҳаказоларда қўлланилмоқда.



**5-расм. ISO 9001 Халқаро стандарти асосида сифат менежменти тамойиллари\***

Агарда 1995 йилнинг ўрталаригача факат хорижий 4 та таълим муассасалари ISO 9000 халқаро стандартлар серияси норма талаблариға биноан сертификацияланган бўлишса, ҳозирги вақтда сифат тизими элементларини ва таълим соҳасидаги муассасалар учун сифатни бошқариш бўйича раҳбарликни яратиш амалда АҚШ ва Европанинг барча мамлакатларида олиб борилмоқда.

Бутун жаҳон миқёсида “Олий таълим сифати” сўз биримаси XIX асрларда ишлатила бошланиб, ушбу иборанинг тавсифи фақатгина ўтган асрнинг ўрталаридан кенг қўлланила бошланди. Лекин шу кунгача таълим сифати тушунчаси борасида умумқабул қилинган ибора мавжуд эмас.

1995 йилда ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган “Олий таълимни ислоҳ этиш ва ривожлантириш” номли дастурий хужжатга кўра, таълим фаолиятининг олий таълим сифатига бир мунча сезиларли даражада таъсир этувчи учта қирраси мавжуд: персонал сифати, талабаларни тайёрлаш ва ОТМ инфратузилмаси.

1998 йилнинг 9 октябрида ЮНЕСКО томонидан Парижда ташкил этилган олий таълим бўйича “XXI аср учун олий таълим тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси: ёндашувлар ва амалий чора-тадбирлар” деб номланган бутунжаҳон конференциясида барча фикр-мулоҳазаларни жамлаган тарзда қўйидагича таъриф берилган: “Олий таълим соҳасида сифат кўпқиррали концепция ҳисобланган ҳолда у ўзида барча функцияларни ва фаолият турларини қамраб олиши лозим: ўқув ва академик дастурларни; илмий тадқиқотларни ва стипендияларни; кадрлар билан таъминланган; таълим олувчилар; бинолар; моддий-техник база; асбоб-ускуналар; жамият учун ва академик муҳит учун ишлашни”.

**Таълимда замонавий сифат менежменти** – бу раҳбарлик ва қўллаб-қувватлашнинг самарали таркиби бўлиб, қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлади. ОТМда сифат менежменти ғоялари ва усусларидан фойдаланиш барча бўғинларда: ОТМ даражасида, унинг бўлимларида, факультет ва кафедраларида, талабалар билими, малакаси ва қўнималари шаклланадиган ва истеъмолчилар учун “қадриятлар, қийматлар” яратиладиган аудиторияларида амалга оширилиши зарур.

Олий таълим сифатини таъминлашга таълим жараёнининг ҳар бир субъекти(профессор-ўқитувчи, талаба, ота-оналар, маъмурият, иш берувчилар ва ҳ.к.лар) манфаатдордир.

Таълим жараёнида “сифат” тушунчасини қўллаш мазмунан бошқача маъно касб этади. “Юқори сифат” мутлақ тушунчаси таълимда сифатни бошқариш тизими билан ҳеч қанақа умумийликка эга эмас. Сифатни бошқариш борасидаги мунозараларда тез-тез унинг юқори мақомлилигининг мутлақ аҳамияти борасидаги саволлар пайдо бўлиб туради. Ушбу мутлақлаштирилган тушунчаларни қўллаш таълим муассасасининг имиджини яхшилашга ҳамда ижтимоий алоқалари учун фойдали бўлиши мумкин.

## **2. Олий таълим сифатини аниқлашга бўлган ёндашувлар**

Замонавий педагогик лугат таълим сифатини шундай изоҳлайди “...*Турлича таълим жараёни қатнашчиларининг таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларидан қониққанлик даражаси...*”

Таълим сифати “**Quality of Education**” – бу таълимнинг(натижа сифатидаги, жараён сифатидаги, таълим тизими сифатидаги) белгиланган эҳтиёжлар, қадриятлар ва нормалар(стандартлар)га мувофиқ келишидир. У шундай тушунчаларда намоён бўлади: таълим бериш сифати(ўқув жараёни, педагогик фаолият); илмий-педагогик кадрлар сифати; таълим дастурлари сифати; моддий-техника базаси сифати; талабалар, таълим олувчилар, абитуриентлар сифати; таълимни бошқариш сифати; илмий тадқиқотлар сифати ва ҳ.к.лар.

Д.Ф.Вестерхайден сифат тушунчасини кўриб чиқишида, аниқ таълим мақсадлари эришиш сифатга хос элемент ҳисобланишини таъкидлаб ўтади. *Амалий мақсадларга эришиши, якуний “маҳсулот” сифати даражасига эквивалент. Сифат кўп ўлчовли тушунча: у таълим жараёни иштирокчилари олдида турган кўпгина турли мақсадларга нисбатан ўлчанади.*<sup>1</sup>

Сифат мақсадларга мос келиш даражаси сифатида ҳозирги кундаги энг кўп ишлатиладиган категориялардан бири ҳисобланади.


Таълим “сифати” тушунчаси бўйича турлича ёндашувлар мавжуд. Биринчи ёндашув(Уотти фикрича)да олий таълим “сифати” тушунчасини унга таъсир этувчи омиллар(алоҳида ёки комплекс)га боғлиқ ҳолда қаралади(6-расм).

*Болонья жараёнининг мазмун-моҳиятини қисқача олий таълимни ислоҳ этиши талабларига ОТМ талабалари, битирувчилари ва ўқитувчиларининг “тез ривожланаётган жамиятнинг ўзгараётган эҳтиёжларига таъсир кўрсата олишига имкон берувчи” тайёргарликка эгалиги сифатида таърифлаш мумкин.*<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Westerheijden D.F. Peers, performance and power: quality assessment in the Netherlands// Peer review and performance indicators: quality assessment in British and Dutch higher education/ eds.: Leo C.J. Geodegebuure, Peter A.M.Maassen, Don F. Westerheijden. Utrecht: Lemma. P.183-207.

<sup>2</sup> The Bologna Process 2020 – The European Higher Education Area in the new decade. Communiqué of the Conference of the Conference of European Ministers Responsible for Higher Education. Leuven and Louvain Neuve, 28-29 April 2009 // высшее образование в России.-2009. - №7.- С.156-162

## Олий таълим “сифати” тушунчасини аниқлашга бўлган ёндашувлар



### 6-расм. Олий таълим “сифати” тушунчасини аниқлашга бўлган ёндашувлар<sup>3</sup>

ИҲТТнинг барча давлатлари олий таълим сифатини назорат қилиш ва ривожлантиришга ОТМларда самарали бошқарувни ташкил этиш, уларга қабул қилишаётган қарорлари борасида босқичма-босқич ваколатлар ва жавобгарликларни бериш орқали интилишмокда. Ушбу интилиш хукumat ва ОТМлар ўртасидаги мумкин бўлган оралиқ функцияларни бажарадиган тузилмаларни яратиш ва ривожлантиришни, шунингдек, барча манфаатдор томонлар орасидаги ваколатлар ва жавобгарлик зоналарини чегаралаш, яъни давлат, бизнес, маъмурият, маҳаллий жамоатчилик, талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркиби орқали амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу ҳолатда ОТМларнинг янги маъмурияти ва эҳтимол янги маъмурияти-воситачи-агентлик ходимлари ўзларининг менталитети ва

<sup>3</sup> Kis V. Quality Assurance in Tertiary Education: Current Practices in OECD Countries and a Literature Review on Potential Effect, OECD, 2005, p. 34.

малакаси давлат маъмурларидан ва профессор-ўқитувчилардан ва бизнес соҳаси менежерларидан тубдан фарқ қилишади.


Ушбу ёндашув бўйича “таълим сифати” тушунчасининг сифатни таъминлаш заруратига қуидагилар тааллуқли: талаблар(мақсадлар, стандартлар, таълим нормалари); шарт-шароитлар ёки ресурслар(таълим дастурлари, кадрлар салоҳияти, абитуриентлар контингенти, инфратузилма, моддий-техник таъминот, молиялар ва бошқалар); таълим жараёнлари(илмий ва ўқув фаолияти, бошқарув, таълим технологиялари ва бошқалар), мутахассислар тайёрлашни бевосита амалга оширувчи(таъминловчи)лар; ОТМлар фаолияти натижалари(талабалар таълим олишининг жорий ва якуний натижалари, битиравчилар лавозим(карьера) ўсиши тавсифлари). Бунга ўхшаш ёндашувни ЮНЕСКО ҳам қўллаб-қувватлади.

Иккинчи ёндашув доирасида(Уотти фикрича) таълим сифатини олий таълимда манфаатдорлар стейкхолдерлар(ташқи манфаатдорлар)нинг турли-туманлиги билан боғлашади. Сифатни таъминлаш методикасини ишлаб чиқищдан манфаатдор бўлган стейкхолдерларни бир нечта гуруҳларга бўлиш мумкин. Таълим хизматларини **таклиф этиш** нуқтаи назаридан Уотти қуидагиларни ажратади: ҳукумат, сифатни таъминлаш бўйича агентлик, ОТМлар ва алоҳида ўқитувчилар, **талаф** нуқтаи назаридан эса-талабаларни, иш берувчиларни, ота-оналарни ва, умуман, жамиятни ажратади.

Харви ва Гринларнинг таъкидлашларича, *муаммо “битетта нарсанинг турлича ракурсларида эмас, балки бир хил номга эга бўлган, лекин турли-туман нарсаларнинг турли ракурсларда”* лигидан иборат. Улар “сифат”нинг мавҳум тушунчасини очишга ва унинг турлича жабҳаларига дикқатни қаратишга интилганлар(7-расм).<sup>4</sup>

---

<sup>4</sup> Kis V. Quality Assurance in Tertiary Education: Current Practices in OECD Countries and a Literature Review on Potential Effect, OECD, 2005, p. 34.



### **7-расм. Олий таълим сифати тушунчасининг турлича жиҳатлари(Харви ва Грин бўйича)**

Экспертлар фикрлари бўйича ушбу ёндашувдан фойдаланганда сифатни аниқлашнинг бир мунча мос таърифи сифатнинг мақсад ва транформациялари(талабанинг ўзгариш жараёни) сифатига мослигини англатади.

Тадқиқотчилар Харвей ва Гринлар олий таълимда сифат тизимиға бешта ёндашувларни кўриб чиқишиади. Улар учун сифат – бу “чиқиши”да изжобий натижаларга йўналтирилган маҳсус жараён; таълим жараёни доирасида такомиллаштириши жараёни; мақсадларнинг истеъмолчилар талаблари ва кутишиларига мослиги; капитал қўйилмалар натижаси; талabalар ёки янги билимларни ривожлантириши учун тақдим этилаётган имкониятларнинг такомиллаштириши борасидаги ўзгаришларга мослашиши.<sup>5</sup>


Таълим сифати ва, хусусан, олий таълим сифати бўйича адабиётлар таҳлилларининг кўрсатишича, ОТМларда сифат менежменти тизими(СМТ)ни қўллашда ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ОТМ ходимлари учун таълим муассасида сифат менежменти тизимининг зарурлигини англаш мураккаб;
- аниқ хатти-ҳаракатларда раҳбариятнинг ҳал этиши қийин;
- профессор-ўқитувчилар таркибини бошқарувнинг янги тамойилларини қабул қилишнинг мураккаблиги;

<sup>5</sup> Harvey L. External quality monitoring in the market place// Tertiary Education and Management. Vol.3.No.1.1997.p. 25-35.

- таълим муассасаларида сифат менежменти тамойилларини жорий этиш бўйича зарурий услубий қўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги;

“Таълим сифати” феномени турли тадқиқотчилар томонидан кўп йиллар давомида синчковлик билан ўрганилиб келинаётган тушунчалардан ҳисобланади. Лекин шунга қарамасдан шу кунгача ушбу тушунча тўғрисида тадқиқотчи олимлар ва амалиётчи-мутахассислар орасида, ҳамфирлик мавжуд эмас. Сабаби таълим сифати юқори бўлганлиги билан у амалиётда кутилган натижани бермаса, тайёрланган мутахассис амалиётдаги муаммоларни еча олмаса, уни тўла тўқис сифатли мутахассис деб аташ мумкин эмас.



**8-расм. Таълим сифати тушунчасини ташкил этувчиликлар**

Шундай экан, таълим сифати, аввало, давлат таълим стандартларининг бажарилиш сифатига, асосан, жамият ва истеъмолчилар(меҳнат бозори) томонидан қўйилган талабларга, ОТМ мақсадлари, меъёрлари, унга яратилган шарт-шароитлар, таълим жараёни ва якуний натижалар сифатига боғлиқ(8-расм).

Сифат менежментининг замонавий моделлари асосида тўлиқ сифат (*Total Quality*), TQM тамойиллари ва жараёнли ёндашув ғояси ётади. Айнан шу ёндашувлар ўқитувчи фаолиятда ўзининг аксини топиши лозим.

#### **Таълимда сифат менежменти тизими қўйидаги тамойилларга асосланади:**

- таълимга бўлган талабларни илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда англаш;
- истеъмолчига мўлжал олиш, меҳнат бозоридаги кескин рақобат менежмент тизимидан сафарбарлик ва динамикликни талаб ётади;
- мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда ўкув жараёнини доимий такомиллаштириб бориш.

#### **Республикамиз ОТМларда сифат менежменти тизими масалаларига бўлган қизиқишлиарни қўйидагилар билан изохлаш мумкин:**

-Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинганидан кейинги унинг якунловчи босқичи “Сифат босқичига” ўтилиши билан;

- таълим ва илмий хизматлар бозорида рақобатнинг ривожланиши, таълим сифати менежменти натижасида инновацион ривожланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши;

- давлатнинг таълим тизимида олиб бораётган сиёсати ва ислоҳотлари;

- сифатнинг ОТМ аккредитациясининг асосий шарти эканлиги;

- ҳар бир цивилизациялашган мамлакатнинг Европа таълим маконига интеграциялашуви ва Болонья декларациясининг имзоланиши каби омилларнинг мавжудлиги.

- Болонья жараёни иштирокчиларининг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида (2005 йил, сентябрь) асосий оралиқ устуворликлар белгиланган бўлиб, булар: сифатни таъминлаш, икки даражали тизим, даражалар ва таълим даврларини тан олиш ҳисобланади. Бу жараёнда сифат масаласи биринчи ўринда турибди, уни таъминлаш ОТМларнинг зиммасига юклатилади.

### **Олий таълим сифати соҳасидаги долзарб тушунчалар доирасига қўйидагилар киради:**

- Олий таълим сифати.

- Олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифати.

- Олий маълумотли сифатли мутахассисларни тайёрлаш муаммолари.

- Олий таълим сифатини тизимли тадқиқ этиш.

- Олий таълим сифати нормалари.

- Олий таълим сифати мезонлари.

- Олий таълим сифатини баҳолаш.

- Олий таълим сифати мониторинги.

- Олий таълим сифатини таъминлаш.

- Олий таълим сифатини бошқариш.

Таълим тизими бошқарувида моделлаштиришнинг асосий элементи, яъни таълим сифати мақсадларини аниқ ифодалашдан иборат бўлиб, у кўп жиҳатдан таълим жараёни фаолиятининг муваффақиятларини белгилаб беради.

**Умуман олганда, таълим тизимининг мақсади** – бу кўрсатилган вақт давомида таълим муассасаси томонидан таълим жараёнини мувофиқлаштирилган ҳаракатлар билан эришиш мумкин бўлган исталган ҳолат ёки натижа.

**Таълим тизими** бошқарувининг умумий функциялари иерархиянинг барча погоналарида муассаса фаолиятини бошқарув жараёнининг асосий босқичлари моҳиятини акс эттиради: режалаштириш; ташкил этиш; рағбатлантириш; мувофиқлаштириш; назорат.

Ўзаро ҳурмат ва шериклик ва уни доимо яхшилаб, такомиллаштириб бориш тамойилларига асосланган ҳамкорликдаги меҳнат сифат менежментининг моҳиятини ташкил этади. Лекин сифат менежменти шиор

эмас, балки иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг энг яхши ташкилотларида синовдан ўтган тамойил ва дастаклар тизими, инсоният тарихи давомида йифилган ноёб тажриба ҳисобланади. Шундай қилиб, таълим муассасаси сифат менежменти – таълимни ташкил қилиш, зарур ресурслар билан таъминлаш ва бошқариш жараёнини қамраб олган комплекс тизим бўлиб, асосан, ўкув жараёнини назарда тутади.

### **3. Таълим ва кадрларни қасбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар**

Таълим ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Айнан таълим жамиятнинг интеллектуал, маданий, маънавий ҳолатини шакллантиради. Таълимнинг мазмун-моҳияти ва унинг йўналтирилганлигини таълим стандартлари ва дастурларида акс эттирилади. Таълим сифатини англашга бўлган ёндашувларни қўйидаги кетма-кетликда акс эттириш мумкин:

- Билим ташувчи
- Билим етказувчи
- Билим оловчи
- Билимни услубий етказишнинг қабул қилинувчанлиги
- Билимнинг фундаменталлиги
- Олинган билимларнинг талабчанлиги
- Янги билимларни олиш

Таълим сифати, аввало, таълим оловчига турли методикалар ёрдамида билимни етказувчи (профессор-ўқитувчилар таркиби)нинг сифати билан аниқланади.

#### **Олинган билимларнинг фундаменталлигига боғлиқ ҳолда билим оловчи қўйидагиларга эришиши мумкин:**

- ўқишига кириш имтиҳонлари бўйича танловларда ғолиб бўлиши;
- ишга жойлашиш борасидаги танловлардан муваффақиятли ўтиши;
- ўкув жараёнининг олдинги босқичларида ўрганилган базавий фанлар билимларига асосланадиган фанларни бир мунча муваффақиятли ўзлаштиришлари.

Охирги йилларда иқтисодиётнинг турли тармоқ ва хизмат қўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи компаниилар амалиётида қўлланилаётган “сифатни умумий бошқариш”(TQM) концепцияси асосида олий таълим тизимида сифат менежменти тизимини яратишга қаратилган қатор ишлар ва лойиҳалар бажарилмоқда. TQM методологияси якуний истеъмолчининг хоҳишиларини қондиришга йўналтирилган ҳолда ташкилот маданияти ва умумий бошқарувни яратишга мўлжалланган.

Кўпчилик хорижий ва ватанимиз тадқиқотчилари сифат менежментини

**TQM(total quality management** – умум ёки бутун қамраб олувчи тотал сифат бошқаруви) методологиясини жорий этиш билан боғлашларига қарамасдан, амалиётнинг кўрсатишича, сифатни бошқариш усуллари ва моделларининг аник йифиндиси ташкилотнинг тармоққа тааллуқлигига, унинг кўламига, тузилишига ва қатор бошқа омилларга боғлиқ. Фақатгина ушбу ҳолатларни эътиборга олган тарздагина сифатни бошқариш механизмининг самарали фаолият юритишига эришиш мумкин.

Ахборот жамиятига ўтиш шароитида таълимда сифат менежменти муҳим рол ўйнаган ҳолда бу иккита ҳолат билан боғлиқ.

**Биринчидан**, таълим муассасалари бўлғуси мутахассислар шаклланадиган биринчи бўғин сифатида намоён бўлиб, бунда уларнинг касбий тафаккури, ишбильармонлик муаммоларини ечиш борасидаги ёндашувлари пайдо бўлади. Таълим ўзининг ички институционал тартиб-қоидаларини бутун ҳаётга киритишига ва тарқатишига қодир бўлган ноёб институт ҳисобланади.

**Иккинчидан**, бозор муносабатларининг ривожланиши, иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, ўз навбатида, таълим муассасалари орасидаги рақобатчиликнинг кучайишга олиб келади. Натижада таълим хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш муаммолари пайдо бўлади. Шу сабабли ҳар бир ОТМ ўзининг рақобатчилик устуворликларини яратиши ва ривожланиши бўйича зарур бўлган йўлларни топиши ва, аввало, тақдим этаётган таълим хизматлари сифатини ошириши зарурияти пайдо бўлмоқда.

ОТМда СМТни жорий этиш бошқа тармоқ ва соҳаларда фаолият юритувчи ташкилотларда ишлаб чиқилган ва жорий этилган ўхшаш тизимлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу таълим хизматларини кўрсатиш билан шуғулланишадиган муассасалар қатор ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан боғлиқ ва булар қуидагича:

**Биринчидан**, масалан, саноат корхонасидан фарқли равишда улар жонсиз маҳсулот ишлаб чиқаришмайди. Хизмат истеъмоли уларни ишлаб чиқариш жараёниданоқ бошланади.

Бу сифатга талабни оширишни тақозо этади, сабаби таълимда “нуқсонлар”ни тўғрилаш жуда қийин ёки умуман иложи йўқ.

**Иккинчидан**, таълим хизматларини тақдим этувчи муассасалардаги мутлақ кўпчилик ходимлар (профессор-ўқитувчилар таркиби ва ёрдамчи таркиб) бевосита истеъмолчилар (талabalар) билан алоқа қилишади. Хизматларни кўрсатиш жараёнида истеъмолчи қабул қиласида, баъзан онгли тарзда, бунда академик даражада, касбий билимлар, таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий кўнижмалари ва бошқа параметрлари таъсир этади.

Бу таълим сифатининг интеграл истеъмол баҳосига таъсир этади, уни

барқарор этади, фақат ўқув жараёнининг сифатини оширишга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлар ҳисобига унинг қисқа муддатлар ичida ўзгаришини мураккаблаштиради.

**Учинчидан**, ОТМ томонидан тақдим этилаётган хизматлар чегаралари кенг кўламда амалга оширилади. Улар таълим стандартлари ёки ўқув режалари асосида амалга оширилиши мумкин. Кўпгина ҳолатларда хизматлар таълим муассасалари ва истеъмолчилар(корпоратив ёки хусусий) ўртасидаги келишувлар асосида ташкил этилиб, бу ўз навбатида сифатни комплекс бошқарув заруриятини келтириб чиқаради.

**Тўртинчидан**, ОТМнинг мутахассислари (шу жумладан, профессор-ўқитувчилари) таълим дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда маълум бир даражаларда эркинликка эга, уларнинг шахсий компетенциялари талаб этилаётган натижаларни олишда муҳим аҳамиятга эга. Бошқа томондан у таълим сифатига ҳал этувчи даражада таъсир этиши мумкин. Мувофиқ равишда айнан сифатни “тотал” бошқариш талаб этилади. Битта ОТМда самарали бўлган ёндашув бошқа бир ОТМда мазкур ёндашув самарасиз ҳам бўлиши мумкин.

**Бешинчидан**, кўпгина таълим хизматларининг бажарилишини бошқариш лойиҳани бошқаришга ўхшаш тавсифга эга. Бу шароитларда оралиқ ва якуний натижаларни олиш босқичлари аниқланган, сифатли таълим олишда уларнинг улуши баҳоланган ва алоҳида ишбилармонлик жараёнлари аниқ ажратилган ва қайд этилган бўлиши лозим.

Таълим жараёни ва унинг маҳсулоти сифатини ошириш учун нафақат янги тизимларни, балки мос дастаклар билан мустаҳкамланган комплекс бошқарув технологияларини жорий этиш талаб этилади.


Шундай қилиб, **таълимнинг сифати**: директив хужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижроси; ўқув ва ўқув-услубий ишлар узлуксизлиги ва янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши; таълим муассасаси моддий-техник-ўқув базасининг замонавийлиги; илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги; маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги каби таркибий қисмлари фаолияти мувофиқлаштирилганлигига бевосита боғлиқдир.

Умуман, олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари – ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим оловчилар, бинолар, моддий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик муҳим фаравонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак.

Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш таълим сифатининг асосий якуний сифатидир, бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар ўқув-ёрдамчи фаолият ходимлари, маъмурий ходимлар ва бошқалар;
- технологиялар педагогик тарбиявий, информацийи башкарув, назорат қилувчи ва бошқалар;
- моддий-техникавий таъминот бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва бошқалар;
- меъёрий-хуқуқий ва ўқув-методик таъминот;
- рағбатлантиришлар ва асослар;
- ташқи таъсислар бозор иқтисодиёти талаблари, корхоналар, жамият ва давлат.

Таълим тизимининг юқорида келтирилган таркибий элементлари устунлик қилувчи омиллар мажмуини белгилайди, булар таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этади. Мазкур омиллар –расмда келтирилган, унда таълим ва касбий тайёрлов шартли тарзда кўп ўлчамли тузилма - “уйчалар” кўринишида берилади(9-расм).<sup>6</sup>



**9-расм. Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар**

Буни қуйидаги кетма-кетликларда ҳам изоҳлаш мумкин:

**Асос (фундамент)** ўрта маҳсус, касбий таълим муассаси битиравчиларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ омилларга алоқадордир ҳамда олий таълим билан ворислигига боғлиқ.

**Ёмон пойдевор устига яхши иморат қуриб бўлмайди !**

<sup>6</sup> Л.В.Перегудов, М.Х. Саидов. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. Б.52.

**Ўнг девор** профессор-ўқитувчилар таркиби билан боғлиқ омилларга алоқадор касбий малака, психологик тайёргарлик, маънавият-маърифат ва маданият, асослаш ва рағбатлантириш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик даражаси

**Таълим муассасаси ўзида ишилаётган ўқитувчилардан яхшироқ бўла олмайди.**

**Сўл деворга** Давлат таълим стандарти (ДТС)да белгиланган омиллар-ўкув режалари ва фанлар дастурини, ўкув-методик таъминот, моддий-техникавий таъминот, малакавий амалиёт ва бошқалар таъсир этади.

**Яхши меъёрий-хуқуқий асос – яхши ташкил этилган ўкув тарбия жараёни ва уни бошқаришнинг асоси.**

**Одли девор** таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси билан боғлиқ омилларга алоқадор ўкув жараёнида малакали мутахассислар, фан ва техниканинг замонавий моддий-техникавий базасидан фойдаланиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда иштирок этишга.

**Таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг уйғунлашуви – рақобатбардош иқтисодиёт гарови.**

**Орқа деворга** таълим муассаси ва унинг бўлинмаларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ омиллар таъсир этади: бошқариш тизими, бошқариш усули ва услуби, раҳбарнинг индивидуал, жамоавий-руҳий сифатлари.

**Бошқарув фаолияти ўз мазмун ва тавсифига кўра, меҳнат жамоаси ҳаётида ақлий-тартибий аҳамият касб этади.**

**Том** – унга бозор иқтисодиёти ракобат муҳити ва истиқболлари белгилайдиган омиллар таъсир этади, корхона эҳтиёжи ва манфаатлари, меҳнат моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза.

**Эшик** - омиллар учун кириш у билан боғлиқ:

- ўқитилаётган шахсларнинг индивидуал ва жамоавий-руҳий сифатларини шакллантириш;

- ўкув-тарбия жараёнини назорат қилиш.

Умуман, таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифати муаммоларига **тизимли ёндашиш** зарур. Омиллар бутун мажмуини улар боғлиқлиги ва алоқадорлигига, бир занжирнинг халқалари сифатида бошқариш зарур.

Мазкур занжирдан бирор халқа (омил) ёки халқалар (омиллар)нинг тушиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизимида узилиш содир бўлишига олиб келади. Мазкур тизимидағи узилишлар бирор омил йўл қўйилган чегарадан чиққанида ҳам содир бўлади. Шунинг учун омиллар мажмуини бозор иқтисодиёти, корхона, жамият ва давлат белгилайдиган талаб чегарасида тутиб туриш таълим сифатини бошқариш тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

## **Хулосалар**

Ҳозирги кунда аксарият давлатларда сифат менежменти тизимини “ISO 9001” стандартлари талабларига мослигини сертификациялаш жорий этилган. Халқаро миқёсда тан олинишни истаган барча корхона ва муассасалар, жумладан, таълим муассасалари учун “ISO 9001-2008” каби халқаро стандартлар талаблари даражасида сифат менежменти тизимини жорий этиш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан кириб бориш, рақобат қурашида афзаллакларга эга бўлишнинг зарурий шартидир.

Таълим сифатини кўп қиррали тушунча сифатида кўриб чиқиши мумкин. Ушбу тушунчанинг моҳиятини аниқлашга истеъмолчилар талабарини қондириш орқали уларнинг қониққанлигини ошириш мақсадида сифат менежменти тизимини қўллашда жараёнли ёндашув нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Олий таълим сифатини таъминлашга таълим жараёнининг ҳар бир субъекти(профессор-ўқитувчи, талаба, ота-оналар, маъмурият, иш берувчилар ва ҳоказолар) манфаатдордир.

Таълим жараёнида “сифат” тушунчасини қўллаш мазмунан бошқача маъно касб этади. “Юқори сифат” мутлақ тушунчаси таълимда сифатни бошқариш тизими билан ҳеч қанақа умумийликка эга эмас. Сифатни бошқариш борасидаги мунозараларда тез-тез унинг юқори мақомлилигининг мутлақ аҳамияти тўғрисида саволлар пайдо бўлиб туради.

Ушбу мутлақлаштирилган тушунчаларни қўллаш таълим муассасасининг имиджини яхшилашга ҳамда ижтимоий алоқалари учун фойдали бўлиши мумкин.

Сифатни нисбий тушунча сифатида ҳам қўллаш мумкин. Ушбу ҳолатда сифат маҳсулот ёки хизматнинг белгиси(ўзига хос хусусияти, атрибути) ҳисобланмайди. Сифат тўғрисида маҳсулот ёки хизматнинг мавжуд стандартлар ёки унга қўйилган талабларга жавоб берганида гапириш мумкин.

Сифат ўз-ўзидан якуний натижа бўла олмайди. У фақатгина унинг ёрдамида якуний маҳсулотнинг стандартга мослигини аниқлаш воситасидир. Сифатни нисбий тушунишда сифатли маҳсулот ёки хизмат қиммат ёки мушкул, чиройли ёки мужмал бўлиши шарт эмас. Шунингдек, у ўзига хос, оддий, сийқаси чиққан ва одатий бўлмаслиги мумкин.

Сифат нисбий тушунча сифатида иккита қиррага эга:

- **биринчидан** – бу стандарт ёки унга қўйилган талабга мос келиши;
- **иккинчидан** – истеъмолчилар талабига мос келиши.

Таълим сифати – олинган билимларнинг аниқ мақсадларга ва яшаш сифатини оширишга эришиш учун конкрет шарт-шароитларда ва жойлардаги зарурлигидир.

Жараёнли ёндашув алоҳида таълим жараёнларининг кетма-кетлиги ва ўзаро алоқадорлиги доирасидаги бошқарувнинг тўхтовсизлигини англатади.

Сифат менежменти – менежмент назарияси ва амалиёти ютуқларидан фойдаланган ҳолда замонавий ахборот технологияларига мўлжалланган интеграллашган тизим ҳисобланади. Унинг муваффақиятлилигини сифатий ва миқдорий қўрсаткичларни қўллаш орқали баҳолаш мумкин.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарори 2012 йил 26 сентябрь. 278- сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юритидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365- сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муасасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. 2012 йил 29 декабрь. 371 сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.,33 (689)-сон, 442-модда.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

13. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

15. Каримов И.А. “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” -Т.: Ўзбекистон, 2016.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маърузаси. //“Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 16 январь.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

18. Злобин Э.В., Мищенко С.В., Герасимов Б.И. Управление качеством в образовательной организации. Тамбов: Изд-во Тамб. Гос.техн. ун-та, 2004.-88 с.

19. Мазур И.И., В.Д. Шапиро. Управление качеством: уч. пособ. для студентов вузов – М.: Изд-во Омега - Л, 2006.

20. Меликян А.В. Обеспечение качества высшего образования в странах ОЭРС// Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика, 2008. № 7/8

21. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.

22. Саидов М.Х. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: ўкув кўлланма/ М.Х.Саидов. – Т.: “Tafakkur – Bo’ston”, 2011. 432 б.
23. Harvey L. External quality monitoring in the market place// Tertiary Education and Management. Vol.3.No.1.1997.p. 25-35.
- 24.Kis V. Quality Assurance in Tertiary Education: Current Practices in OECD Countries and a Literature Review on Potential Effect, OECD, 2005, p. 34.
- 25.The Bologna Process 2020 – The European Higher Education Area in the new decade. Communique of the Conference of the Conference of European Ministers Responsible for Higher Education. Leuven and Louvai Neuve, 28-29 April 2009 // высшее образование в России.-2009. - №7.- C.156-162
26. Westerheijden D.F. Peers, performance and power: quality assessment in the Netherlands// Peer review and performance indicators: quality assessmen in British and Dutch higher education/ eds.: Leo C.J. Geodegebuure, Peter A.M.Maassen, Don F. Westerheijden. Utrecht: Lemma. P.183-207.

**Интернет сайтлари:**

[www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz). -Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг веб сайти.

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ТДПУ сайти

[www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). -Таълимнинг янги уфқлари.

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УНИ БАҲОЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (2 СОАТ)**

**Режа:**

1. Таълимнинг умум сифат менежменти (Total Quality Education Management-TQEM) концепцияси
2. Олий таълим муассасаси сифатини аниқловчи кўрсаткичлар
3. Олий таълимда сифатни баҳолашнинг ташкилий хуқуқий асоси ва тартиби
4. Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари моделлари

**Таянч иборалар:** умум сифат назорати, сифатни таъминлаш, сифатни яхшилаш, таълимнинг умум сифат менежменти, таълимнинг умум сифат менежменти концепцияси, ИСО, олий таълим сифати, олий таълим муассаси сифати, олий таълим сифатини баҳолаш кўрсаткичлари.


### **1. Таълимнинг умум сифат менежменти (Total Quality Education Management-TQEM) концепцияси**

“...одамлар жамоасида шундай ишини ташкил этиши керакки, ҳар бир ходим ўз меҳнатидан қониқиши ҳосил қиласин”. Э.Деминг ва Д.Джурен

Маърузалар матнининг биринчи мавзусида таъкидлаб ўтилганидек, Деминг, Джурен ва Исиқава ғояларини босқичма-босқич амалга ошириш билан табиий ресурсларга энг камбағал бўлган, иккинчи жаҳон урушидан қийинчилик билан чиққан Япония дунёнинг энг бой мамлакатларидан бирига айланди.

Бу даврда америкалик олим **А.Фейгенбуам томонидан умум сифат назорати(TQC)** концепцияси яратилган. TQC концепциясини Японияда қўллаш оммавийлашиб кетган. Бу даврга келиб, ҳужжатлаштирилган сифат тизими пайдо бўлган ва унда нафақат сифат хизмати мутахассисларининг, балки сифат соҳаси учун бутун раҳбариятнинг масъуллиги ҳамда ваколати ўрнатилган.

Деминг, Джурен ва Исиқава ғояларини босқичма-босқич амалга ошириш билан табиий ресурсларга энг камбағал бўлган, урушдан қийинчилик билан чиққан Япония дунёнинг энг бой мамлакатларидан бирига айланди.



## 10-расм. Сифатни таъминлаш моделларини тадқиқ этишнинг иерархик схемаси\*

\*Манба: <http://studme.org/65664/> menedzment/modeli

Бу даврда америкалик олим **А.Фейгенбаум томонидан умум сифат назорати(TQC)** концепцияси яратилган. TQC концепциясини Японияда қўллаш оммавийлашиб кетган. Бу даврга келиб, хужжатлаштирилган сифат тизими пайдо бўлган ва унда нафақат сифат хизмати мутахассисларининг, балки сифат соҳаси учун бутун раҳбариятнинг масъуллиги ҳамда ваколати ўрнатилган.

Агарда сифатни таъминлаш модели методологик нуқтаи назардан қараладиган бўлса, улар тадқиқотларини иерархик схема шаклида намоён қилиш мумкин(10-расм).

**TQM таркибиға:** сифатни таъминлаш, сифатни умумий назорати (сифатни бошқариш), сифат сиёсати, сифатни режалаштириш ва сифатни ошириш элементларини олади.

Сифат тизими: сифатни режалаштириш, бошқариш, таъминлаш ва яхшилашдан иборат.

Сифатни режалаштириш сифатга қўйиладиган мақсад ва талабларни аниқлаш ҳамда сифат тизими элементларига қўллаш фаолияти ҳисобланади.

**Сифатни таъминлаш** – сифат тизими доирасидаги барча режалаштирилган ва тизимли амалга оширилаётган фаолият турларини ўз ичига олади. Буларга обьект (маҳсулот, жараён ёки хизмат) истеъмолчи талабини қондиришига етарлича ишончни тасдиқлаш ва ҳосил қилиш заруриятидан келиб чиқадиган фаолият турлари киради.

**Сифатни яхшилаш** – бу самарадорлик ва натижавийликни ошириш мақсадида ташкилотларда амалга оширилаётган тадбирларни ва ташкилот ҳамда истеъмолчи фойдаси учун қилинаётган тадбирларни ўз ичига олади.


Ўтган асрнинг 70-йилларининг охири ва 80-йилларнинг бошларида умум сифат назоратидан умум сифат менежменти(TQM)га ўтила бошланган. Бу ISO 9000 (1987 йил) стандартининг пайдо бўлиши билан бошланган. Бу хужжат унинг методологик асосини белгилайди.

Агар TQC – бу ўрнатилган талабларни бажариш мақсадида сифатни бошқариш ва назорат қилишни талаб қилган бўлса, TQM – бу яна мақсадлар ва талабларни бошқаришни ҳам ўз ичига олади.

Стандартларнинг янги версиясини яратувчилар стандартта глобал бозор ва сифатни умумбошқариш(Total Quality Management-TQM) концепцияси талабларига жавоб берувчи замонавий фалсафани ва сифат тизимини замонавий тушунишни киритишга ҳаракат қилишди.

Сифат бўйича мутахассисларнинг фикрича, сифат тизими стандартлари корхоналарни умуний бошқариш тизимининг органик қисми ҳисобланар экан, шунга мувофиқ TQMни корхоналарни замонавий бошқариш тизимининг органик қисми сифатида қараш лозим.

(Total Quality Management - TQM) Ташкилот раҳбариятининг сифатни яхшилашга қаратилган фаолияти.



**11-расм. Сифат менежменти жараёни модели**

Кириш маълумотларини олувчи ва уларни чиқишида ўзгартирувчи ҳар қандай фаолиятни жараён сифатида кўриш мумкин. Шундай экан, ҳар бир ташкилотнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун кўп сонли ўзаро алоқадор жараёнларни аниқлаш ва уларни бошқариш зарур. Самарали бошқариш учун ташкилотлар ўзларининг бир нечта бўлиши мумкин бўлган киришларини ва чиқишлиарини аниқ белгилашлари лозим бўлади. Кўпинча битта жараённинг чиқиши бевосита навбатдаги жараённинг киришини намоён этади. Кенгайтирилган ташкилотларни, тизимли идентификациялаш ва жараёнларни бошқаришни ва шундай жараёнлар орасидаги ўзаро хатти-харакатларни “жараёнга ёндашув сифатида” ҳисоблаш мумкин.

Модел кириш маълумотларини аниқлашда истеъмолчилар мухим аҳамият касб этишларини белгилаб беради. Ташкилотлар бошқа жараёнлар, билан ўзаро хатти-харакатга киришда бир вақтнинг ўзида моддий ва ахборот маҳсулотларини етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган СМТ модели бир томондан кириш маълумотларини аниқлашда истеъмолчилар сезиларли даражада мухим рол ўйнашларини кўрсатишади. Бошқа томондан истеъмолчиларнинг қониққанлиги мониторинги

истеъмолчилар талабларининг бажарилишини қабул қилиш тўғрисидаги ахборотларни баҳолашни талаб этади.

Умумсифат менежменти (Total Quality Management - TQM)-*Ташкилот раҳбариятининг сифатни яхшилашга қаратилган фаолияти* (ISO 8402:1994)

“Умум сифатни бошқариш” концепциясини жорий этишдаги асосий муаммолар асосан персонални бошқариш соҳасида рўй беради. Сифатни такомиллаштириш билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир ташкилот камида қўйидаги тўрта тўсиқقا учрайди:

1. Персоналнинг янгиликларга қаршилик қилишига;

2. Турли даражадаги менежерларнинг маҳсулот сифати билан ташкилот фаолияти самарадорлиги орасидаги ўзаро боғликларни тушунишларидаги чекланишлар.

3. Сифатни такомиллаштиришга ёндашувнинг бир марталик чора-тадбир ёки навбатдаги янги турдаги компания сифатида қаралиши.

4. Сифатни такомиллаштиришга бошқариш сифатида эмас, балки статистик чора-тадбир сифатида қараш.

Сифатни ошириш жараёнини жорий этиш аксарият ҳолларда корпоратив маданиятни тубдан ўзгартиришни талаб этади. Бунда асосий эътиборни ўрта бўғин менежерларига, уларнинг малакаларига ва уларнинг TQM концепциясини қўллаб-кувватлашларига қаратиш керак.

Айнан ушбу бошқарув бўғини ходимларига оддий ходимларни маҳсулот сифатини оширишга жалб этишда, улар тафаккурида ушбу тизимнинг зарурлигини шакллантиришда ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ҳар томонлама такомиллаштириш, назорат этиш, бўғинлар орасида тескари алоқалар ва харажатлар самарадорлиги боғлиқ бўлади.

(Total Quality management) тамойиллари халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО)нинг сифат менежменти талабларига мос келади.

Шу сабабли ИСО стандартининг 9001-2001 талабаларини эътиборга олиш билан ОТМнинг сифат менежменти тизимининг асоси бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- истеъмолчига мўлжал олиш;
- мақсадни белгилаш ва унга эришишда раҳбариятнинг етакчи роли;
- ОТМ вазифасини ечишда ўқув жараёни барча қатнашчиларининг жалб этилганлиги;
- ОТМ фаолиятининг барча турларини ташкил этишга жараёнли ёндашув;
- уни бошқаришга тизимли ёндашув;
- таълим сифатини доимий яхшилаб бориши.

**Умумий маънода баҳолаш** – сифатни таъминлаш иборасини англатишига қарамасдан, у параллел равишда бошқа усууллар билан бирга кўрилади.

Баҳолаш сифат тўғрисидаги мулоҳазани олиб чиқиб “сизнинг натижаларингиз қанчалик яхши?” деган саволга жавоб беради.

**Предметни баҳолашда** асосий эътибор ушбу предмет ўқитиладиган барча дастурлар бўйича маълум предмет сифатига қаратилади.

**Дастурларни баҳолашда** ўқув дастурлари доирасидаги фаолиятга эътибор қаратилади.

**Таълим муассасасини баҳолашда** ОТМнинг ишлаш сифати, яъни уни ташкил этиш, молиявий масалалари, бошқаруви, моддий-техник базаси, шунингдек, ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари ўрганилади.

**Мавзуни баҳолаш** аниқ бир таълим мавзусининг сифатини ёки амалиётини, масалан, талабаларга маслаҳат беришни ўрганади. Европа ва АҚШда баҳолашнинг бир мунча кўпроқ қўлланиладиган турлари бўлиб дастурларни ва ўқув муассасини баҳолаш ҳисобланади.

Баҳолашни ўтказишдаги энг мураккаб вазифалардан бири – бу таълим индикаторлари ва кўрсаткичлар тизимини танлаш ҳисобланади.

## 2. Олий таълим муассасаси сифатини аниқловчи кўрсаткичлар

Олий таълим тизимининг сифат таъминоти кўрсаткичларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

Профессор-ўқитувчилар таркиби сифати – илмий даражалилиги, таниқлиги.

Университетнинг илмий-тадқиқот дастурлари.

ОТМнинг моддий- техник базаси ҳолати.

Ўқув дастури сифати.

Талабалар сифати.

Билим сифати.

Битиравчиларга бўлган меҳнат бозоридаги талаб.

Битиравчиларнинг эришган ютуқлари.

Ҳозирги вақтда таълимнинг сифати ўқув юрти ва мамлакат олий мактабининг рақобатбардошлиқ даражасини белгиловчи муҳим тавсифлардан биридир. Муайян олий ўқув юртида таълимнинг сифати буортмачига таклиф қилинувчи таълим хизматлари мажмуини ҳам ўз ичига олади.

Таълимнинг сифати бошқариладиган жараён бўлиши лозим. ОТМ уч субъект – таълим жараёни буортмачилари: таълим олувчи шахс, малакали кадрларга муҳтож ишлаб чиқариш ва таълим жараёнининг кафолатчиси саналган давлатга таълим хизматларини кўрсатади.

**Таълим сифати самарадорлигининг барча кўрсаткичлари еттига асосий қисм (соҳа)га ажратилади:**

Таълим дастури.  
Эришилган ютуқ.  
Ўқув ва дарс ўтиш.  
Талабаларга ёрдам.  
Тамойиллар ва қадриятлар.  
Ресурслар.

Бошқарув, раҳбарият ва сифатни таъминлаш.

Ҳар бир асосий қисмда таълим самарадорлигининг бир тақлиддаги кўрсаткичлари мавжуд. Масалан, 3-асосий-ўқув ва дарс ўтиш-қисмга қўйидагилар тааллуқли:

Таълим жараёни сифати.

Таълим сифати ва таълим олаётганларни баҳолаш.

Ўқиётганлар эҳтиёжини қондириш.

Билимни таълим жараёнининг қисми сифатида баҳолаш.

Профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Ота-оналар билан алоқа.

Ҳар бир самарадорлик кўрсаткичи яна бир неча мавзу(савол)га эга. Масалан, самарадорлик кўрсаткичи – таълим жараёнининг сифати қўйидаги мавзу(савол)ларни ўз ичига олади:

- уй ишларидан фойдаланишни ҳам қўшганда таълимга ёндашиш кўлами ва муқобиллиги;
- таълим кўргазмалилиги ва профессор-ўқитувчи тушунтиришларининг аниқ ва мақсадга йўналтирилганлиги;
- сухбатнинг сифати (ўқитувчи-таълим оловчи).

Самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашга бундай ёндашиш таълим муассасаси фаолияти соҳасини тезкор белгилашга имкон беради. Буларда кучли томон ёки ташвиш тугдирувчи томон устунлик қиласи. Бундан ташқари, текширувнинг одатдаги туркуми билан қамраб олинган ёки миллий ёки маҳаллий ўзига хосликлар билан боғлиқ таълим муассасалари фаолиятининг бошқа соҳасини баҳолаш мумкин.

**Бугунги кунда таълим сифатини тушуниш ёндашувидан келиб чиқсан ҳолда сифат кўрсаткичларининг қўйидаги блокларини ажратиб кўрсатиш мумкин:**

1. Профессор-ўқитувчилар таркиби сифати.
2. ОТМнинг моддий-техник базаси ҳолати.
3. Профессор-ўқитувчилар таркибининг мотивацияланганлиги (рағбатлантирилганлиги)
4. Ўқув дастурларининг сифати.
5. Талабалар сифати.

6. Инфратузилмалар сифати.
7. Билимлар сифати.
8. Раҳбариятнинг инновацион фаоллиги.
9. Жараёнли инновацияларни жорий этиш.
10. Битирувчиларга бўлган талаб.
11. Меҳнат бозорида битирувчиларнинг рақобатбардошлиги.
12. Битирувчиларнинг эришган ютуқлари.

Республикамизда рағбатлантириш ва ишлар натижаларига жавобгарликни кучайтириш мақсадида ОТМлар ўқитувчилари фаолияти рейтингини аниқлаш тартиблари амалга тадбиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор профессор-ўқитувчилар таркиби малакасини ошириш, сертификатлаш ва натижаларни баҳолашнинг мажбурий табақаланишини кўзда тутади. Педагоглар малакасини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида “Устоз” республика фонди ташкил этилган.

Лекин бугунги кескин рақобатчилик ва иқтисодий глобаллашув шароитида олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар салоҳияти ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги **“Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-4732-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори билан тасдиқланган **“Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди.

### **3. Олий таълимда сифатни баҳолашнинг ташкилий хуқукий асоси ва тартиби**

Таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўнирма ва маънавий сифатларнинг энг қўйи миқдори илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик хужжат – **давлат таълим стандарти** ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдики, ДТС назорат воситаси, айни вақтда, таълим муассасаларида қўзланган кўрсаткичларни қўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш ўлчови ҳамдир.

ДТСининг икки асосий вазифасини алоҳида таъкидлаб қўрсатиш мумкин. Бундай стандартлар ўқувчиларга бериладиган таълим мазмунининг *мажбурий минимумини* ҳамда битиравчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини белгилаб беради. Таълим мазмунининг мажбурий минимуми ўқув дастурлари ва дарсликларда тўлиқ ўз ифодасини топиши шарт.

Битиравчиларнинг тайёргарлик даражасига кўра, ўқувчи муайян босқичда эгаллаши шарт бўлган билим, қўникма ва малакаларининг *минимал миқдори* белгиланади.

Э.М.Коротков фикрига кўра, **таълимнинг сифати** – бу мутахассиснинг касбий фаолиятни иқтисодиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ самарали амалга оширишга қодирлигини белгиловчи профессионал онг тавсифлари мажмуидир.<sup>7</sup>

Бизнингча, **олий таълимнинг сифати** (натижа сифатидаги) олий таълимнинг ранг-баранг эҳтиёжлар, мақсадлар, талаблар ва меъёрларга мувофиқлигидир.

### **Таълим индикаторларига қўйидагиларни киритиш мумкин:**

1. Аҳолининг билим салоҳияти.
2. Таълим ва меҳнат бозори.
3. Таълимни шакллантириш.
4. Таълим олувчилар контингенти.
5. Таълим муассасалари ходимлари.
6. Таълим олиш шарт-шароитлари.
7. Халқаро таққослашлар.

Британиянинг Quacquarelli Symonds(QS) бўйича дунёning энг зўр ТОП 200 та университетлари рейтинги қўйидаги олтита қўрсаткичларни баҳолаш натижасида тузилади:

1. Академик репутация(academic reputation) – умумий баҳолашнинг 40%ини ташкил этади.
2. Иш берувчиларнинг ОТМ битиравчиларига муносабати(employer reputation) – умумий баҳолашдан 10 фоизни ташкил этади.
3. Университет ходимлари нашрларининг цитаталанганлик даражаси(citations per faculty)-20 фоиз.
4. Талабалар ва профессор-ўқитувчилар сони нисбати-(faculty student ratio)-20 фоиз.
5. ОТМда чет эллик талабалар сони (proportion of international students)-5 фоиз.

<sup>7</sup> Коротков, Э.М. Управление качеством образования: учебное пособие для вузов /Э.М. Коротков. — 2-е изд. — М. : Академический Проект, 2007. — 320 с.

6. ОТМда чет эллик профессор-ўқитувчилар сони (proportion of international faculty)

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан фақат биттагина мезон иш берувчиларнинг ОТМ битиравчиларига муносабатини, яъни талабаларни тайёрлаш сифатини бевосита кўрсатади. Қолган мезонлар таълим сифатига билвосита таъсир кўрсатади. Учинчи мезон қўпгина МДҲ давлатлари тадқиқотчилари томонидан танқид этиладиган мезон бўлиб, сабаби бу профессор-ўқитувчилар таркибининг тан олинган илмий репутацияси ҳақида маълумот беради. Тўртинчи ва бешинчи мезонлар таълим сифатига қараганда кўпроқ ОТМнинг маркетинг ва рекрутинг фаолияти тўғрисида маълумот беради.

Етарлича машҳур бўлган дунёning 100 та ТОП ОТМлари репутацияси рейтингини аниқлайдиган Буюк Британиянинг Times-Times Higher Education газетасининг Thomsoms Reuterrs ахборот гуруҳи билан ҳамкорликдаги ва Ipsos Media жамоат фикрини ўрганиш хизмати билан олиб борган тадқиқотлар натижалари ҳисобланади. Times Higher Education томонидан аниқланадиган бутун дунё бўйича энг зўр университетлар рейтинги 13 та алоҳида кўрсаткичлардан ташкил топиб, ушбу кўрсаткичлар 5 та категорияга бўлинади:

- таълим бериш-атроф-муҳитни ўрганиш(30 фоиз ҳажмида),
- тадқиқ этиш-ҳажми, натижалар ва репутация(30 фоиз ҳажмида),
- цитаталаш-ҳавола(ссылка)ланганлик даражаси (32,5 фоиз),
- саноат натижалари-инновациялар(2,5 фоиз),
- халқаро муносабатлар-ходимлар ва талабалар(5 фоиз).

Кўрсатилган мезонлар кўпроқ ОТМ натижаларига йўналтирилган: инновация, тадқиқ этиш, цитаталаш.

Ушбу рейтингда таълим олиш жараёнига тўғридан-тўғри муносабатда бўладиган-атроф-муҳитни ўрганиш мезони пайдо бўлган. Бундан халқаро рейтинглар учун таълим бериш жараёнига мурожаат қилиш камдан кам ҳодиса эканлигини англаш мумкин.

Бугунги кунда яна ОТМларнинг рейтингини аниқлаш борасида 500 та ТОП Шанхай рейтингни аниқлаш тизими ҳам мавжуд.

#### **4. Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари моделлари**

Бугунги кунда турли мамлакатларда таълим сифатини таъминлашнинг мавжуд миллий тизимлари қўпгина қўйидаги кўрсаткичлари бўйича бир-бирларидан фарқланишади:

- ҳукумат(давлат)нинг ваколатлари;
- жамоат ва турли масъул органлар ва муассасаларнинг жалб этилиш даражаси;

- мақсад ва вазифаларнинг шаклланиши;
- мезонлар ва процедуралар.

Бу турлича давлатларда таълим тизимининг, шу жумладан, уларни бошқариш функциялари, таълим жараёнини ташкил этиш, шунингдек, бир қараганда олий таълимга бевосита тааллуқли бўлмаган давлатнинг институционал ва маданий анъаналари(масалан, миллий тили, тарихи маданияти) билан фарқланади.

1990 йилларнинг охирига келиб ИХТТ аъзолари(Белгия, Канада ва Германиядаги француз жамотчилигидан ташқари) олий таълим институтлари сифатини таъминлаш бўйича миллий хизматлар ташкил этилган, 1990 йилларнинг бошида фақатгина бир нечта мамлакатларда мавжуд бўлган.

#### **Европа мамлакатларида сифатни таъминлаш даражаси турлича:**

- таълим муассасасини тўлалигича баҳолаш мумкин(институционал баҳолаш), масалан, Францияда;
- ёки аксарият ғарбий ва марказий Европа мамлакатларида амал қиласиган алоҳида таълим дастурларининг сифатини баҳолаш(махсус баҳолаш);
- шунингдек, алоҳида ўқув фанларини ёки ОТМ фаолияти йўналишларини баҳолаши мумкин.

Ҳозирги вақтда турли мамлакатларда таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари кўпгина параметрлари бўйича турлича фарқланади:

- ҳукумат(давлат) ваколатлари;
- жамоат ва касбий органлар ва муассасаларнинг жалб этилганлик даражалари;
- мақсадлар ва вазифаларни белгилаш;
- мезонлар ва тартиблар.<sup>8</sup>

#### **2-жадвал.**

#### **ИХТТ мамлакатларида олий таълимнинг турлича тизимлари\***

<b>Олий таълим тизимлари параметри</b>	<b>Турли мамлакатларда амалга ошириш</b>
ОТМлар сони	Австралия ва Ирландия, Нидерландия ва Швецияда 40-65 дан ОТМлар; Англияда 130; Германияда 350 та ва Японияда 1290 та; АҚШда 4000 тагача
Олий таълимни бошқариш тузилмалари	Германия, Австралия ва АҚШда федерал тизимлар. Англия ва Ирландияда миллий тизимларда молиялаштириш “буфер” ташкилотлар-воситачи агентликлар орқали амалга оширилади

<sup>8</sup> Положение «О Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан», утвержден Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О совершенствовании деятельности Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан» № 341 от 20.07.2004 г.

ОТМларнинг туркумланиши	Тадқиқот университетлари касбий ва техник ўқув юртларидан ўз роли ва ўзаро муносабатлари бўйича сезиларли даражада фарқ этишлари мумкин(асосан Ирландия, Нидерландия ва Германияда). Баъзан турлича ва маҳсус ихтисослаштирилган коллежлар мавжуд. Шунингдек, аксарият давлатларда аҳамияти юқори бўлган, асосан Япония ва АҚШда хусусий ОТМлар сони билан ажралиб туришади
Институционал автономлиги даражаси	Барча таълим муассасаалари академик қарорларни қабул қилишда ва илмий йўналишларни танлашда автоном, лекин уларнинг молиявий масалалардаги ва бошқариш масалаларида мустақиллигига катта фарқлар бор: <ul style="list-style-type: none"> <li>- давлат билан ишлайдиган хусусий университетлар фақат контракт бўйича;</li> <li>- давлатга тааллуқли бўлган ва у томонидан назорат қилинадиган мазмун моҳияти бўйича давлат ташкилотлари ҳисобланувчи ОТМлар.</li> </ul>

Манба: On the edge:securing a sustainable future for higher education. Report of the OECD/IMNE-HEFCE project on financial management and governance of higher education institutions, OECD, 2004, p. 8.

Бу турли мамлакатлarda турлича таълим тизимлари, шу жумладан, улар томонидан бошқарув тамойиллари ва таълим жараёнларини ташкил этишнинг, ҳам бир қараганда олий таълим(масалан, миллий тил, тарих, маданият)га давлатнинг институционал ва маданий анъаналари бевосита тааллуқли бўлмагандек намоён бўлишида акс этади.

### Хуносалар

Олий таълим соҳасидаги сифат, унинг куйидаги функциялари ва фаолият турларини қамраб олувчи кўп ўлчамли концепция ҳисобланади: ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқотлар ва стипендиялар, кадрлар билан таъминлаш, ўқувчилар, бино, моддий-техникавий асос ва жиҳозлар, жамият фаровонлиги йўлидаги ишлар сифат муаммосини ҳал этишда унга таъсир этувчи омилларнинг бутун мажмуини уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро харакатида бошқариш лозим, яъни тизимли ёндашишдан фойдаланиши керак.

Яна шуларни таъкидлаш лозимки, таълим сифати ва кадрлар тайёрлашни бошқаришда таълим муассасаси ва унинг ўқув-касбий дастурларини аккредитация ва аттестациядан ўтказиш мухим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда таълим муассасалари ва унинг дастурини аккредитациялаш, унга таълим тизимини ва ўзи хизмат қўрсатиши лозим бўлган кенг жамоатчилик ишончининг намойиши ҳисобланади.

Таълим сифатини ошириш – бу, биринчи галда – ўқув ва ўқув-лаборатория жиҳозларини, кутубхона жамғармасини янгилаш, таълим муассасаларини глобал ахборот тармоғи Интернетга боғлаш.

Рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш ва рақобатбардош хизмат кўрсатишни таъминлаш – таълимнинг асосий мақсади.

TQM – оммавий ҳаракат. Бу таълим муассасасининг ҳар бир ходими таълимда юқори даражадаги сифатга эришиш фаолиятида иштирок этиши лозим деганидир. Ҳар бир ходим, ҳар бир кафедра, ҳар бир факультет, ҳар бир ОТМ ўзининг “ички ва ташқи буюртмачи ҳамда етказиб берувчисига” эга. Сифатни бошқариш – “буюртмачи”ни рақобатбардош мутахассислар билан таъминлаш ва рақобатбардош таълим хизмати кўрсатишни англаради.

Таълим муассасаси фақат раҳбарият ёки бир неча самарали фаолият кўрсатаётувчи ходим куч-ғайрати туфайлигина самарали ривожлана олмайди, шунинг учун таълим муассасасининг ҳар бир ходими таълим жараёнини такомиллаштириш ва “буюртмачи” талабини қондиришга жалб этилган бўлиши лозим.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси–Т.: “Ўзбекистон”НМИУ, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2010 йил 28 июль.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муасасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 авгуустдаги 242-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.,33 (689)-сон, 442-модда.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

13. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

14. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

15. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатdir” -Т.: Ўзбекистон, 2016.

16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутк /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. - 56 6.

17. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маъruzаси. //“Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 16 январь.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маъruzаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маъruzаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

21. Злобин Э.В., Мищенко С.В., Герасимов Б.И. Управление качеством в образовательной организации. Тамбов: Изд-во Тамб. Гос.техн. ун-та, 2004.-88 с.

22. Мазур И.И., В.Д. Шапиро. Управление качеством: уч. пособ. для студентов вузов – М.: Изд-во Омега - Л, 2006.

23. Меликян А.В. Обеспечение качества высшего образования в странах ОЭРС.// Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика, 2008. № 7/8

24. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.

25. Саидов М.Х. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: ўкув қўлланма/ М.Х.Саидов. – Т.: “Tafakkur – Bo’ston”, 2011. 432 б.

26. Kis V. Quality Assurance in Tertiary Education: Current Practices in OECD Countries and a Literature Review on Potential Effect, OECD, 2005, p. 34.

27. On the edge:securing a sustainable future for higher education. Report of the

OECD/IMNE-HEFCE project on financial management and governance of higher education institutions, OECD, 2004, p. 8.

28.The Bologna Process 2020 – The European Higher Education Area in the new decade. Communiqué of the Conference of the Conference of European Ministers Responsible for Higher Education. Leuven and Louvai Neuve, 28-29 April 2009 // высшее образование в России.-2009. - №7.- C.156-162

**Интернет сайтлари:**

[www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz). -Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг веб сайти.

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ТДПУ сайти

[www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). -Таълимнинг янги уфқлари.

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

### **3-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СИФАТ СИЁСАТИ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ (2 СОАТ)**

**Режа:**

1. Таълим менежментининг анъанавий ва инновацион модели
2. Олий таълим муассасалари аккредитацияси ва рейтингини аниқлаш
3. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифатини ошириш
4. Олий таълимда сифат менежментини ривожлантириш стратегияси

**Таянч иборалар:** инновация, инновацион мұхит, инновацион салоҳият, аккредитация, аттестация, ташқи аттестация ва ўз-ўзини аттестациялаш, ички аттестация, олий таълим муассасаси рейтинг тизими, олий таълим муассасаси рейтинг тузилмаси, таълим маркетинги иқтисодиёти.

#### **1. Таълим менежментининг анъанавий ва инновацион модели**

Дунё мамлакатлари орасидаги академик сафарбарликнинг ортиши, жағон илмий-таълим маконидаги интеграциялашув ўз навбатида иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлган таълим тизимларини яратиш, университет корпоративлиги даражасини ошириш ва таълимнинг турли даражалардаги ўзаро алоқаларининг кучайишига олиб келмоқда.

Ушбу муаммони самарали ҳал этиш йўлларидан бири – бу таълимни ахборотлаштириш ҳисобланади. Коммуникациялар техник воситаларининг такомиллашуви ахборот алмашишида сезиларли тараққиётга олиб келди. Компьютер воситалари ва телекоммуникация тармоқлари ривожланиши билан боғлиқ янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши, таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун сифат жиҳатидан янги бўлган ахборот-таълим мұхити яратишга имкон берди.<sup>9</sup>

Кўйида инновация, инновацион менежмент, инновацион мұхит, инновацион салоҳият тушунчаларининг изоҳларини келтириб ўтамиз.

**Инновация тушунчаси** – кенг қамровли бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнига мукаммал, янги, илгари бўлмаган технологияларни жорий этишни назарда тутади.

**Инновацион менежмент** – ташкилий бошқарувчиликнинг ўзига хос тури бўлиб, унда инновацион фаолият режаси ва дастурларини ишлаб чиқиши ва жорий этишни бошқариш амалга оширилади.

**Инновацион мұхит** – инновацияларнинг яратилиши, амалга оширилиши ва илгари сурилишини ўраб турувчи ҳолат.

**Инновацион салоҳият** – деганда, ўзаро боғлиқликда бўлган турли хил ресурсларнинг умумий йиғиндиси тушунилади.

<sup>9</sup> Алексеева, Л. Н. Инновационные технологии как ресурс эксперимента/ Л. Н. Алексеева// Учитель. - 2004. - № 3. - с. 28-30.

Инновацион таълимнинг пайдо бўлиши молиявий-иқтисодий шартшароитларни аниқлашга имкон беради. Рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши таълимнинг ролини ўзгартириб юбормоқда. Бугун бутун дунёда кечаётган глобаллашув ва кучли рақобатчилик ҳамда ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бир мунча самарадор восита – бу ички ресурслардан оқилона фойдаланиш, инновацион жарёнларни ривожлантириш, шунингдек, янги таълим технологияларини яратиш ва жорий этиш орқали минимал харажатлар ҳисобига максимал самарадорликка эришишга йўналтирилган фаолият ҳисобланади. Шу сабабли бугунги кунда инновацион таълимга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

*Янги таълим технологияларини қўллашга, янги таълим институтларини яратишга, таълим олишини индивидуаллаштиришини ва янги таълим технологияларини қўллаб-қувватловчи таълимнинг янги моделининг шаклланиши билан таълим олишини индивидуаллаштиришга асосланган ушибу ўзгаришларга мос келувчи таълимни бошқаришининг янги тизими яратилмоқда.<sup>10</sup>*

Таълим соҳасида инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва жорий этишда янги, замонавий таълим тизими-глобал очик, эгилувчан, индивидуал билимларни яратувчи, инсоннинг бутун умри давомида узлуксиз таълим олиш тизими шаклланмоқда. Ушбу тизим ўзида қўйидаги яхлитликни намоён этади:

- янги таълим технологиялари-технологик инновациялар;
- таълим соҳасида янги иқтисодий механизмлар;
- таълим олиш ва таълим беришнинг янги усул ва воситалари-педагогик инновациялар;
- таълим соҳасида янги ташкилий тузилмалар ва институционал шакллар-ташкилий инновациялар.

---

<sup>10</sup> Mendenhaii R.W. Technology: Creating New Models in Higher Education. Salt Lake City, Utah: Western Governors University, URL.: <http://www.nga.org/Files/pdf/HEGHEREDTECH.Pdf>.

**Таълимда янги технологияларни қўллаш босқичларининг асосий тавсифлари**

<b>Таълим жараёни кирралари</b>	<b>I - босқич (бошланғич)</b>	<b>II-босқич (маҳсулдор)</b>
Янги технологияларни қўллаш бўйича ташаббускор	Алоҳида ўқитувчи	Ўқув муассаси ёки бўлинма
Ташаббусларнинг асосий йўналтирилганлиги	Пастдан-тепага	Тепадан-пастга
Янги технологияни танлаш	Алоҳида ўқитувчи нуқтаи назаридан	Дидактик ва иқтисодий таҳлил асосида
Янги технологияларни қўллаш самарадорлиги	Паст	Ортади
Таълимда янги технологияларни қўллаш соҳасидаги маҳсус сиёsat	Мавжуд эмас	Амалга ошириш
Ташкилий тузилма	Анъанавий	Маҳсус тузилмаларни шакллантириш
Янги технологияларни қўллаш соҳаси		
Янги технологиялар базасида ўқув материалини ишлаб чиқиши ва тақдим этиш	Алоҳида ўқитувчи	Турли хил мутахассислар жамоаси, гурӯхи

\*Манба: Раевская Е.И., Кишев Ю.И. Основные тенденции развития инновационного менеджмента в сфере высшего образования // <http://www.ibl.ru/konf/130510/32.html>

**Ўқув жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш қўйидагиларнинг ривожланишига олиб келади:**

- янги педагогик усуллар ва воситалар;
- янги таълим муҳити;
- ўқитувчиларнинг янги ишлаш услуби;
- педагогик тизимда таркибий ўзгаришлар.

Бу педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқариш бўйича маҳсус вазифаларни келтириб чиқаради.

Ушбу икки босқич кўпгина параметрлари бўйича фарқ қиласди. Агарда биринчи фазада технологик инновацияларни қўллаш иши, одатда, алоҳида ўқитуввидан чиқсан бўлса, иккинчи босқичда у ўқув муассасасидан чиқиши керак.

Агарда таълимни ахборотлаштиришнинг бошланғич босқичида янги технологиялар базасида фақат ўқув курсининг қандайdir қисми ўрганилган бўлса, иккинчи босқичда янги технологиялар ўқув режалари, ўқув курслари таркибига органик даражада интеграллашуви лозим.

Таълимни ахборотлаштиришнинг биринчи босқичида ўқув жараёнида конкрет бир технологияни қўллаш алоҳида битта ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган бўлса, иккинчи босқичда ушбу танлаш асосида чуқур дидактик ва иқтисодий таҳлил ётади.

Биринчи босқичда компьютерда таълим олиш дастури битта ўқитувчи томонидан яратилган бўлса, иккинчи – турли мутахассисларни ўзида бирлаштирувчи бутун бир гуруҳ томонидан яратилади ва натижада улардан фойдаланиш маълум бир фойдаланиш ва бошқариш жараёнларини ўзида намоён этадиган янги таълим технологиялари ишлаб чиқилади.

Таълим соҳасида иқтисодий инновацияларни ўзлаштириш бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида рўй беради.

Таълим инновацияларининг кенгайиши таълим маҳсулотлари ва хизматлари бозорининг сезиларли даражада кенгайишига олиб келади, натижада:

таълим хизматлари истеъмолчилари сони, таълимга бўлган талаб ортади;  
таълим маҳсулотлари ва хизматлари таклифи сезиларли даражада кўпаяди;  
таълим маҳсулотлари ва хизматлари соҳасида рақобатчилик кучаяди.

Педагогик инновациялар менежменти ўзида қўйидагиларни намоён этади:

- ўқитувчилар орасида меҳнатни тақсимлаш;
- ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш бўйича профессор- ўқитувчиларни ва бошқа гурухлар ва жамоалардаги мутахассисларни бирлаштириш;
- ўқитувчилик фаолияти ва педагогик жараённи ташкил этишга ўзгартириш киритиш самарадорлиги мониторинги.

Умуман, таълимдаги инновацияларни икки гурухга, яъни бевосита таълим жараёни инновацияси ҳамда олий таълим муассасалари, ОТМлараро ва бошқа муносабатлар инновациясига бўлиш мумкин.

### **Таълимда инновацион менежмент мазмунига қўйидагиларни киритиш мумкин:**

- таълим жараёнида инновацион фаолият режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- таълим технологияларининг тараққий этган давлатлардаги усулларини қўллаш;

- таълим жараёни самарадорлигини ошишига таъсир этадиган ахборот воситаларини қўллаш;
- олий таълим тизимида умумий инновацион сиёsat юргизилишини таъминлаш;
- бошқарув органлари ва бошқарув бўғинлари ўртасида масофавий муносабатларнинг электрон ахборот воситалари ўрнатиш;
- инновацион жараёнларни молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлаш;
- инновацион жараёнларни амалга ошириш вазифаларини бажарадиган малакали кадрлар билан таъминлаш.
- хорижий таълим тизимидағи инновацияларни бошқарув, таълим, билимларни назорат этиш, ўқув-услубий кўрсатмалар яратиш, дарсликларнинг электрон мультимедияли авлодини яратишга татбиқ этиш.

Янги турдаги ташкилий тузилмаларнинг, институционал шаклларнинг ривожланиши замонавий таълим соҳаси учун хос бўлган хусусиятлардан ҳисобланади. Олий таълим соҳасида – бу дистанцион ва очик университетлар, консорциум университетлар, телевуниверситетлар, виртуал синфлар ва университетлардир.

Ушбу ўзгаришлар ўз навбатида янги, ноанъанавий турдаги ўқув муассасаларини аттестация қилиш ва аккредитациялаш борасида муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Умуман олганда, замонавий таълимнинг ривожланиши таълим маҳсулотлари ва хизматлари бозорининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда рўй бермоқда. Бу таълим соҳасидаги менежментнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Олий таълим соҳасида хизматларни диверсификациялаш борасида аккредитациялашнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Аккредитациялашнинг мазмун-моҳияти қоидага кўра у иккита йўналтирилганликка эга: таълим дастурларига (дастурли, ихтисослаштирилган аккредитация) ва ОТМ(институционал аккредитация). Турли таълим тизимларида ушбу икки турдаги аккредитациялашлар орасидаги муносабатлар бир хил кетма-кетликда рўй бермайди. Охирги йилларда улар орасидаги ўзаро босимларнинг бир мунча юмаши ва шунингдек, уларнинг бир-бирини тўлдиришининг ўсиб бориш тенденциялари кузатилмоқда.

АҚШ, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатари ОТМларида таълим дастурларини аккредитациялашнинг эксперт механизми 1990 йиллардан бошлаб ривожлана бошлаган.

Шу сабабли, бир қатор экспертларнинг фикрича, олий таълим сифатини таъминлаш тизимининг, шунингдек, уларнинг турлича комбинацияларининг

қуйидаги моделлари шакланган(12-расм).



### 12-расм. Олий таълим сифатини таъминлаш тизими моделлари\*

\*Манба: Злобин Э.В., Мищенко С.В., Герасимов Б.И. Управление качеством в образовательной организации. Тамбов: Изд-во Тамб. Гос.техн. ун-та, 2004.-88 с.

Баҳолашнинг бир мунча муҳим қисми бу - ОТМга комиссия таширифи, яъни “fact-finding visit” факт(далил)ларни тўплаш учун келишии ҳисобланади. Бундай ташириф вақтида ОТМнинг ўзи томонидан тақдим этилган маълумотлар текширилади. Комиссия ихтисосликларнинг давлат ва жамоат стандартларига мослигини текширади, ўқитувчилар ва талабалар билан суҳбатлашади ва уларнинг фикрларини ҳисобга олишиади. Комиссия, шунингдек, аҳволни яшилаш бўйича тавсиялар беради, кейинчалик дастур тўғрисида ўз ҳисоботини тузади ва уни маъмурият билан муҳокама этади. ОТМнинг ўзи тайёрлаган ҳисобот ва комиссия ҳисоботи асосида хulosалар чиқарилади. Чиқарилган хulosалар тавсиялар бериши мумкин бўлган турли даражаларда муҳокама этилади ва якунида эса (масалан Миллий комитет) ихтисослаштирилган ассоциациялар билан муҳокама этилган тарзда дастурларни аккредитациялаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади. Ушбу жараён асосан тиббиётчилар, мухандислар ва архитекторларни тайёрлаш дастурларини аккредитациялашда шубҳасиз йўлга қўйилган.

*Комиссиялар учун экспертлар рўйхати маҳсус Миллий комитетларда мавжуд. Ҳар бир дастур бўйича ташрифлар учун комиссия уларнинг компетенлигига мувофиқ ҳолда танланган 3-5 экспертлардан (баъзан улар сони 15 тагача боради) иборат ва ОТМда одатда 2 кун(мураккаб вазиятларда 5 кунгача) ташриф буюришиади.<sup>11</sup>*

*Аммо ҳар доим ҳам бундай аккредитациялаш механизми мақбул ҳисобланмайди, баъзан унинг янгиланиши фан ютуқларини тўлиқ ўзлаштира олишига улгурмайди. Баъзи бир муҳандислик мутахассисликларидан эътиrozлар келиб тушади, яъни бундай тизим “фалаж қўлга” ўхшашиб бўлиб инновация жараёнларига ва бизнес томонидан берилган буортмаларни бажаршига тўсқинлик қиласди.*<sup>12</sup>

Умуман олганда, ривожланган мамлакатларда таълим муассасасини ва унинг дастурини аккредитациялаш таълим тизимининг ва ўзи хизмат қиласидан кенг жамоатчиликнинг унга ишонч билдириш тадбиридир. Аккредитация ихтиёрий-ҳукуматга алоқадорсиз (АҚШда) ва мажбурий-ҳукуматга алоқадор (Фарбий Европа мамлакатларида) бўлиши мумкин.

Ҳар икки ҳолда ҳам аккредитациядан ўтказувчи ташкилот тан олиш мезонини белгилайди, мазкур мезонларга таълим муассасалари мувофиқлигини белгилаш мақсадида жойларда текширувлар ташкил этади ва таълим муассасаси ҳамда унинг тайёрлов дастурларига аккредитланган мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қиласди.

*Охирги вақтларда АҚШда “янги баҳолаши” атамаси киритилди. У битириувчиларни ёки талабаларни баҳолашни англатади. Уибу жараёнда янги методика ва технологиялар қўлланилади. Баҳолаши аккредитациянинг бир қисми ҳисобланади ва дастак сифатида, бошқа томондан, баҳолаши алоҳида аккредитациядан фарқланувчи жараён сифатида намоён бўлади.*<sup>13</sup>

## **2. Олий таълим муассасалари аккредитацияси ва рейтингини аниқлаш**

Таълим муассасаларини **аккредитациялаш** – таълим муассасасини баҳолаш ва тан олиш бўйича тадбирлар тизими, шунингдек, улар тавсия қилган тайёрлов дастурларининг мазмунини, тўлақонлигича, ўқитиш даражаси ва унинг сифатини тан олиш демакдир.

<sup>11</sup> L. Vlasceanu, L.C. Barrows. Indicators for Institutional and Programme Accreditation in Higher/Tertiary Education. UNESCO Studies on Higher Education, 2004. <http://www.cepes.ro/publications/pdf/Indicators.pdf>.

<sup>12</sup> Lambert Review of Business-University Collaboration, 2003. [http://www.hm-treasury.gov.uk/media/DDE/65/lambert\\_review\\_final\\_450.pdf](http://www.hm-treasury.gov.uk/media/DDE/65/lambert_review_final_450.pdf). C. 108.

<sup>13</sup> El-Khawas E. Accreditations role in quality assurance in United States// Higher Education Management, November 1998. Vol.10No.3.p.43-56.

Хорижий тадқиқотчилар Бреннам, Вильям, Харрис, МакНамара томонидан олий таълим муассасаларида сўровномалар олиб бориш натижаларида улар қўйидаги хуносаларга келишган: *таълим жараёнини баҳолаш бу жамоавий ва кўпомилли жараён бўлиб, мақсади фақатгина унинг қанақалигини баҳолаш эмас, балки стандарт тизимларга риоя қилинишини назорат этиши, ўзгаришлар ва янгиликларни кузатиб бориш; баҳолаш жараёни аниқ институтлар ва таълим муассасалари ишига тааллуқли бўлган реал ҳодисалар ва далилларга асосланган ҳолда аниқ-равшан бўлиши лозим.*<sup>14</sup>

П.Джекобсон, таълим жараёни сифатини кўриб чиқиши жараёнида бир нечта йўналишларни ажратиб кўрсатади: *абитуриентлар сифати; таълим жараёни сифати; имтиҳонлар сифати; таълимни молиялаштириши сифати ва даражаси. Шунингдек, у сифатни аниқлашга бўлган турли ёндашувлар аввало, истеъмолчиларни қондириши сифатидаги гояларга асосланганлигини таъкидлайди. Фойдаланиши учун лойиқлилиги ёки юқори даражадалиги. Сифат тушунчасини аниқлаш шунингдек, нима ва ким баҳоланиши, қандай мезонлар ёки индикаторлар ажратилиши, истиқболда нималар эътиборга олинаётганлигига, қандай мақсаддалигига боғлиқ.*<sup>15</sup>

Таълим муассасалари, шу жумладан, ўқитувчи ходимлар ташқи аттестацияси ва ўз-ўзини аттестациялаш деярли барча ривожланган мамлакатларда ўтказилади. Ҳар икки тур аттестация ўз афзаллик ва камчилик томонларига эга бўлган ҳолда бир-бирини тўлдиради ва таълим муассасаси ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Ташқи аттестация давлат таълим стандартларини жорий этишда таълим муассасаларини холис текшириш кафолатини беради. У ўқув-тарбия жараёни буткул муаммоларини очишга ва унда яхши томонга ўзгариш ясаш кенг истиқболини таъминлашга хизмат қиласади.

Ўз-ўзини аттестациялашда таълим муассасасидаги иш маромини бузишга ҳожат йўқ. Ўз-ўзини аттестациялаш асосий эътиборни ўқитувчилар малакасига қаратади ва уларга ташқи аттестациядан фарқли ўлароқ, камроқ руҳий таъсир ўтказади. Шу билан бирга, ўз-ўзини аттестациялаш озми кўпми мунтазам жараён ҳисобланади ва таълим муассасасининг ҳар қандай фаолият турига таалуқли бўлиши мумкин. Лекин ўз-ўзини аттестациялаш таълим муассасасини ва унинг ўқитувчилари фаолиятининг объектив баҳоланишини кафолатламайди.

<sup>14</sup> Gordon G. Approaches to effective internal processes to quality management:an initial analysis//Tertiary Education and Management/Vol.4No.4/ 1998/h/295-301.

<sup>15</sup> Jacobsson P. A plea for more consistent definition of quality in education and research//Quality and communication for improvement: proceedings 12 th European AIR Forum, University Claude Bernard Ecole normale Supyriere Lyon, france, September 9-12, 1990, Enschede: EAIR, a European Higher Education Society; Utrecht: Lemma. P.59-84.

**Аттестацияда ва ўз-ўзини** аттестациядан ўтказишида (таълим муассаси ва ўқитувчилар таркибини) талабалар ва уларнинг ота-оналаридан сўраб ўтказиш мухим ўрин тутади. Ваҳоланки, талабалар бевосита таълим хизматларининг талабори ҳисобланадилар.

Ривожланган мамлакатларда аттестация ва ўз-ўзини аттестациялаш бир-бири билан турлича муддат ва функцияйи боғлиқликка эга. У норвег маърифатпарвари Тронд Алевик таснифига кўра, бир вақтда, кетма-кетликда ёки биргаликда ўтказилиши мумкин.

### **Ташқи аттестация ва ўз-ўзини аттестациялашнинг мазмуни**

Таълим рақобати соҳасида ишлаб чиқарувчилар (таълим муассасасининг ўқитувчилар ва ходимлари, унинг раҳбарлари, таълим бошқарув идоралари) ва таълим хизмати истеъмолчилари (таълим олувчилар ва улар ота-оналари, ходим буюртмачилари)га мунтазам равишида қуидаги саволлар берилади:

- ўқитувчилар қай даражада муваффақиятли ўқитмоқдалар?
- таълим муассасасининг ютуқлари қандай?
- таълим муассасасида раҳбарлик қандай даражада муваффақиятли олиб борилмоқда?
- таълим муассасасининг кучли томонлари нималарда кўринади?
- қайси йўналишларда ҳали ишлашга тўғри келади?

Ана шундай саволлар жавоби орқали таълим муассасаси, шу жумладан, унинг профессор-ўқитувчи мутахassisликларини аттестация ва ўз-ўзини аттестациялаш жараёнига қаралади ва ўтказилади.

Таълим муассасасининг ташқи аттестацияси ва ўз-ўзини аттестациялаш фаолиятнинг айни бир жабхасини қамраб олади. Ҳар икки ҳолда ҳам таълим самарадорлигининг айни бир хил қўрсаткичларидан фойдаланиб баҳоланади. Масалан, ташқи аттестацияда таълим стандартлари ва уларнинг бажарилиши нуқтаи назаридан Миллий кўламда таълим муассасаси фаолиятига баҳо берилади.

Бу таълим самарадорлиги қўрсаткичлари ва таълим олаётганлар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар фикрлари, шунингдек, имтиҳон натижалари билан боғлиқ.

Хозирги вақтда кўпчилик ривожланган мамлакатларда аттестация ва ўз-ўзини аттестациялашни кетма-кет ёки биргаликда ўтказишга ҳаракат қилинади, бунда таълим олувчилар ва улар ота-оналар сўровини ўтказишга катта эътибор берилади.

Юқорида баён этилганлардан кўринадики, ривожланган мамлакатларда таълим муассасасини аккредитациялаш жараёнида ўз-ўзини аттестациялаш ва ташқи аттестацияларга алоҳида аҳамият қаратилади.

Шундай экан, **аттестация** – ходимнинг ўз фаолиятини қай даражада самарали амалга оширишига баҳо бериш. Ташкилотда аттестациялар умумий тушунчаси билан бир қаторда Performance Assessment – натижаларга баҳо бериш, Personnel Evaluation – ходимларга баҳо бериш, Personal Performance Appraisal – шахсий ютуқларга баҳо бериш, Assessment – шахсий фазилатларга баҳо бериш атамалари ҳам қўлланилади.

**Аттестациянинг мақсади ва мазмуни** – битиувчиларни тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ихтинослик йўналишлари бўйича таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини аниқлаш.

Республикамиз олий таълим муассасаларида таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари **қўйидаги мезонлар** бўйича баҳоланади;

а) давлат таълим стандартининг ўқув жараёнига жорий этилиши бўйича;

б) талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими) бўйича;

в) профессор-ўқитувчилар илмий-педагогик салоҳияти бўйича;

г) илмий-тадқиқот ишларининг истеъмолчилар талабларидан келиб чиқиб олиб борилаётганлиги бўйича;

д) талабаларнинг дарслик (шу жумладан, электрон дарсликлар) ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси бўйича;

е) моддий-техник таъминот, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлаштириш салмоғи, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирилиш ҳолати ва улардан фойдаланилиши ҳамда фойдали ўқув-лаборатория майдони билан таъминланганлик даражаси бўйича;

ж) замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиш ҳолати қўйидаги асосларга кўра таҳлил қилинади;

з) таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграцияси бўйича;

и) катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти бўйича;

й) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан ҳамкорлик бўйича:

л) битиувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга кириши ёки ишга жойлашиши бўйича.

Ўзбекистонда таълим муассасасини давлат аккредитациясидан ўтказишида Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш педагог ходимлар ва таълим муассасасининг аттестациялаш бошқариш бошқармаси ўтказган давлат аттестацияси қўшиб олиб борилади. Агар таълим муассасаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан таъсис этилган бўлса, унда у аттестациядан ўтгунига қадар аккредитациядан ўтган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг давлат аттестацияси 5 йилда камида бир марта ўтказилади. Таълим муассасасини аккредитациялаш бўйича мамлакатимиз моделининг камчилиги бўлиб, ўз-ўзини аттестациялашнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бу эса ўзига хос хусусиятига эга ўз-ўзига ташхис қўйишидир. Ривожланган мамлакатларда мазкур тартиб натижаларига кўра, таълим муассасасини комплекс ривожлантиришнинг йиллик режаси тузилади ва амалга оширилади. Бу Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими учун ҳам мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасаси илмий фаолияти даражасини назорат қилиш борасида рейтинг тизимининг мақсади – Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидағи олий таълим муассасаси илмий фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича муайян даврдаги ривожланиш ҳолатини назарий таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат.

Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарорига биноан 2013 йилдан бошлаб ҳар йили олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизими жорий этилди.

**Мазкур қарорнинг қабул қилинишидан мақсад** – Республика олий таълим муассасаларининг илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини оширишни, улар томонидан юқори, тегишли ҳалқаро мезонлар ва стандартларга, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичларига эришишни, ўқитишнинг ҳамда иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб катта бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш, шунингдек, таълим соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Республика олий таълим муассасалари рейтингини тузиш ва уни баҳолаш функцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига юкланган бўлиб, қуйидагилар **унинг асосий вазифалари этиб белгиланган**:

- олий ўқув юртларининг илмий-педагогик фаолияти даражаси ва сифатини характерловчи маълумотларни тизимли равишда тўплаш ва маълумотлар базасини шакллантириш, олинган кўрсаткичларни ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ баҳолаш асосида республика олий таълим муассасалари рейтингини ҳар йили тузиш;

- эксперталар ва иш берувчилардан сўровлар натижалари асосида, етакчи ҳалқаро рейтинг ташкилотларининг илгор тажрибасини, республиканинг олий таълим тизимини ривожлантириш устуворликларини ҳисобга олган ҳолда олий

таълим муассасалари рейтингини тузиш методикасини янада такомиллаштириш;

- рейтинг баҳолари асосида республикада олий таълимни ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисида ҳар йилги таҳлилий ахборотни тайёрлаш ва уни олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

- ОТМ рейтинги натижаларини ҳар йили 1 марта гача чоп этиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.

### **Олий таълим муассасалари рейтинги тузилмаси:\***

T/p	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг умумий рейтингдаги салмоғи
1	<b>Якуний рейтинг шу жумладан:</b>	<b>100%</b>
2	<b>I. Ўқитиш сифати даражасининг индекси</b>	<b>35%</b>
3	<b>II. Талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси</b>	<b>20%</b>
4	<b>III. Олий ўқув юртининг илмий салоҳияти</b>	<b>35%</b>
5	<b>IV. Бошқа кўрсаткичлар</b>	<b>10%</b>

\* Изоҳ: олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолаш мезонлари олий таълимни ривожлантириш устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, таълим ва соғлиқни сақлашнинг анча юқори сифатига эришишга йўналтирилган инвестициялар ҳажмини ошириш, глобал иқтисодиёт шароитида муваффақиятли ривожланишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Бозор иқтисодиёти – ташаббускор, асосан аҳоли зиммасига тушадиган иқтисодиёт ҳисобланади.

Замонавий глобаллашув шароитда инсоният яшашида қатор ижтимоий ҳодислар рўй бериб, барча мамлакатларда давлат бошқарув тузилмаларидан

таълим технологиялари соҳасида тубдан ислоҳотлар олиб боришни талаб этмоқда.

Бундай ҳодисаларга **биринчи навбатда**, илмий-техник тараққиётнинг илдам ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш усулларининг такомиллашуви ва инсонларнинг ҳам қолоқ жисмоний меҳнатдан ҳам бошқарув фаолиятидан қутилиб боришини киритиш мумкин. Ўқитувчи ҳам дарс олиб борар экан, албатта, бошқарувчи ҳисобланади.

**Иккинчидан**, глобал информацион тармоқнинг пайдо бўлиши мустақил ўқишининг ва ўзини-ўзи назорат қилишнинг чексиз имкониятларини келтириб чиқармоқда.

**Учинчидан**, жаҳон иқтисодий инқирози ўз навбатида бозор муносабатларининг камчиликларини ва хўжалик юритишнинг капиталистик тизимининг тузатиб бўлмас нуқсонлари борлигини аниқ равshan қўрсатиб, уни шундай тарзда амал қилиб қолиши ёки ўзгартиришлар киритиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Глобал информацион технологияларнинг замонавий дунёси жаҳон ҳамжамияти олдига янги талаблар қўймоқда, мактаблар ва университетлар бўлса ҳалиям конкрет давлатнинг сиёсий ва иқтисодий эҳтиёжларига йўналтирилган. Бугунги кунда давлатларнинг қизиқишилари саводсизликни йўқотишга ва ёшларни касбга йўналтиришга, инновацион истиқболларни излашга ва миллий таълим тизимини умумий бозор эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган. Шу билан бир вақтда, ҳаддан зиёд ишсизликлар, талаб йўқ бўлган ишчилар массаси интенсив ўсиш шароитида жамоатчиликнинг ўзини англаши истиқболда таълим моделларидан истеъмол талabalари тўғрисида ўйлашни талаб этади.

Инсонлар ақлли бўлиб боришмоқда. Лекин технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришнинг ўсиб борувчи имкониятлари уларни ишсиз қилмоқда. Улар савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар ва ахолига хизмат қўрсатувчилар сонини кўпайтириб боришмоқда, дилерлар, риэлтерлар ва бошқа ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги даллоллик қилувчилар фаолияти информацион технологиялар даврида абадий эмас. У лампочка атрофида капалакларнинг рақсини эслатади. Лампочка бу жаҳон молия тизими, куйса рақс тугайди.

### **3. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифатини ошириш**

Бугунги кунда фан ва таълим тобора кучлироқ тарзда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучига айланмоқда.

Фан ва таълим ҳар қандай давлатнинг қудрати ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ресурси ҳисобланади.

Фақат энг янги замонавий технологияларни ривожлантириш ҳамда юқори даражада илм талаб маҳсулот яратибгина иқтисодиётни юксалтиришга эришиш мумкин.

Иқтисодий ўсиш суръатлари энди ёлғиз жисмоний капитал ёки инсонлар малакаси (инсон омили) билангина эмас, балки билимни билимга тадбиқ эта олиш қобилияти билан белгиланади.

Юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича ЕИ давлатлари АҚШ дан юқорида туришади. Россия давлати жаҳонда бу борада 12 ўринда туради. Қатор давлатларда бугунги кунда доимий равишда билимлар иқтисодиёти муаммолари бўйича умуммиллий саммитлар олиб борилмоқда.

Хитойда билимлар иқтисодиёти расмий равишда давлат стратегияси сифатида тан олинган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

1) иқтисодий ривожланишда таълимнинг асосий аҳамияти. Замонавий технологиялар жамиятнинг иқтисодий ривожланишига юқори талabalар қўяди. Шундай экан уларнинг тарқалиши тизим ва аҳолининг билимлилик даражасига боғлиқ бўлади. *Шунга мос равишда, маркетинг таълимда илгор гояларни марқатиши билан боғлиқ.*

2) таълимнинг бутун иқтисодиёт тармоғи ва ҳар бир алоҳида таълим муассасаси сифатида ривожланиши. Таълим хизматлари ва маҳсулотлари ассортименти қанчалик кенг бўлса, уларнинг сифати ва уларга эришиш имконияти, жамият ҳаёти даражаси шунчалик юқори бўлади. *Шунга мос равишда, таълим тизими ривожланиши бевосита маркетинг дастакларини қўллашга боғлиқ бўлади.*

3) таълим муассасалари, одатга кўра, бюджет маблағлари ва таълим хизматларини кўрсатганлик учун олинадиган тўловлар ҳисобига фаолият юритади. Ўтиш иқтисодиётида бюджет маблағларининг чекланганлиги *тўлов таълим хизматлари маркетингини ривожлантиришни талаб этади.*

Таълимда маркетинг дастакларидан фойдаланишнинг зарурлигини тушуниш, аввало, раҳбарлар ва мутахассислар орасида, яъни “маркетинг-бу замонавий бозор муносабатлари қатнашичилари тафаккурида уларнинг яшаш услуги билан бирга кечадиган муҳим элемент”.

Таълим хизматлари ва маҳсулотлари истеъмолчилари эҳтиёжларига қайта мўлжал олиш – бу нафақат аксарият таълим муассасаларида амалга ошириладиган таркибий ва технологик ўзгаришлар. Бу таълим муассаси ходимлари фаолиятида психологик қайта қуриш.

Бундай ўзгаришлар узоқ давом этади, ҳаттоқи агарда таълим муассасаси янги ва муҳим стратегик мақсадларни белгилаган бўлса ҳам, яъни анъанавий усулларга қайтиш бўлган қизиқиш юқори. Шундай қилиб, ҳар бир таълим муассасида ҳал этилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги вазифа – янги таълим хизматлари ва маҳсулотлари билан жамоани ва ташкилот ишини маркетингли мўлжал олишга мослаштириш ҳисобланади.

Таълим хизматлари ва маҳсулотлари бозорида рақобатнинг ўсиб боришини ҳисобга олган тарзда, потенциал талабни баҳолаш учун бозорни тадқиқ қилишнинг маркетинг усулларига эътиборни қаратиш зарур бўлади.

**Маркетинг тадқиқотларининг мақсади** истиқболли таълим эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг қониқтирилганлик даражасини баҳолаш, истеъмолчилар хулқ-атвори гипотезасини текшириш ва прогнозлаштиришдан иборат. Ушбу нуқтаи-назардан таълим эҳтиёжларини таҳлил этишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш маънога эга бўлади.

Мос равища иккинчи ҳал этиши лозим бўлган вазифа – маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва бозор истиқболларини ўрганиш.

Маркетингнинг классик элементларини фаоллаштириб, бозорни сегментлашни амалга ошириш, маркетинг коммуникациялари ёрдамида хизматларни яхшилаш ва таълим муассаси имкониятлари ва ўрганилган таълим эҳтиёжлари борасидаги муаммоларни келишилган тарзда ҳал этиш.

Ва, ниҳоят, маркетингли бошқариш жараёнини таълим эҳтиёжларининг таълим муассасаси имкониятлари ва маркетинг моделини шакллантириш билан мувофиқлаштириш сифатида кўриш.

#### **4. Олий таълимда сифат менежментини ривожлантириш стратегияси**

Замонавий дунёда барча мамлакатлар таълимнинг ролини давлатнинг ривожланишидаги билимлар жамиятининг асосий компонентлари сифатида англади. Бундан ташқари, таълим тармоғи ривожланган давлатлар иқтисодиётида етакчи ишлаб чиқариш тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Бу ерда мазкур тармоқнинг иккита иқтисодий салоҳиятини ташкил

этувчинини – олий таълимнинг ички бозорини ва халқаро бозори(олий таълим экспорти)ни ажратиш лозим.

Билимга асосланган жамият иқтисодий фаол кишиларнинг олий маълумотли бўлганларининг улуши тахминан 60 фоизни ташкил этишини талаб этади. Бу ҳар қандай мамлакат таълим бозори салоҳиятини баҳолашга имкон беради.

Ҳозирги кунда жаҳонда ривожаланаётган, 15 та ривожланган мамлакатларда ва АҚШда олий таълим салоҳияти қуйидагича:

- ривожланаётган мамлакатларда-1-3 фоиз;
- МДҲда 18-21 фоиз;
- 15 та ривожланган мамлакатларда-22 фоиз;
- АҚШда-31 фоиз.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолининг 22 фоизи олий маълумотга эга бўлишса, бу кўрсаткич АҚШда 31 фоизни ташкил этади. Шундай қилиб, олий таълимнинг ички бозор салоҳияти ривожланган мамлакатларда тахминан 38 фоизни ва АҚШда 29 фоизни ташкил этади. АҚШ ҳукуматининг миллий таълим маркази маълумотларига кўра АҚШда 2007 йилда ОЎЮ талабаларининг сони 17,9 млн. талабани(13,5 млн. давлат ОЎЮларида ва 4,4 млн. хусусий) ташкил этди.

Масалан, баъзи бир экспортдан келадиган даромадларни баҳолашларга кўра, АҚШ бюджетига иқтисодиёт тармоқларидан келадиган даромадлар орасида олий таълим экспортидан келадиган даромадлар улуши бўйича 5 ўринда туради. Австралия ва Янги Зеландияда бошқа мамлакатлар фуқароларига кўрсатиладиган таълим хизматларидан келадиган даромадлар уларнинг энг муҳим экспорт товари бўлган жун экспортидан келадиган даромадлар билан teng туради.

А.Мэддисон томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодий ўсиш суръатлари билан аҳоли таълим даражаси орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Шу нарса аниқланганки, таълим ажратилган маблағлар 1 фоизга ортса бу ўз навбатида мамлакат ЯИМнинг 0,35 фоизга ортишига олиб келади. Бундан ташқари, баъзи бир баҳолашларнинг кўрсатишича, ривожланган мамлакатларда таълим давомийлигининг 1 йилга ортиши ЯИМнинг 5-15 фоизга ортишига олиб келади<sup>1</sup>.

Таълимнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш, шунингдек, ЕИ мамлакатларида ҳам олиб борилган. Натижада хайратланарли тасдиқлар олинди, яъни таълим даражасининг ортиши макроиктисодий унумдорликни оширади. Хусусан, ушбу тадқиқотларнинг кўрсатишича:

<sup>1</sup> Angus Maddison. “Historical Statistics on World Population, GDP and Per Capita GDP, 1 – 2008 AD”.

1) ўрта мактабга боришининг 1 фоизга ортиши ЯИМнинг аҳоли жон бошига йилига 1 фоиздан 3 фоизгача ортишга олиб келади;

2) бир йилга ўртача статистик таълимнинг ортиши аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришни 6 фоизга кўтаради;

3) олий маълумотлилар орасида инсон капиталининг йилига 1 фоизга ортиши аҳоли жон бошига ЯИМнинг 5,9 фоизга ўсишини таъминлайди.

Охирги пайтларда ОТМларда амалда бериладиган таълим даражаси билан ходимларга керак бўладиган билим ва малакалар орасида чукур фарқлар намоён бўлиб бормоқда. Таълим тизимишинг ўзида жудаям қўп етишмовчиликлар ва ҳаржатлар қўп. Кўпгина талабалар ўқишларини ташаб кетишимокда, шу жумладан, ОТМ битиравчиларида қўпинча керакли малакалар етишмайди. Бугунги кунда саноат корхоналари зарурят сезаётган малаканинг ўзи нима?

Албатта академик билим бугунги кунда керак. Айнан тайёрлашнинг ушбу қисми бўйича эътиrozлар йўқ. Бошқа нарса ташвишлантиради – табиий ва техник билим соҳаларида таълим олувчи талабалар сонининг қисқариши. Яхши тайёрланган инженерларга бўлган талаблар ортиб бормоқда.

Академик муваффақиятлар билан бир қаторда бугунги кунда мутахассисларнинг бир қатор сифатларга эга бўлиши муҳим бўлиб, улар асосан:

- оғзаки ва ёзма коммуникацияларда яхши шаклланган малака ва кўникумаларга эга бўлишлари;
- математика ва табиий фанларнинг асосларини тушунишлари;
- ахборот технологиялари билан ишлаш кўникумаларига эга бўлишлари;
- танқидий фикрлаш;
- узлуксиз таълим олишга эҳтиёж сезиш;
- гурӯхларда ишлай олиши;
- ижодий ва ташаббускор бўлишлари; доимий ишлаш, шахсий интизом, маълум бир хатти-ҳаракатларни талаб этувчи қобилиятга эга бўлиши;
- соғлом рақобат шароитида ишлашдан ҳузур олишлари;
- ўзининг маданий қабул этувчанлигини намоён эта олишлари, шу жумладан, халқаро даражаларда;
- натижага йўналтирилган бўлишлари ва мустақил қарор қабул қилишдан қўрқмасликлари.

Билимлар жамиятига кириш учун ходимлар билан ишлай олиш малакасига, доимий раҳбарлик қилиб туришларига эҳтиёж сезмайдиган, ноаниқлик шароитларида ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлган, мураккаб муаммоларни ҳал этишда мустақил равишда йўлларини топа оладиган ҳар томонлама ривожланган, доимий ўз билимларини ошириб борадиган кишилар

керак бўлади.

Албатта саноат мутахассис-профессионалларга эҳтиёж сезади. Лекин соғ профессионални бошқалар қизиқтирмайди, гуруҳларда ишлай олмайди, билимларни ҳамкорликда фойдаланиш қобилиятига эга эмас, аксарият ҳолларда замонавий корхоналарга фойда олиб келишдан кўра зарап олиб келади.

Айтилганлар талаб ва таклифнинг мос келмаслиги – фақат олий таълимнинг муаммоси деганини англатмайди. Бундай ҳолатнинг сабаби кўпинча – таълим занжирининг олдинги бўғинларининг қолдиқларири. Аксарият ОТМларда камдан-кам ҳолларда таълим бериш шаклининг гуруҳларда жамоа бўлиб ишлаш имкониятларидан фойдаланилади.

Айнан олий таълим мазкур “қўшимча кўникмалар”га эга бўлиш борасида асосий жавобгарликни олади.

Олий таълимнинг янги сиёсати ва янги парадигмаси инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишида ўзининг концептуал асосига эга бўлиши лозим. Бунинг учун ўз ишини янгилаб туришни ўрганиш керак бўлади, яъни бунда янги касбларни ўрганиш, қўшимча тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, асосий фанлар бўйича фундаментал тайёрланишлар билан бир қаторда кенг ва кўп томонлама дастурларни таклиф қилиш лозим. Турли ўқув курслари ва фанлари орасида “таълим занжирлари”ни яратиш ва оралиқ дипломлар беришни йўлга қўйиш зарур.

Янги таълим тизимининг яна бир ўзига хос жиҳати бўлиб мустақил таълим, мустақил ўқиши таълимнинг етакчи шакли сифатида қарор топишидир. Янги таълим тизимининг бош йўналиши – билимни бунёдга келтирувчи таълимга ўтиш. Бу таълим сифати масаласини тубдан ўзгартиришга имкон беради. Янги таълим тизими яна бир хусусияти бутун умр мобайнида билим олишга қаратилганлигидир.

Анъанавий таълим тизими, асосан, инсонни ёш вақтида ўқитишига йўналтирилган эди.

Халқаро тажриба шундан далолат берадики, иктисадий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда меҳнатни ақлийлаштириш стратегияси давлат сиёсати даражасига қўтарилиган ва у уч йўналишда амалга оширилади:

1) юқори касбий даражага эга ходимлар фаолиятининг мазмуни тарзидаги ижодий меҳнатни (ижодий қобилиятга эга ходимлар: мутахассислар, маъмурий бошқарув ходимлари, юқори малакали ишчилар, фермер ва бошқалар, АҚШ, Германия, Буюк Британияда иш билан банд бўлганлар умумий сонининг 40-50 фоизни ташкил этади);

2) ярим қоидавий, андозадаги фаолият тури хос бўлган касблар соҳасида ижодий унсурларни мустаҳкамлаш (маъмурий-ёрдамчи ходимлар, савдо ва хизмат соҳаси ходимлари). Юқорида номлари келтирилган давлатларда булар

25-30 фоизни ташкил этади;

3) ўрта ва паст малакали ишчилар, шундай тоифадаги хизмат кўрсатувчи ходимлар орасидаги малакасиз, жисмоний оғир бўлмаган, бир тахлитдаги ишларни минимал даражага келтириш. Бу гуруҳ саноати ривожланган мамлакатларда банд бўлганлар умумий сонининг 20-30 фоизни ташкил этади.

Шуни қайд этиш лозимки, меҳнат бозорида малакасиз ишчи кучлар астасекин камаймоқда. Бунинг биринчи босқичи XX асрнинг 50-йилларда содир бўлди, иккинчи босқич – ижтимоий меҳнатни ақлийлаштириш 60-70-йилларда бошланди ва ҳозиргача давом этмоқда. Меҳнат бозоридан малакасиз ишчи кучларнинг чиқиб кетишига бир қатор омиллар сабаб бўлди, лекин шулардан асосийси ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобланади. Меҳнат ресурсларини касбий таълим тайёрлашни тезлаштириши ва унинг даражасини коллеж даражасига кўтариш меҳнатни ақлийлаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Буни, масалан, Япония сингари мамлакатлар яхши англаш етади, бу давлатда “Халқ хўжалигини интеллектлаштириш ва аҳоли қобилиятини ривожлантириш тўғрисида”ги кенг концепция қабул қилинган. АҚШ, Франция, Буюк Британия ва Швецияда ҳам шундай дастурлар қабул қилинган. Бу мамлакатларда давлат бошчилигидаги меҳнат ресурслари сиёсати, икки босқичда олиб борилади: анъанавий расмий таълим тизимида (мактаблар, коллежлар, ОТМлар, докторантурасида) ва кейинги босқичда, яъни илмий ва ўкув марказлари, махсус курслар ва ҳоказолар орқали кейинги ихтисослашув ва кадрларни қайта тайёрлашда. Бунда барча таълим муассасаларининг асосий эътибори шахс қобилияtlарини аниқлашга, унинг ўзига хос хислатларини эътиборга олишга қаратилади.

Бозор хўжалиги субъектларининг маданий хулқ-атвори сингари бозор муносабатлари жиҳатини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ишлаб чиқаришнинг ҳар бир иштирокчисидан фақат муайян техникавий ва гуманитар билимлар мажмуини талаб этмай, балки, эътиқодни ҳам талаб қиласди. Зоро, эътиқод инсонни бетакрор қиласди, инсон-ходимнинг янги турига айлантиради, бу илмий адабиётларда “ассоциатив инсон” деб номланади. Бунда инсон учун ижодий фикрлаш хос бўлади, у ўзида янгини ижод этиш, аввалдан маълум бўлган маълумотларни янгича мушоҳада этиш, асосийси муаммоларни ҳал эта билиш ва хис эта олиш қобилиятини намоён қиласди.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: “Ўзбекистон”НМИУ, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битиравчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2010 йил 28 июль.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юритдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юритдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”ги 304 - сон қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юритдан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.,33 (689)-сон, 442-модда.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

13. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

15. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” -Т.: Ўзбекистон, 2016.

16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутк /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Узбекистан» НМИУ, 2016. - 56 6.

17. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл

очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 16 январь.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

20. Алексеева, Л. Н. Инновационные технологии как ресурс эксперимента/ Л. Н. Алексеева// Учитель. - 2004. - № 3. - с. 28-30.

21. Злобин Э.В., Мищенко С.В., Герасимов Б.И. Управление качеством в образовательной организации. Тамбов: Изд-во Тамб. Гос.техн. ун-та, 2004.-88 с.

22. Коротков, Э.М. Управление качеством образования: учебное пособие для вузов /Э.М. Коротков. — 2-е изд. — М. : Академический Проект, 2007. — 320 с.

23. Мазур И.И., В.Д. Шапиро. Управление качеством: уч. пособ. для студентов вузов – М.: Изд-во Омега - Л, 2006.

24. Меликян А.В. Обеспечение качества высшего образования в странах ОЭРС// Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика, 2008. № 7/8

25. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.

26. Раевская Е.И., Кишев Ю.И. Основные тенденции развития инновационного менеджмента в сфере высшего образования // <http://www.ibl.ru/konf/130510/32.html>

27. Сайдов М.Х. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: ўкув қўлланма/ М.Х.Сайдов. – Т.: “Tafakkur – Bo’ston” , 2011. 432 б.

28. Angus Maddison. “Historical Statistics on World Population, GDP and Per Capita GDP, 1 – 2008 AD”.

29. Kis V. Quality Assurance in Tertiary Education: Current Practices in OECD Countries and a Literature Review on Potential Effect, OECD, 2005, p. 34.

30. El-Khawas E. Accreditations role in quality assurance in United States// Higher Education Management, November 1998. Vol.10No.3.p.43-56.

31. Gordon G. Approaches to effective internal processes to quality management:an initial analysis//Tertiary Education and Management/Vol.4No.4/ 1998/h/295-301.

32. Jacobsson P. A plea for more consistent definition of quality in education and research//Quality and communication for improvement: proceedings 12 th

European AIR Forum, University Claude Bernard Ecole normale Supyriere Lyon, france, September 9-12, 1990, Enschede: EAIR, a European Higher Education Society; Utrecht: Lemma. P.59-84.

33. L. Vlasceanu, L.C. Barrows. Indicators for Institutional and Programme Accreditation in Higher/Tertiary Education. UNESCO Studies on Higher Education, 2004. <http://www.cepes.ro/publications/pdf/Indicators.pdf>.

34. Lambert Review of Business-University Collaboration, 2003. [http://www.hm-treasury.gov.uk./media/DDE/65/lambert\\_review\\_final\\_450.pdf](http://www.hm-treasury.gov.uk./media/DDE/65/lambert_review_final_450.pdf). C. 108.

35. Mendenhaii R.W. Technology: Creating New Models in Higher Education. Salt Lake City, Utah: Western Governors University, URL.: <http://www.nga.org/Files/pdf/HEGHEREDTECH.Pdf>.

### **Интернет сайтлари:**

[www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz). – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг веб сайти.

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ТДПУ сайти

[www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). – Таълимнинг янги уфқлари.

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

<http://studme.org/65664/> menedzment/modeli

### **III. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

#### **1-Мавзу: Олий таълим муассасаларида сифат менежментини ташкил этишнинг илмий-услубий асослари (2 соат)**

*Сифатга хатоларни топиш ёки тўгрилаш орқали эмас, балки уларни  
бартараф этиши йўли орқали эришилади*  
**Ф.Кросби**

Филипп Кросби – сифат соҳасида дунёда тан олинган америкалик йирик мутахассис. “Сифат учун тўлашмайди” деган машхур афоризмни яратган. Бундан тайёрловчи(ишлиб чиқарувчи ва хизмат қўрсатувчи) сифат учун эмас, балки унинг йўқлиги учун тўлайди ва шу доимий назорат ва таҳлил этишнинг предмети бўлиши лозим деган фикр келиб чиқади.

Сифатни бошқариш усулларига сифат менежменти воситалари ҳам деб аталадиган “Еттига Япон сифат воситалари”ни ёки “7Я” ни киритиш мумкин.

1. Маълумотларни қайта ишлаш қофози
2. Гистограмма
3. Оқим диаграммаси
4. Иsicава схемаси(сабаб-оқибат диаграммаси)
5. Парето диаграммаси
6. Корреляция диаграммаси (сочилиш)
7. Шухартнинг назорат картаси

Масалан, Иsicава схемаси(сабаб-оқибат диаграммаси) бунда барча мумкин бўлган сабаблар “5М” тамойили бўйича қўйидагича туркумланади:

- 1. Man (одам)** – инсон омиллари билан боғлиқ бўлган сабаблар
- 2. Machines (Машина, асбоб-ускуналар)** – асбоб-ускунлар билан боғлиқ бўлган сабаблар
- 3. Materials (Материаллар)** – материаллар билан боғлиқ бўлган сабаблар
- 4. Methods (Методлар)** – ташкилотдаги жараёнлар, ишлар технологияси билан боғлиқ бўлган сабаблар
- 5. Measurements (Ўлчаш)** – ўлчаш усуллари билан боғлиқ бўлган сабаблар

#### **Вазиятли топширик**

Ўтган асрнинг 70 йилларида Форд корпорацияси фаолиятида анъанавий ёндашувда сифатни таърифлаш қўйидагича бўлган: “Сифат – бу ишчи чизмаларда, техник шарт-шароитларда ва бошқа тегишли хужжатларда белгиланган барча зарурий техник талабларга мос келишдир”.

Аммо истеъмолчилар билан ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ва биринчи

навбатда япон фирмаларининг муваффақиятлари сабабли 80 йилларнинг охирида Форд корпорацияси истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни ўзининг ривожланиш стратегиясининг асосий мақсади қилиб қўйиши натижасида сифатнинг бошқа талқинини қабул этди:

“Сифат истеъмолчи томонидан аниқланади; истеъмолчи шундай буюм ва хизматни хоҳлайдики, бунда улардан фойдаланишининг бутун муддати давомида унинг эҳтиёжлари ва кутган нархи мос қадриятлари бўйича қондирилади”.

### **Муҳокама учун саволлар**

1. Сифатни аниқлашда қандай ўзгаришлар содир бўлди?
2. Уларни шарҳлаб беринг?

### **Вазиятли топшириқ**

Генри Нив ўзининг “Доктор Деминг макони” китобида савол беради: *Нимага одамлар ишини яхши бажаришлари керак, улар қўлидан келадиган минимум ишини бажарган ва вақтни ўтказган ҳолда ишдан кетишлари ўрнига?* Бундан келиб чиқиб мумкин бўлган сабабларни таклиф этамиш: қўрқиши, улар пулли рағбатлантиришларни хоҳлашади.

### **Муҳокама учун савол**

1. Сизнингча, ушбу сабабларнинг қайси бири бир мунча самаралироқ?”  
Шарҳлаб беринг.
2. Сизнингча, бошқа сабаблар ҳам борми?

### **Вазиятли топшириқ**

Сифат масалалари бўйича инглиз мутахассиси Джон Окланд қўйидаги мисолни амалга оширади: “Кўп ҳолларда ўз қўлимдаги соатимни ечган ҳолда ва уни аудиторидаги университет талабалари, докторантлари, тажрибали менежерларга кўрсатиб, ҳамиша битта саволни берардим: “Бу сифатли соатми?” жавоблар турли хиллилиги билан фарқланмасди:

- Йўқ улар Японияда ишлаб чиқарилган.
- Йўқ уларда қирилиш бор.
- Улар қанчалик ишончли?
- Мен бунақаларни тақмасдим!

Менинг соатимни бутун дунёда ҳақоратлашарди. Лондонда, Нью-Йоркда, Парижда, Сиднейда, Брюсселда, Амстердамда, Бредфордда!

Менга бу борада жуда кўп маротаба соатнинг сифати, унинг эгасининг унга бўлган талабларининг қанақалигига боғлиқ деб тушунтиришимга тўғри келган: балки қимматбаҳо тошларнинг кўплиги бойликнинг тимсолидир, нафақат вақтни, балки яна ҳафта кунини ва санасини кўрсатувчи рақамли табло – ишбилармон кишилар учун, денгизнинг 50 метрлик чуқурлигига тушганда ҳам ишлаши эса, аквалангистлар учун. Шубҳасиз, ушбу талабларни бажариш

ҳам соатнинг сифатини аниқлайди”. Ушбу ҳикояни *TQM* нуқтаи назаридан шарҳланг.

### **Мұхомама учун савол**

1. Ушбу ҳикояни *TQM* нуқтаи назаридан шарҳланг.
2. *TQM* нуқати назаридан таълим сифатига қўйиладиган талабларни изоҳлаб беринг.

### **Парето диаграммаси ёки ABC-таҳлил**

Парето тамойили бўйича 20 фоиз сабаб 80 фоиз оқибатни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, мумкин бўлган сабабларнинг атиги 20 фоизи алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар 80 фоиз натижага сабаб бўлади ва аксинча.

Ушбу тамойил италиялик иқтисодчи Вильфредо Парето номига қўйилган бўлиб, у XIX асрда Италияning 20 фоиз аҳолисининг қўлида 80 фоиз капитал тўпланганлигига ўз эътиборини қаратган. Кейинчалик ушбу қоиданингadolatлиги ҳаётнинг турли соҳаларидағи қузатишлар ва натижаларни ҳисобкитоб қилиш асосида тасдиқланди.

Жами келиб чиқадиган номувофиқларнинг 20 фоизини бартараф этиш барча номувофиқларни бартараф этишга кетадиган харажатларнинг 80 фоизини ташкил этади; етказиб берувчи-компания учун барча буюртмалар умумий сонининг 20 фоизи 80 фоиз фойдани шакллантиради ва ҳоказо. Шундай қилиб, барча хатти-ҳаракатларимизни 20 фоиз сабабга қаратишимиз ўз навбатида 80 фоиз оқибатга таъсир этади. Навбатдаги 30 фоиз сабаб атиги 15 фоиз оқибатни келтириб чиқаради ва ниҳоят қолган 50 фоиз сабаб қолган 5 фоиз оқибатга таъсир этади. Шундай қилиб, биз ўз эътиборимизни ва хатти-ҳаракатларимизни натижаларнинг аҳамиятлилиги ва самарадорлиги бўйича тақсимлашимиз мумкин.

### **Қарорлар устуворликларини қисқартиришлар ва қайта топширишлар бўйича қабул қилиш**

Ушбу топшириқнинг мақсади вазифаларни ажратиш учун ажратилган вақтларни 5-6 соатгача қисқартириш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги ишларни бажариш кўзда тутилади:

1. Парето тамойили (80:20 муносабатдаги) бўйича аҳамиятли (муҳим) ва аҳамиятсиз вазифалар (иш)ни аниқлаш. Ушбу қонуниятни менежернинг иш вазиятида қўллаш шуни англатадики, яъни иш жараёнидаги биринчи 20% сарфланган вақт (харажат) билан 80 фоиз натижага (чиқарилган маҳсулотлар) эришади, қолган 80 фоиз сарфланган вақт билан эришилган умумий натижанинг атиги 20 фоизни ташкил этади. Бу тамойиллардан фойдаланишни ҳар қунлик кундалик ишларга қўллагандага бу шуни англатадики, аввало, энг осон, қизиқарли ёки минимал вақт (харажатлар)


талаб этувчи ишлардан бошлаш керак эмас, балки вазифаларга уларнинг моҳияти ва муҳимлигига қараб ёндашиш зарур. Агарда барча вазифалар якуний натижага мувофиқ уларнинг улушлари таҳлил этиладиган ва кейин А, В ва С (ABC усули) категориялари бўйича тақсимланадиган бўлса, Парето тамойилидан фойдаланган ҳолда кетма-кет қўллаш аниқлаштирилади.

2. A,B,C усули ёрдамида муҳим вазифалар (ишлар) учун бир хил устуворликларни белгилаш ва улар билан кунлик вазифаларнинг мувофиқлигини аниқлаштириш (1-расм). A,B,C таҳлили тасдиқланган тажриба билан қуидаги 3 та қонуниятга асосланади:

- энг муҳим вазифалар (A категория) менежер банд бўладиган жами вазифа ва ишларнинг тахминан 15%ни ташкил этади. Ушбу вазифаларнинг хусусий аҳамияти (мақсадга эришиш маъносига) 65 фоизни ташкил этади;

- муҳим вазифалар (B категория) бутун вазифалар ҳажмининг 20 фоизни ташкил этган ҳолда уларнинг аҳамияти ҳам 20 фоизни ташкил қиласди;

- бир мунча аҳамиятсиз, яъни шошилинч бўлмаган ишлар (C категория) аксинча вазифалар умумий миқдорининг 65 фоизни ташкил этади ва уларнинг умумий ОТМ(факультет, кафедра) мақсадига эришишдаги аҳамияти 15 фоизга тўғри келади.



**1-расм. ABC усули ёрдамида муҳим вазифаларнинг аҳамияти**

ABC таҳлил усули хулосаларига мувофиқ камроқ ҳаракатлар ёрдамида биринчи навбатда энг муҳим ишлар(вазифалар) (А групхлари)дан бошлаш тавсия этилади. Бунинг натижасида камроқ ҳаракатлар ёрдамида вазифани бажаришнинг умумий қисмининг катта қисми таъминланади. Муҳимлиги бўйича навбатдаги вазифалар(В групхлар)га ҳам жами натижаларнинг салмоқли улуси тўғри келади. Бунинг натижасида кам ҳаракатлар ёрдамида вазифани бажариш умумий қисмининг катта қисми таъминлашади.

Ва охирги бундай ҳолларга нисбатан иш вақтининг катта қисми талаб этиладиган, лекин анча аҳамиятсиз вазифалар (С групхлар)ни умуман олганда

катта бўлмаган натижалардан иборат бўлади.

3. Вақтга бўлган эҳтиёжни калькуляцияланган ва зарур микдордаги барча ишлар (вазифалар)ни бажариш учун вақтларни қисқартириш.

4. Ҳар бир вазифани уни қайта топшириш (тақсимлаш) имкониятлари нуқтаи назари бўйича кўриб чиқиш.

### **Тугалланмаган ишларни кейинга кўчириш ва назорат қилиш**

Амалиётда ҳамма вазифаларни бажаришнинг имкони бўлмаслиги ҳамда барча телефондаги сұхбатларнинг амалга ошмаслиги мумкин. Шунинг учун уларни кейинги кунга қолдиришга (кўчиришга) тўғри келади.

Агарда битта иш қўп маротаба кўчирилса, бу менежер учун даҳмазага айланади ва бунай ҳолатда унда иккита имконият қолади:

- унинг учун қатъиятли туриш ва охиригача етказиш;
- ушбу муоммони ечишдан воз кечиш, яъни баъзи бир ҳолатларда муаммо ўз-ўзидан ечилади.

### **Топшириқ**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сиз ўзингизнинг кундалик иш жараёнингизда қиласиган ишларингизга кетадиган вақтдан Парето тамойилига асосан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқинг.

### **Мухокама учун саволлар**

1. Нима учун менежернинг иш вақтини режалаштириш зарур? Навбатдаги иш кунини режалаштиришнинг умумий қоидаларида менежер қандай устуворликка эга бўлади?

2. Иш кунини режалаштириш усулини тушунтириб беринг.

3. Умумий тарзда Парето тамойилининг кўрсаткичларини санаб ўтинг. Ушбу тамойилни раҳбарнинг иш ҳолатига қўллаш қандай тарзда амалга оширилади?

4. “ABC” усулининг моҳияти нимадан иборат?

### **Топшириқ**

Агарда иш кунининг давомийлиги 8 соатни ташкил этса, ўз иш вақтингизни Парето вақт тамойилига (80:20 нисбатдаги) риоя қилган ҳолда режалаштиринг.

**Ҳар қандай ташкилот ташқи муҳити таҳлили қўйидаги омиллар гуруҳини ўрганишни ўз ичиға олади(PEST-таҳлил):**

- сиёсий-хуқуқий;
- иқтисодий;
- ижтимоий-демографик;
- технологик.

PEST-таҳлил мақсади – ОТМ учун критик бўлган кўрсаткичларни аниқлаш

ва уларни нейтраллаштириш учун кўриб чиқиш зарур бўлган чора-тадбирлар ўз ичига олади.

### **Топшириқ**

Сиз ишлайдиган таълим муассасаси ривожланишига сезиларли таъсир этувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик(бошқарув) омилларни аниқланг.

**Сиёсий омиллар** – ташкилотнинг ривожланишига таъсир этувчи хукуматнинг барча хатти-ҳаракатлари: республика, минтақавий дастурлар ва қонунчилик ҳужжатлари ва ҳоказолар.

**Иқтисодий омиллар** – таълим муассасаси жойлашган минтақанинг, шаҳарнинг иқтисодий аҳволи, бизнес ва саноат корхоналарнинг ўзаро муносабатлари, ташкилотларни молиялаштириш тавсифи.

**Ижтимоий омиллар** – ОТМнинг жамият билан ўзаро муносабатлари, демографик вазият, таълим муассасаси жойлашган худуднинг маданий-маърифий имкониятлари, жамоат, шунингдек, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик ва ҳоказолар.

**Технологик(бошқарув) омиллари** – таълимни давлат-жамият нуқтай назаридан бошқаришнинг тавсифи, бошқарув органларининг ОТМга нисбатан хатти-ҳаракатлари.

Энди ушбу омилларни қуйидаги “Таълим муассасасининг ташқи муҳити таҳлили” деб номланган жадвалга киритинг. Бунда Сиз ўзингиз фаолият юритаётган олий таълим муассасангиз, хоҳласангиз факультетингиз ёки кафедрангиз мисолида унг таъсир этувчи ижобий ва салбий ташқи омилларни аниқлашингиз зарур.

### **1-жадвал.**

#### **“Олий таълим муассасаси(факультет, кафедра)нинг ташқи муҳити таҳлили”**

<b>Сиёсий</b>	
+	-
<b>Иқтисодий</b>	
+	-
<b>Социум</b>	
+	-

<b>Бошқарув технологиялари</b>	
+	-

Сиз ишлайдиган олий таълим муассаси ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларни таҳлил этиб бўлганигиздан кейин унинг ички мухитини таҳлил этишга эътиборни қаратиш керак бўлади. Кейинги амалий дарс мавзусида кўриб чиқилади.

### **Адабиётлар**

1. Белова Л.П. Организационный практикум Методические указания по изучению дисциплины: «Организационный практикум» для слушателей дополнительной профессиональной образовательной программы «Менеджмент в образовании» Тюмень, ТГНГУ 2012.
2. Виханский О.С., Наумов А.И. Практикум по курсу «Менеджмент». М., 2002.
3. Казанцев А.А., Малюк В.И., Серова Л.С. Основы менеджмента. Практикум. М., 2008
4. Nurimbetov R.I. MENEJMENT: AMALIY MASHQLAR “Musiqा” nashriyoti Toshkent 2007

## **2-Мавзу: Олий таълимда сифат менежменти самарадорлигини баҳолаш усуллари (2 соат)**

Бугунги глобаллашув ва кескин рақобатчилик шароитида ОТМларда сифат менежменти тизими кенг жорий этилмоқда. Олий таълим ҳолати таҳлилиниң кўрсатишича, олий таълим тизимини модернизациялаш ва ислоҳ этиш билан боғлиқ жараёнларда турли хилма хил фикрлар мавжуд. Таълим менежменти фаол ривожланмоқда, лекин олий таълим муассасаларини бошқариш масалалари замонавий шароитда педагогика ва педагогик-менежмент соҳаси олим-тадқиқотчилари томонидан кам ўрганилган.

Кўпгина таълим муассасалари амалиётининг кўрсатишича, олий ўкув юртида самарали фаолият юритувчи сифат менежменти тизими(СМТ)ни таъминлаш маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқаради, сабаби ҳар бир таълим муассасаси, аввало, педагогик тизим бўлиб, жараёнларни белгилаш ва ҳужжатлаштириш унинг ҳаётийлик фаолиятининг сифатини тўлақонли таъминлай олмайди. Олий таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлиги аҳамияти ва мураккаблик даражаси турлича бўлган кўпгина вазифаларни ҳал этишга боғлиқ. Бундай вазифаларнинг йигиндиси ва уларни ечиш ОТМ динамикаси ва ривожланишини таъминловчи тизимни ташкил этади.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари учун таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш муаммоси бир нечта сабаблар бўйича долзарб аҳамият касб этади. ОТМдаги таълим сифатига бир томондан давлат гранти ва тўлов-контракт асосида олий таълим олишни ҳисобга олиш билан у ёки бу ОТМни танлашга имонияти бўлган бўлғуси абитуриентлар катта аҳамият беришса, бошқа томондан меҳнат бозорининг битирувчи малакасига бўлган талаби ортиб бормоқда. Умуман, замонавий абитетуриент учун потенциал олинган таълим сифати масаласи муҳим бўлиб бормоқда.

Олий таълим муассасасини бошқариш муаммоси ўзида барча даражаларда менежментнинг мавжудлигини намоён этади. Олий таълим сифати муаммосини ечишга бўлган ёндашувда таълимни ривожлантириш стратегияси узлуксиз таълим олиш, билимларни глобаллаштириш, ислоҳ этиш жараёни узлуксизлигини таъминлаш ва такомиллаштириш орқали барқарор ривожланиш концепциясини ҳисобга олиш билан ишлаб чиқилади.

Бугунги қунда ОТМларда мутахассисларни тайёрлаш сифатини бошқаришнинг қуидаги учта моделларидан фойдаланиш мумкин:

1. ОТМ фаолияти сифатини бошқаришга баҳолаш ёндашуви (SWOT-таҳлил);
2. Умумсифат менежменти(TQM) тамойилларига асосланган концепция;
3. Халқаро сифат стандарти ISO 9000:2000 талабларига асосланган

ёндашув.

Баҳолаш ёндашувига асосланган бошқариш модели ўзида ОТМ фаолиятининг кучли ва ожиз томонларини, шунингдек, унинг ривожланишидаги ижобий ва салбий омилларни аниқлаш учун ўз-ўзини баҳолашни тизимли олиб боришни намоён этади. Ушбу асосда аниқланган муаммоли вазиятларни ҳал этиш ва фаолиятни яхшилаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва таклиф этилади.

TQM (умумсифат менежменти) тамойилларига асосланган менежмент модели, шунингдек, баҳолаш усулларидан фойдаланишга қарамасдан, таълим муассасаси фаолиятини маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи сифатида чукур таҳлил қилишга асосланади. TQM концепцияси ўзида ОТМда унинг асосий фаолияти маҳсулотлари ташқи мухит эҳтиёжларини ҳар томонлама тадқиқ этиш натижасида аниқ ва равshan шакллантирилган миссиянинг шакллантирилганлигини, стратегик мақсадлар ишлаб чиқилганлигини намоён этади.

Умумсифат менежменти фаолиятга нисбатан жараёнли ёндашувни намоён этиб, қатор маҳсус, етарлича мураккаб, аммо сифатни бошқаришда бир мунча самарали бўлган усуллар ва дастаклардан фойдаланади.

Халқаро сифат стандарти ISO 9000:2000 талабларига асосланган ёндашув ўзида манфаатдор томонларни белгилашни, маҳсулот сифатига уларнинг талабларини аниқлашни, фаолиятни узлуксиз такомиллаштириш тизимини яратишни намоён этади. Мазкур модель сифат менежментининг асосий тамойилларига, шу жумладан, жараёнли ёндашувга асосланади.

TQM моделидан фарқли мазкур модельда менежментнинг асосий дастаклари бўлиб, сифат(мос стандартларга, инструкцияларга ва ҳоказолар)га йўналтирилган ҳужжатлаштириш тизими ҳисобланади.

Ҳар қандай ташкилотда, шу жумладан, ОТМда сифат менежменти тизимини яратиш ва амалда қўллашнинг бир мунча муҳим ҳолати – бу истеъмолчига йўналтирилганлик, яъни уларнинг талабларини аниқлаш ва белгиланган талабларга мослиги даражасини баҳолаш ҳисобланади.

Амалда олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини жорий қилиш учун қуидагилар зарур бўлади:

1. ОТМнинг ташкилий ва штат тузилмасини оптималлаштириш(жараёнлар раҳбарларини тайинлаш; жараёнли модельни ишлаб чиқиш ва долзарблаштириш);
2. СМТ ҳужжатларини ишлаб чиқиш (сифат бўйича раҳбарлик; мажбурий процедуралар учун стандартлар; тузилмавий бўлинмаларнинг ҳужжатлари);
3. СМТни жорий этишни бошқариш (раҳбариятнинг жавобгарлиги; СМТ

персонали ва уни жорий этишда қатнашиши; мониторинг, ўлчаш, таҳлил этиш, яхшилаш);

4. СМТ таҳлилини ўтказиш (СМТ баҳолаш; СМТни ҳужжатлаштиришни баҳолаш; доимий ривожланиш ва яхшилашга йўналтирилганлик; ички аудитлар);

5. Тасдиқлашни олиш – сертификат.

Агарда нафақат талабалар ва таълим олувчилар, балки профессор-ўқитувчилар ҳам ўқув жараёнининг қатнашчилари сифатида маълум бир ютуқларга эга бўлишса, таълимни сифатли деб аташ мумкин.

Талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш тизимини яратиш ва ўзлаштириш бугунги кунда таълимдаги бир мунча долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу сабабли ҳозирги вақтда уни ечишга катта аҳамият берилмоқда, бундай тизимларни самарали қўллаш талабаларнинг зарурий билим даражасини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради, профессор-ўқитувчига таълим олувчи билан индивидуал ишлашга кўпроқ эътибор қаратиш имконини беради.

Охирги вақтларда республикамида маҳаллий олий таълим муассасаларини жаҳоннинг энг зўр университетлари қаторига чиқариш борасида муҳокамалар ва бу борада қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу, ўз навбатида, республикамиз ОТМларида таълим сифатини тубдан ошириш борасида катта ишларни амалга оширишни талаб этади.

Жаҳоннинг энг зўр университетлари рейтинги методикаси Times Higher Education жамоаси томонидан аниқланиб, бу ташкилот ушбу соҳадаги энг машҳур глобал тадқиқот марказларидан бири ҳисобланади. Университетнинг ютуқлари даражаси унинг фаолияти бўйича комбинацияланган статистик кўрсаткичлар натижалари, шунингдек, университет ҳақида ўз фикрларини берувчи глобал эксперtlар сўровини ўтказувчи халқаро академик ҳамжамият вакилларининг фикрлари натижалари асосида баҳоланади.

ОТМ фаолияти таҳлиллари 13 та миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Асосий баҳолаш мезонлари бўлиб, халқаро талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг сафарбарлиги, халқаро стипендия дастурлари, илмий тадқиқотлар даражаси, инновацияга қўшган ҳиссаси, илмий мақолаларнинг цитаталанганлиги, таълим хизматлари даражаси ва ҳоказолар бўйича кетади.

**THE WORLD UNIVERSITY RANKINGS БҮЙИЧА РЕЙТИНГНИ  
ХИСОБЛАШ МЕТОДИКАСИ**

Кўрсаткич	Улуши(%да)
Университетнинг илмий фаолияти ва таълим сифати билан биргаликдаги академик нуфузи (халқаро академик ҳамжамият вакилларининг глобал эксперт сўровлари маълумотлари).	15, %
Университетнинг маълум соҳалардаги илмий нуфузи (халқаро академик ҳамжамият вакилларининг глобал эксперт сўровлари маълумотлари).	19,5 %
Турли тадқиқот соҳаларига нисбатан нормаллашган илмий нашрларнинг цитаталанганлиги (беш йиллик даврдаги 12 минг илмий журналларнинг маълумотлари).	32,5%
Профессор-ўқитувчилар таркиби сонига нисбатан нашр эттирилган илмий ишлар нисбати(беш йиллик даврдаги 12 минг илмий журналларнинг маълумотлари).	4,5 %
Профессор-ўқитувчилар таркиби сонига нисбатан университет илмий тадқиқот фаолиятининг молиялаштирилиши (кўрсаткич маълум бир мамлакатнинг иқтисодиётидан келиб чиқсан ҳолда харид қобилияти паритети бўйича нормаллаштирилади ).	5,25 %
Профессор-ўқитувчилар таркиби сонига нисбатан университет илмий тадқиқот фаолиятининг компаниялар томонидан молиялаштирилиш ҳажми.	5,5 %
Университетнинг умумий тадқиқот бюджетига нисбатан давлат томонидан илмий тадқиқот фаолиятининг молиялаштирилиши.	0,75 %
Таълим олувчилар сонига нисбатан профессор-ўқитувчилар таркибининг нисбати.	4,5 %
Хорижий профессор-ўқитувчилар вакилларининг маҳаллийлар профессор-ўқитувчилар сонига нисбати	3,0 %
Хорижий талабалар сонининг маҳаллий талабалар сонига нисбати	2,0 %
Профессор-ўқитувчилар таркиби сонига нисбатан ҳимоя қилинган диссертациялар (Ph.D) нисбати.	6,0%
Магистр даражасини олиш учун таълим олаётган бакалаврлар сонига нисбатан ҳимоя қилинган диссертациялар (Ph.D) нисбати.	2,25 %
Профессор-ўқитувчилар таркиби вакилининг ўртача мукофатланиш ҳажми (кўрсаткич маълум бир мамлакатнинг иқтисодиётидан келиб чиқсан ҳолда харид қобилияти паритети бўйича нормаллаштирилади).	2,25 %

Ҳар йилги тадқиқотлар натижалари бўйича дунёning энг зўр 400 та университетлари рўйхати тузилади. Рейтингга фақат тадқиқотнинг маҳсус соҳалари бўйича шуғулланишадиган ва йилига 200 тадан кам илмий нашрлар қилган университетлар ҳисобга олинмайди.

Лойиҳа муаллифларининг кўрсатишича, Times Higher Education тадқиқотчилар жамоаси ҳисоблашни максимал даражада объектив амалга оширишиб, барча маълумотлар ва рейтинг методологияси борасида ташқи аудит учун ҳеч қанақа чеклов йўқ.

Тадқиқот натижалари бўйича иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларнинг энг зўр 100 та университетларининг рейтинги тузилади. Ўтган йили биринчи ўринни яна Пекин университети(Хитой) эгаллади. Иккинчи ўринни ҳам худди ўтган ундан олдинги йилдагидек, Цинхуа университети(Хитой) эгаллади. Учинчи ўринни Яқин шарқ техника университети(Туркия), тўртинчи ўринни Кейптаун университети(Жанубий Африка), бешинчи ўринни олдинги йилга нисбатан бир деганда 5 та поғонага кўтарилиган ҳолда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети эгаллади.

Масалан, Хитой ривожланаётган давлат сифатида ўз позициясини сезиларли даражада мустаҳкамлаб боришини давом эттириб иқтисодий тараққиёт ва таълим стандартлари бўйича ҳам биринчи ўринда турибди. Умуман, Хитой ва Тайван ОТМлари 100 та энг зўр университетлар орасида 47 таси уларнинг ҳиссасига тўғри келиб, бу борада етакчилик қилишмоқда. Таққослайдиган бўлсак, Ҳиндистондан 11та, Туркиядан 9та, Жанубий Африкадан ва Бразилиядан 5тадан университетлар ушбу рўйхатга киритилган.

1981 йили Хитой университетлари халқаро даражалар тизимини қабул этди: *бакалавр-магистр-доктор*. Сиртқи, кечки ва экстернат таълим шакллари мавжуд. Университетлар бир йиллик стажировкаларга хориждан хитой тили бўйича таржимонларни, шарқшуносларни ва иқтисодчи-шарқшуносларни ҳаддан зиёд кўп қабул этишади.

Хитой ОТМ ихтисослашуви билан фарқ этишади. Техник, педагогик ва лингвистик институтлар мавжуд. Тил билан биргаликда география ва иқтисодиётни ўргатадиган курслар ҳам фаолият юритади.

1978 йилда бутун Хитой аҳолисининг 23,5 фоиз заводсиз эди, 1997 йил охирига келиб, бу кўрсаткич 12,01 фоизга тушди, 15 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар орасидаги заводсизлик 18,5 фоиздан 6 фоизгача пасайди. Бу кўрсаткич худди шу даврдаги ривожланаётган мамлакатлардаги кўрсаткич ўртача даражасидан паст.

Ҳозирги вақтда Хитой айrim соҳаларни истисно қилганда, ўзи юқори соҳа мутахассисларини тайёрлай олади. “Инженерия 21-1” режасини амалга ошириш

бўйича ишлар муваффақиятли бормоқда. Бунинг асосий мақсади XXI асрда ОТМлар ва илмий муассасалар бунёд этишдан иборатдир.

### **Топшириқ**

Ўзингиз фаолият кўрсатаётган ОТМ(факультет, кафедра)нинг ташқи муҳит таҳлилини амалга оширганингиздан (1-топшириқни бажарганингиздан) кейин ўз таълим муассасангизнинг муаммоли(долзарб) вазиятига эътиборни қаратган ҳолда унинг кучли ва ожиз томонларини аниқланган ва уларни қуидага келтирилган жадвал графаларига ёзинг.

Кейинчалик ОТМ ташқи муҳити таҳлилиниң барча омилларининг ижобий томонларидан фойдаланган ҳолда улар орасидан ОТМ ривожланишининг салбий томонларини бартараф этишга қодир имкониятларни танланг.

Ўхшаш тарзда ташқи муҳитнинг барча салбий томонлари устида ишланг, таълим муассасасининг кучли томонлари ривожланишига тўсқинлик қилувчи таҳдидларни аниқланг.

Қуидаги жадвалдаги мос графаларни тўлдиринг.

### **3-жадвал.**

#### **ОТМ(факультет, кафедра)нинг ички муҳити таҳлили**

Имкониятлар	Кучли томонлар
Таҳдидлар	Ожиз томонлар
Ташқи муҳит	Ташкилот(тизим)

### **Адабиётлар**

1. Белова Л.П. Организационный практикум Методические указания по изучению дисциплины: «Организационный практикум» для слушателей дополнительной профессиональной образовательной программы «Менеджмент в образовании» Тюмень, ТГНГУ 2012.
2. Виханский О.С., Наумов А.И. Практикум по курсу «Менеджмент». М., 2002.
3. Казанцев А.А., Малюк В.И., Серова Л.С. Основы менеджмента. Практикум. М., 2008
4. Nurimbetov R.I. MENEJMENT: AMALIY MASHQLAR “Musiqa” nashriyoti Toshkent 2007

### **3-Мавзу: Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини бошқаришни ривожлантириш истиқболлари (2 соат).**

Бозор муносабатлари шаклланишининг муҳим натижаларидан бири, бу – мамлакат таълим ва қасбий салоҳиятини шакллантириш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи ҳисобланди. Мамлакат қасбий салоҳияти ва қасбий таълим нуфузининг пасайиши инсон ресурслари сифатини бошқариш масаласини кун тартибидаги биринчи масалалар қаторига қўйади. Сабаби инсон ресурслари сифатини ошириш ижтимоий-қасбий рақобатбардошликни шакллантиришнинг умумий стратегияси ва самарали бандликни таъминлашда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Кадрлар салоҳияти сифатини давлат томонидан самарали бошқариш ва қўллаб-қувватлашни Япония, Жанубий Корея ва қатор Европа давлатлари ўз амалиётларида кўрсатишди. Янги технологияларга асосланган таълимга йўналтирилган йирик инвестициялар ўз навбатида таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозори орасида юқори балансланганликни таъминлади. Бугунги кунда кўпгина трансмиллий корпорациялар кадрлар тайёрлашга меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 10 фоиздан ортиқ қисмини сарфлашмоқда.

Амалиётнинг кўрсатишича, техник ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, кадрларни қасбий тайёрлашга кетадиган харажатлар ҳажми шунчалик юқори бўлади.

Кадрлар салоҳияти сифатини фақат иқтисодий даражада таъминлаб бўлмайди. У бундан кам бўлмаган микдорда давлат органлари, фирмалар раҳбарлари, қасбий таълим сифатини бошқариш ва ташкил этиш соҳасидаги таълим тузилмалари томонидан олиб борилаётган сиёsat билан белгиланади. Кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва оқилона фойдаланишнинг умумий стратегияси сифатнинг асосий элементларини таъминловчи кадрлар тайёрлаш борасида комплекс кўпдаражадаги тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, у ўз ичига қасбий тайёргарликни, ижтимоий-рухий тайёргарликни ва самарали бандлик шартларини олади.

Умумий ҳолатда сифат истеъмолчи талабарини қондирувчи товарлар ёки хизматларнинг ўзига хосликларининг йигиндиси сифатида аниқланади.

Шундай экан, ходимнинг сифати тўғрисида гапирганда унинг қасбий фаолиятдаги реализациясини (ўзини намоён этишини) таъминлаш зарур.

Бугунги кунда шу нарса аниқ бўлиб бормоқдаки, таълим тизимининг таълим сифати муаммосига секин реакцияси, ўз навбатида, мамлакатнинг келгусидаги қасбий салоҳиятининг ҳамда мамлакат мутахассисларининг жаҳон меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келади ва охир-оқибат маҳаллий товарларнинг халқаро сифат стандартларига мос

келмаслигини келтириб чиқаради.

Ишсизлик бозор муносабатлари шаклланишининг натижаси сифатида таълим тизими билан касбий меҳнат соҳасининг янги асосини белгиловчи реал омилга айланиб меҳнат салоҳиятини амалга оширишнинг янги шартларига мос бўлган ходимнинг сифатини тиклаш учун касбий қайта тайёрлаш борасида янги шаклларнинг зарурлигини келтириб чиқарди. Таълим тизимининг ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини касбий тайёрлаш борасида янги бўлган шакллари ва усувлари пайдо бўлди.

Айнан ушбу тизим доирасида истиқболда самарали бандликка эришиш нафақат касбий тайёргарлик даражасига нисбатан баҳоланадиган, балки унинг ижтимоий-рухий тайёргарлик даражаси билан аниқланадиган ходим сифатини шакллантиришга бўлган тизимли ёндашув орқали амалга оширилади.

### **Вазиятли топширик**

ЮНЕСКО эксперtlари фикрича, ҳозирги вақтда чет эллик фуқароларни ўқитиш XXI асрдаги энг фойдали экспорт турларидан бири бўлиши мумкин. Бугунги кунда эксперtlар томонидан жаҳондаги таълим экспорти 1,5 трлн. долларга баҳоланмоқда. Таълим хизматлари экспорти баъзи мамлакатларга сезиларли даромад олиб келмоқда. Масалан, агарда АҚШ йилига хорижий талабалардан 2000 йилнинг бошларида 14 млрд. доллар олган бўлса, ҳозирги вақтда 760 минг чет элликларни жалб этиб давлат бюджетига 24 млрд. доллар атрофида маблағ қиритмоқда. Ундан кейинги ўринларда мазкур бозор етакчилари – Буюк Британия, Германия, Франция, Австралия, Испания, Канада туришади. Россия бу борада – 150 млн. доллар атрофида олади.

Ҳозирги вақтда халқаро таълим бозори – бу экспортнинг энг динамик ривожланаётган сектори. ЮНЕСКОнинг прогнози бўйича, 2025 йилга келиб хорижда таълим олувчи талабалар сони 7 миллион кишига етади. Қатор давлатларда экспортдан келадиган даромад миқдори катта бўлиб, давлат бюджетининг асосини ташкил этмоқда. АҚШда чет элдан келадиган талабалар томонидан тўланадиган пул маблағлари ҳукуматнинг олий таълимга ажратадиган маблағларига нисбатан 10 марта юқори. Шунингдек, текин таълим ривожланган мамлакатлар(Германия, Франция, Чехия)да ҳам хорижликларнинг яшаш учун тўловлари шаклида ҳам сезиларли даромад олишади.

Осиё минтақасидаги тезда иқтисодий ривожланиш халқаро таълимда талаб(эҳтиёж)нинг пайдо бўлишига асосий рағбатлантирувчи омил бўлди. Осиё мамлакатларида аҳоли жон бошига даромаднинг ўсиши халқаро таълим соҳалари орқали аксарият ҳолларда олдинги авлодлар учун имкони бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши бу борада ривожланишга туртки бўлди. Мазкур мамлакатларда хорижий таълимга бўлган қизиқиши аҳолининг ўсиши ва миллий

даромадининг ошиши билан тобора ортиб бормоқда.

Масалан, 2007 йилда Австралия ўқув муассасаларида 455 минг чет эллик талабалар 190 мамлакатлардан келишиб, шу жумладан, 5 мингтаси Австралия давлати бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилган. Бугунги кунда 100 минг хорижликлар Австралия ўқув муассасаларида хорижда туриб ёки корреспондентлик алоқалари орқали таълим олмоқда. Сўнгги йилларда хорижий талабаларнинг ўқишига кириш бўйича асосий давлатлар Осиё давлатлари (75 фоиздан кўпроғи) бўлиб, лекин охирги пайтларда Яқин Шарқ, Жанубий Америка ва Африкадан келадиганлар сонининг ҳам ортиб бориши кузатилмоқда.

Хорижий таълим оловчиларга кенг кўламли таълим хизматларини кўрсатиш Автралияда биринчи навбатда Осиё давлатлари фуқароларига катта аҳамият берилади. Хорижликларга тақдим этилган таълим хизматлари валютанинг кириб келишида муҳим манбага айланди ва 2007 йилнинг ўзида 17,1 фоизга ортиб, 12,6 млрд. долларни ташкил этди ҳамда мамлакат экспорти таркибида аҳамияти бўйича 3 ўринга чиқиб, 5 йил(2003-2007 йй.) ичida унинг даромадининг йиллик ўсиши 13,4 фоизга етди.

### **Муҳокама учун саволлар:**

1. Хорижда таълим хизматларини кўрсатувчи худудлар учун бундай турдаги фаолиятнинг ижобий аҳамияти нимада?
2. Жаҳоннинг йирик таълим марказларини санаб ўтинг.
3. Бугунги кунда таълим хизматлари экспорти доирасида қандай таълим дастурларига талаб(эҳтиёж) юқори?
4. Болонъя жараёни талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг академик сафарбарлигига қандай йўл билан таъсир этади?
5. Ўзбекистоннинг халқаро таълим хизматлари савдоси жараёнидаги истиқболлари қандай ва уларни тавсифлаб беринг.
6. Халқаро меҳнат тақсимоти жараёнида Ўзбекистоннинг ўзига хос таълим хизматлари экспортини амалга ошириш мумкинми?
7. Ўзбекистоннинг қайси таълим муассасалари хорижий талабаларнинг таълим олишлари учун фаол иштирок этмоқда(имкониятлари мавжуд)?

### **Топшириқ**

Сизга бугунги кунда жамиятнинг ривожланиш тенденциялари ОТМнинг реал амалиётида қандай рўй бераётганлиги устида фикрлашни таклиф этамиз.

ОТМнинг реал амалиётидан келиб чиқиб далилларни асослаган тарзда замонавий босқичда жамиятнинг асосий ривожланиш тенденциялари асосида замонавий таълим сифати тўғрисида хулосалар чиқаринг ва улар асосида жадвални тўлғазинг.

#### 4-жадвал.

<b>1-тенденция</b> Ахборотлашиш	
<b>1-тенденция</b> Демократлашув, фуқаролик жамиятининг шаклланиши	
<b>3-тенденция</b> Шахснинг янги маданий турининг пайдо бўлиши (битириувчига бўлган янги талаблар)	
<b>Хулоса. Таълимни замонавий тушуниш:</b>	

#### Топшириқ

Хозирги вақтда дунёning барча мамлакатларида ОТМ амалиётида замон талабларидан келиб чиқадиган ўзгаришларга фақатгина унда ишловчи профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштироклари орқали эришиш мумкин деган қатъий фикрлар мустаҳкамланиб бормоқда, сабаби айнан профессор-ўқитувчилар ва илмий-педагогик кадрлар ОТМ амалий фаолиятидаги янги ғояларни яратувчи ва амалга оширувчилар ҳисобланади.

Педагогик ва илмий-педагогик муваффақиятлар танловлари, шубҳасиз, профессор-ўқитувчиларнинг касбий ўсишида сезиларли рағбат ҳисобланади. Шу сабабли бугунги кунда кўпгина таълим сифатини ошириш соҳасида тадқиқот олиб борувчи олим-мутахассислар янги таълим сифатига эришиш соҳасида педагогик ва илмий-педагогик муваффақиятлар(номинациялар ва баҳолаш мезонларини) танлови лойиҳаларини ишлаб чиқиши таклиф этишади.

Танлов тўғрисида лойиҳа низомини тасаввур этинг, номинацияларни таклиф қилинг, баҳолаш мезонларини аниқланг ва бунинг учун қуидагиларни амалга оширинг.

**Сифат бўйича мукофот лойиҳасини**, яъни ОТМда таълим бериш, илмий тадқиқот олиб бориш, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш соҳасида ва ҳоказоларда фарқ этувчи сифат белгисини ишлаб чиқинг ва уни ўз портфолионгизга жойлаштиринг. Сизга қулай бўлиши учун қуидаги оддий алгоритмни таклиф этамиз:

- сизнинг олий таълим муассасангизда фаолият олиб борувчи профессор-ўқитувчилар, илмий-педагог кадрлар учун таъсис этилиши мумкин бўлган мукофотлар ёки фахрий белгилар номи;
- мақсадлар (сифат соҳасидаги мукофотлар ва фахрий белгилар қайси мақсадларда берилади);

- мезонлар (Сиз уни нималар бўйича аниқлайсиз, айнан кимларга мукофотлар ёки фахрий белгилар тақдим этилади);
- эксперtlар (мукофотларни ёки фахрий белгиларни бериш учун аниқ номзодларни айнан кимлар танлашади, ва улар( эксперtlар) бунинг учун нималар қилишлари керак);
- тадбир (мукофот ёки фахрий белги билан тақдирлаш тадбири(маросими)га қўйиладиган талаблар);
- ресурслар(қандай ресурслар /инсон, молиявий, техник, моддий ва бошк./ Ушбу лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш учун керак бўлади? Ушбу ресурслардан қайси бирлари фақат дастлабки босқичда керак бўлади? Қандай ресурсларни ҳар йили лойиҳани амалга ошириш жараёнида ишга солиш керак бўлади?);
- рисклар (лойиҳани амалга ошириш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган омадсизликлар. Нима учун ушбу лойиҳа амалга ошмаслиги мумкин?).

*Замонавий жамиятда сифатга бўлган диққат-эътибор ҳажми ва қўлами кундан кунга ортиб бормоқда. Инсонларни атрофдаги ҳамма нарсанинг сифати қизиқтиради: озиқ-овқат, итеъмол товарлари, таълим хизматлари ва ҳакозалар. Кўпгина ривожланган мамлакатларда сифат соҳасида мукофотлар таъсис этилган. Бир мунча нуфузли миллий мукофот Японияда 1951 йилда бутун дунёга машҳур олим Уильям Эрдарв Деминг шарафига таъсис этилган. 1987 йили АҚШда “Фаолиятни тақомиллаштириш тўғрисида”ги Конунга биноан Болдиридж мукофоти таъсис этилган. 1991 йили сифатни бошқаришининг Европа фонди(EFQM), Европа Иттифоқи Комиссияси ва сифат бўйича Европа комиссияси (EQO) сифат бўйича Европа мукофотини таъсис этишиган. Ушбу мукофот билан сифат соҳасида муваффақиятларга эришиган компаниялар, ташкилотлар ва бирлашмалар тақдирланишилари мумкин. Ҳар бир мукофот ташкилотлар фаолиятлари бўйича бир қатор мезонлар йигиндиси орқали ўзаро тақъосланишилар натижасида тақдим этилади.*

*Таълим сифати, хусусан, олий таълим сифати – сифатнинг ўзига хос соҳаси бўлиб, таълим олувчи киши хос у биринчи курс талабаси бўлсин, хоҳ магистрант бўлсин ўзаро алоқда бўладиган аниқ инсонларга бевосита жамбарчас боғлиқ. Сиз фаолият юритаётган ОТМдаги профессор-ўқитувчилар ва илмий-педагогик кадрлар учун мукофот ёки фахрий белги таъсис этиши лозимдир.*

### **Топшириқ**

Таълим сифатини баҳолаш усули сифатида тест қилишининг ўзига хос устуворликларини ва камчиликларини аниқлашга йўналтирилган қуйидаги топшириқни бажаринг.

Таълим сифатини текширишнинг бир мунча кенг тарқалган усулларидан бири бу тест хисобланади. Ушбу усулни қўллашнинг устуворликларини ва камчиликларини аниқланг. Бунинг учун “Плюс, минус, қизиқарли” жадвалини тўлдиринг. Жадвалдаги “Қизиқарли” деб номланган ячейкага биринчи навбатда ўзингиз фаолият юритаётган ОТМни тест ёрдамида текширишни киритинг. Мустақил иш натижаларини груп билан муҳокама қилинг. Зарурият туғилганда жадвалингизни ҳамкаслар фикрларини инобатга олган ҳолда тўлдиринг.

### **5-жадвал.**

#### **“ПМК” жадвали**

+	
-	
Қ	

### **Топшириқ**

Ўз ҳамкасларингиз билан таълим сифатида таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни муҳокама қилинг.

ОТМда таълимга таъсир этувчи турли хил омиллар грухлари мавжуд. Аммо ушбу омилларнинг ҳаммасини ҳам ОТМнинг ўзи ўзгартира олмайди. Бундан шу келиб чиқадики, ОТМ раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари учун олий таълим муассасининг ўзи унга таъсир этиши мумкин бўлган омилларни ўзгартириши ёки унга таъсир этишини муҳокама қилишлари муҳим хисобланади. Бу борада мавжуд халқаро тадқиқот усуллари асосида кўриб чиқамиз.

Ҳамкасларингиз билан ОТМ қандай қилиб (яъни, айнан нима қилиш керак) жадвалда келтирилган омилларга таъсир қилиши мумкин деган масалани муҳокама қилинг. Муҳокама натижаларини жадвалга киритинг:

### **6-жадвал.**

#### **Олий таълим сифатига таъсир этувчи омиллар**

<b>Олий муассасасида таълим сифатига таъсир этувчи омиллар</b>	<b>ОМТларнинг ушбу омилларга таъсир этиш йўллари, усуллари ва механизмлари</b>
<b>ОТМнинг ўзи ўзгартириши мумкин бўлган омиллар</b>	
Талабаларнинг таълим ресурслари(АРМ, компьютерлар, интернет, лабораториялар ва бошқалар)дан фойдаланиш даражаси	
Юқори касбий малака даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар ва илмий-	

педагог кадрлар сони	
Олий таълим муассасидаги тартиб-интизом даражаси	
Талабаларда билим олиш малакаларининг шаклланганлиги	
Талабаларда ўқув материаллари(актив, пассив)ни ўзлаштиришда қўлланиладиган усуллар	
Профессор-ўқитувчилар томонидан фойдаланиладиган усуллар(эслаб қолишга йўналтирилган ёки талабаларни фаол ўзлаштиришга жалб этиш)	
ОТМ моддий-техника базаси ва ўқув ресурслари	
ОТМ профессор-ўқитувчилари ва илмий-педагогларининг қарорлар қабул қилишда иштирок этиш даражаси	
Таълим мазмуни ва жараёнининг шахсий ва амалий йўналтирилганлиги, реал ҳаёт билан боғлиқлилиги	
Таълимнинг диалогик тавсифи	
<b>ОТМнинг маълум бир шароитларда таъсир этиши мумкин бўлган омиллар</b>	
Дастурлар ва дарсликларнинг ўқув материаллари билан етарлича таъминланганлиги	
Дарсликлар ва дастурларга амалий йўналтирилганлик тавсифидаги материалларни киритиш	
ОТМнинг тури, мақоми ва унинг имижи	
ОТМнинг ижтимоий-иктисодий қўрсаткичи (ОТМ ўзаро ҳамкорлик олиб борадиган ташкилотларни, ОТМда таълим олувчи талабаларни ва уларнинг оилаларини умумлаштирган ҳолда)	

Юқорида кўрсатиб ўтилган омилларнинг қайси бирлари Сизнинг таълим муассасангизга таъсир этади? Яна қандай омиллар билан жадвални тўлдирган бўлардингиз? Ушбу омилларни ҳамкасларингиз билан муҳокама қилинг ва натижаларни тизимлаштирган тарзда куйидаги жадвалга киритинг.

<b>Олий таълим сифатига таъсир этувчи омиллар(ОТМни текшириш натижалари бўйича)</b>	<b>ОТМнинг ушбу омилларга таъсир этиш йўллари, усуллари ва механизмлари</b>
<b>ОТМнинг ўзи ўзгартериши мумкин бўлган омиллар</b>	
<b>ОТМнинг маълум бир шароитларда таъсир этиши мумкин бўлган омиллар</b>	

#### **IV. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

---

1. Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий моделлари.
2. Олий таълим сифатини таъминлаш миллий тизимининг асосий элементлари.
3. Олий таълим сифатини аниқлаш борасидаги ёндашувлардаги қарама-қаршиликлар.
4. Таълим сиёсатининг турли даражаларида сифатни таъминлаш муаммолари.
5. Таълим ва тарбия сифатини таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш йўллари.
6. Таълимнинг умум сифат менежменти концепцияси ва уни амалиётга жорий этиш масалалари.
7. Таълимда сифат менежментининг мақсад ва вазифалари.
8. Таълим сифатини бошқариш методлари.
9. Олий таълим тизимида умум сифат менежментининг ўрни.
10. Таълимнинг умум сифат менежментида баҳолаш муаммолари.
11. Таълимнинг умум сифат менежментида стандартлаштириш муаммоси.
12. Таълимнинг умум сифат менежментида аккредитация муаммоси.
13. Таълимнинг умум сифат менежментида рейтинглаш масалалари.
14. Олий таълим тизимида сифат менежменти методологияси.
15. Давлат таълим стандарти ва кадрлар тайёрлаш сифати.
16. Олий таълимда сифатни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари.
17. Олий таълимда сифатни бошқаришни ривожланиши ва бошқарув моделлари.
18. Таълим сифати менежменти субъекти ва унинг фаолиятини ташкил этиш.
19. Таълим тизимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий хуқуқий асослари.
20. Олий таълим муассасаларини аттестациялаш ва аккредитациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва тартиби.
21. Олий таълим сифатини бошқаришга қўйиладиган замонавий талаблар.
22. Олий таълим муассасаси имиджи ва унга таъсир этувчи омиллар.
23. Таълим сифатини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларининг роли.
24. Сифатни таъминлаш жараёнларининг олий таълим муассасаларини бошқариш ва ташкил этишга таъсири.
25. Ўзбекистонда олий таълим сифатини таъминлаш тизимини Болонья тамойиллари билан таққослаш.
26. Хорижда таълим сифатини баҳолашга бўлган ёндашувлар таҳлили.
27. Таълим сифатини оширишга инновацион ёндашув.
28. Таълим сифати индикаторлари ва қўрсаткичлари тизими.
29. ОТМ сифатини аниқлаш методикалари.
30. Таълим сифатини баҳолаш усуллари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.

## V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

---

### **Битирув ишлари учун мавзулар рўйхати**

1. ТQM концепцияси асосида таълим сифатини ошириш ёндашувларини шакллантириш.
2. Сифат менежментининг замонавий дастакларидан самарали фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш
3. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини баҳолаш мезонлари.
4. Болонья жараёни олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш омили сифатида.
5. Олий касбий таълим сифатини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш йўллари.
6. OTM битирувчилари рақобатбардошлигини оширишга таъсир этувчи омиллар.
7. OTMning рақобатбардошлигини оширишни бошқаришни такомиллаштириш.
8. Олий малакали мутахассислар тайёрлаш рақобатбардошлигини ошириш.
9. OTM таълим жараёнида талаба рақобатбардошлигини ривожлантириш.
10. OTM битирувчилари рақобатбардошлигини шакллантириш механизмлари.
11. Олий таълим сифатини баҳолаш: Европа ва АҚШ.
12. Олий таълим сифатини баҳолаш: Япония ва Хитой.
13. OTMда сифатни бошқаришни такомиллаштириш йўллари.
14. Замонавий таълим сифатини бошқаришнинг методологик ёндашувлари.
15. Таълим сифатини бошқариш тизимини шакллантиришга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш
16. Олий таълим сифатини бошқаришнинг замонавий ёндашувлари.
17. OTM сифатини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш йўллари.
18. Жаҳон олий таълим министрлари тизимини модернизациялаш тенденциялари.
19. Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари.
20. Олий таълим тизимида сифат менежменти амалиётини такомиллаштириш йўллари.
21. OTM раҳбарлари ташкилий-педагогик фаолиятининг назарий асослари.
22. OTM фаолияти натижаларига таъсир этувчи ташкилий-педагогик омиллар.
23. Таълимнинг умум сифат менежменти концепцияси, уни амалиётга жорий этиш муаммолари ва истиқболлари.
24. Олий таълим тизимида сифат менежменти методологиясини такомиллаштириш йўллари.
25. Олий таълимда сифат менежментининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари.

26. Олий таълимда сифат менежменти усуллари ва дастакларидан самарали фойдаланиш йўллари.
27. Олий таълим тизимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий-хуқуқий асослари.
28. Олий таълим сифатини бошқаришга қўйиладиган замонавий талаблар.
29. Олий таълим муассасаси имиджи ва унга таъсир этувчи омилларни самарали бошқариш йўллари.
30. Таълим сифатини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларининг роли.
31. Таълимнинг умум сифат менежменти (Total Quality Education Management - TQEM) концепциясини маҳаллий ОТМларида жорий этиш масалалари.
32. Олий таълим сифати менежментининг илфор хорижий тажрибалари ва улардан республикамиз ОТМларида фойдаланиш истиқболлари.
33. ОТМ рейтингини аниқлаш йўлларини такомиллаштириш йўллари
34. Олий таълим муассасасининг сифат менежменти сиёсати.
35. Таълим маркетинги хизматлари сифатини ошириш йўллари.
36. Олий таълимда сифат менежментини ривожлантириш стратегияси.
37. Олий таълим муассасида кадрлар сиёсати ва унинг таълим сифатига таъсири.
38. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати.
39. Таълим сифати тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.
40. Таълимда сифат менежментининг ташкилий механизмлари.
41. Таълим сифати менежментида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ўзига хос жиҳатлари
42. Олий таълим муассасасига қўйиладиган сифат менежменти талаблари.
43. Таълим сифатини баҳолашда квалиметрик ёндашувнинг услубий афзалликлари.
44. Олий малакали кадрлар тайёрлаш сифатини бошқаришни такомиллаштириш йўллари.
45. Таълим-тарбия жараёнлари сифатини оширишда шахс омили.
46. Таълим сифати менежментининг ташкилий-иктисодий асослари ва уни такомиллаштириш масалалари.
47. Таълим сифати менежментининг услубий асосини такомиллаштириш йўллари.
48. Олий таълим муассасаларида сифат менежментини жорий этиш муаммолари ва истиқболлари.
49. Олий таълим тизимида инновацияларни жорий этишни бошқариш.
50. Олий таълимда сифатни таъминлаш жарёнини ташкил қилишда инновацион ёндашувнинг услубий асослари.
51. Олий таълим тизимида меҳнат ресурсларидан самарали бошқаришни такомиллаштириш йўллари.

52. Олий таълим муассасида таълим сифатини оширишда кадрлар салоҳиятини самаравишиш йўллари.
53. OTMда ўкув жараёнини бошқариш сифатини ошириш йўллари
54. OTMда таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш йўллари
55. OTMда илмий тадқиқот ишлари самарадорлигининг таълим сифатига таъсири.
56. OTMда кадрлар салоҳиятидан самаравишиш фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш йўллари.
57. Замонавий OTMларда таълим сифатини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари: минтақавий жиҳат.
58. OTMларни ягона корпоратив ахборот тизимлари бошқаруви асосида таълим сифатини баҳолаш тизимини ташкил этиш.
59. Педагогик таълим сифатини ошириш йўллари.
60. Олий таълим сифатини баҳолаш мезонлари ва индикаторлари.

## VI. ГЛОССАРИЙ

---

**Аккредитациялаш** – таълим муассасасини баҳолаш ва тан олиш бўйича тадбирлар тизими, шунингдек, улар тавсия қилган тайёрлов дастурларини мазмуни, тўлақонлигича, ўқитиш даражаси ва унинг сифатини тан олиш.

**Аттестация** – ходимнинг ўз фаолиятини қай даражада самарали амалга оширишига баҳо бериш.

**Доимий яхшилаш(Permanent Improvement)** – талабларни бажариш қобилиятини яхшилаш бўйича такрорланувчи фаолият.

**Давлат таълим стандарти** – бу таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва маънавий сифатларнинг энг қуи миқдори илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик хужжат.

**Замонавий сифат менежменти** – бу раҳбарлик ва қўллаб-қувватлашнинг самарали таркиби бўлиб, қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. ОТМда сифат менежменти ғоялари ва усулларидан фойдаланиш барча бўғинларда: ОТМ даражасида, унинг бўлимларида, факультет ва кафедраларида, талabalар билими, малакаси ва кўникмалари шаклланадиган ва истеъмолчилар учун “қадриятлар, қийматлар” яратиладиган аудиторияларида амалга оширилиши зарур.

**ИСО(ISO- International Organization for Standardization)** – бутун дунё бўйича Халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи ва қайта ишловчи ташкилотdir. Бу ташкилотнинг бошқарув органи Швецариянинг Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, ўз фаолиятини 1948 йилда бошлаган. Ҳозирда 162 давлат миллий стандартлаштириш институтларини ўзида бирлаштирган.

**ИСОни тузилишидан асосий мақсад** – халқаро миқёсдаги мол алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техниковий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришдир.

**Кайдзен, кайдзэн (яп. 改善 ; кайдзэн; Kaizen;** бу – ишлаб чиқариш жараёнларини, ишланмаларни, ёрдамчи бизнес-жараёнларни ва бошқарувни, шунингдек, ҳаётнинг барча жабҳаларини тўхтовсиз такомиллаштириб боришга йўналтирилган япон фалсафаси ёки амалиётидир.

**Менежмент** – бу бошқа кишиларнинг меҳнати, интеллекти ва хулқ-атвор мотивларидан фойдаланилган ҳолда олдинга қўйилган мақсадга эришишни билишдир.

**Номувофиқлик(NonConformity)** – белгиланган талабларнинг бажарилмаслиги

**Олий таълим муассасаси аттестацияси** – олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир.

**Олий таълим муассасаси аттестацияси(Institutional Attestation)** – ОТМ таълим фаолиятини давлат-жамоат томонидан назорат этишининг асосий шакли.

**Олий таълим муассасаси аккредитацияси** – олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

**Олий таълим муассасасининг ички истеъмолчилари(Internal Customers)** – талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби, ОТМ ходимлари.

**Олий таълим муассасасининг ташқи истеъмолчилари (External Customers)** – таълим муассасасининг ташқи истеъмолчилари-иш берувчи ташкилотлар, давлат, жамият ва бошқа манфатдор томонлар.

**Сифат бўйича раҳбарият(Quality Manual)** – ОТМда сифат менежменти тизимини аниқловчи хужжат.

**Сифат маданияти(Quality Culture)** – ОТМни бошқариш тизими ва ташкилий маданиятида керак бўладиган умум қабул қилинган(сифат тамойиллари деб номланувчи) сифатнинг комплек моделлари йиғиндиси.

**Сифат менежменти (quality management)** – бу сифатга йўналтирилган раҳбарлик ва бошқаришнинг мувофиқлаштирилган фаолиятидир. У сифат менежменти тамойиллари ва дастакларидан фойдаланишга асосланган, менежментнинг барча функцияларини назарда тутган ҳолда ташкилотга таъсир этувчи узлуксиз жараён ҳисобланади.

**Сифатни режалаштириш(Quality Planning)** – таълим сифати бўйича мақсадлар ва талаблар билан боғлиқ сиёсатни, стратегияни шакллантиришга йўналтирилган фаолият.

**Сифат соҳасидаги сиёсат (Quality Policy)** – олий раҳбарият томонидан расмий шакллантирилган ОТМнинг сифат фаолияти соҳасидаги умумий хоҳишлиари ва йўналишлари.

**Сифат соҳасидаги мақсадлар(Goals of Education)** - ОТМнинг сифат соҳасида нимага интилиши ёки эришиши.

**Сифатни таъминлаш** – сифат тизими доирасидаги барча режалаштирилган ва тизимли амалга оширилаётган фаолият турларини ўз ичига олади. Буларга объект (маҳсулот, жараён ёки хизмат) истеъмолчи талабини қондиришига етарлича ишончни тасдиқлаш ва ҳосил қилиш заруриятидан келиб чиқадиган фаолият турлари киради.

**Сифатни яхшилаш** – бу самарадорлик ва натижавийликни ошириш мақсадида ташкилотларда амалга оширилаётган тадбирларни ва ташкилот ҳамда истеъмолчи фойдаси учун қилинаётган тадбирларни ўз ичига олади.

**Сифат тизимини сертификатлаштириш ва баҳолаш тармоғи – EQNET** – бу сифатни таъминлаш тизими бўлиб, ўзида сертификатлаштириш билан шуғулланувчи 17та Европа миллий ташкилотларини бирлаштиради.

**Таълим вазифаси** – раҳбарнинг ташкилий-педагогик фаолияти натижавийлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

**Таълим дастури(Academic Program)** – таълим мазмунининг маълум даражада ва йўналишдаги мазмун-моҳиятини аниқловчи хужжат(хужжатлар йиғиндиси)

**Таълим натижаси** – ташкилотни самарали бошқариш методикаси ва технологияларини эгаллаш.

**Таълим сифатини баҳолаш(Academic Quality Assessment)** – таълим сифатига бўлган талабларни бажариш борасидаги ишончни яратишга қаратилган барча фаолият турлари. Фаолиятнинг ушбу турига ОТМда сифат менежменти тизимини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш, лицензиялаш, аттестация ва аккредитациялаш, шунингдек, ички ва ташқи аудитларни олиб бориш бўйича ОТМ фаолияти, манфаатдор томонлар ва учинчи томон киради.

**Таълим тизимининг мақсади** – бу кўрсатилган вақт давомида таълим муассасаси томонидан таълим жараёнини мувофиқлаштирилган ҳаракатлар билан эришиш мумкин бўлган исталган ҳолат ёки натижа.

**Таълим тизимида маркетинг тадқиқотларининг мақсади** – истиқболли таълим эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг қониқтирилганлик даражасини баҳолаш, истеъмолчилар хулқ-автори гипотезасини текшириш ва прогнозлаштиришдан иборат.

**Таълим хизмати(маҳсулоти) (educational product)** – таълим билан боғлиқ бўлган хизмат(маҳсулот). Хизмат ҳам жараён ҳам натижа ҳисобланади.

**TQC** – бу ўрнатилган талабларни бажариш мақсадида сифатни бошқариш ва назорат қилишни талаб қиласи.

**TQM концепцияси** – бу ўзида ОТМда унинг асосий фаолияти маҳсулотлари ташқи муҳит эҳтиёжларини ҳар томонлама тадқиқ этиш натижасида аниқ-равshan шакллантирилган миссиянинг шакллантирилганлигини, стратегик мақсадлар ишлаб чиқилганлигини намо

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

---

### I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
6. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
7. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
12. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
13. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
15. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 14 февраль.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // “Ўзбекистон овози” газетаси, 2010 йил 28 январь.

17. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

19. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.:“Ўзбекистон”, 2014, 27 - б.

20. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутк /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. - 56 6.

21. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий

жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – утувор вазифамиздир” номли маъruzаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир

раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

## **II. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2016.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битиравчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахassisлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахassisлар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 авгуstdаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим

муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”ги 304 - сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги” 393 сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 515-сон қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 марта даги 100-сонли Қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 107-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 10-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 марта даги 36-сон қарори билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 98-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33 (689)-сон, 442-модда.

### **III. Махсус адабиётлар**

3. Олий таълим. Меъёрий-хуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. –Т., Истиқлол, 2004.

4. Олий таълимнинг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари тўплами. –Т., 2013.

5. Белова Л.П. Организационный практикум Методические указания по изучению дисциплины: «Организационный практикум» для слушателей дополнительной профессиональной образовательной программы «Менеджмент в образовании» Тюмень, ТГНГУ 2012.

6. Виханский О.С., Наумов А.И. Практикум по курсу «Менеджмент». М., 2002.
7. Казанцев А.А., Малюк В.И., Серова Л.С. Основы менеджмента. Практикум. М., 2008
8. Корзникова Г.Г. Менеджмент в образовании. Практический курс.- М. «Академия», 2008-288 стр.
9. Краснова Г.А. Открытое образование: цивилизационные подходы и перспективы. –М.: РУДН. 2002.
10. Nurimbetov R.I. MENEJMENT: AMALIY MASHQLAR “Musiqa” nashriyoti Toshkent 2007
11. Огвоздин В.Ю. Управление качеством. Основы теории и практики. – М.: «Дело и Сервис», 2009.
12. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.
13. Регион: Управление образованием по результатам Теория и практика / Под редакцией П.И.Третьякова. –М.: Новая школа. 2001.
14. Семеусов В. Предпринимательская деятельность в вузе. // Российская юстиция. –М.: 2000.
15. Управление качеством образования: Практикоориентированная монография и методическое пособие / под ред. М.М. Поташника - М.: Педагогическое общество России, 2000 - 448 с.
16. Angus Maddison. “Historical Statistics on World Population, GDP and Per Capita GDP, 1 – 2008 AD”.
17. Kis V. Quality Assurance in Tertiary Education: Current Practices in OECD Countries and a Literature Review on Potential Effect, OECD, 2005, p. 34.
18. El-Khawas E. Accreditations role in quality assurance in United States// Higher Education Management, November 1998. Vol.10No.3.p.43-56.
19. Gordon G. Approaches to effective internal processes to quality management:an initial analysis//Tertiary Education and Management/Vol.4No.4/ 1998/h/295-301.
20. Jacobsson P. A plea for more consistent definition of quality in education and research//Quality and communication for improvement: proceedings 12 th European AIR Forum, University Claude Bernard Ecole normale Supyriere Lyon, france, September 9-12, 1990, Enschede: EAIR, a European Higher Education Society; Utrecht: Lemma. P.59-84.
21. L. Vlasceanu, L.C. Barrows. Indicators for Institutional and Programme Accreditation in Higher/Tertiary Education. UNESCO Studies on Higher Education, 2004. <http://www.cepes.ro/publications/pdf/Indicators.pdf>.
22. Lambert Review of Business-University Collaboration, 2003. [http://www.hm-treasury.gov.uk./media/DDE/65/lambert\\_review\\_final\\_450.pdf](http://www.hm-treasury.gov.uk./media/DDE/65/lambert_review_final_450.pdf). C. 108.
23. Mendenhaii R.W. Technology: Creating New Models in Higher Education. Salt Lake City, Utah: Western Governors University, URL.: <http://www.nga.org/Files/pdf/HEGHEREDTECH.Pdf>.

24. The Bologna Process 2020 – The European Higher Education Area in the new decade. Communique of the Conference of the Conference of European Ministers Responsible for Higher Education. Leuven and Louvai Neuve, 28-29 April 2009 // высшее образование в России.-2009. - №7.- С.156-162

**Интернет сайтлари:**

1. [www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz). – Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг веб сайти.
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ТДПУ сайти
3. [www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). – Таълимнинг янги уфқлари.
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. <http://studme.org/65664/> menedzment/modeli